

“Ватанпарвар кутубхонаси” сериясида

БУЮК АЖДОДЛАРДАН МЕРОС МУҚАДДАС ВАТАН

**Тўплам Мудофаа вазирлиги Матбуот котибияти бошлиғи
подполковник Мақсуд Абиловнинг умумий таҳрири остида тайёрланди**

Мухтарам китобхон, Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришиб, ўз Қуролли Кучларига эга бўлганига 21 йил тўлмоқда. Тарих учун қисқа бу даврда мамлакатимиз хавфсизлиги ва барқарорлиги, сарҳадларимиз дахлсизлигини, халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини химоя қилишга қодир бўлган, замонавий, ҳар томонлама яхши қуролланган, ҳеч кимдан кам бўлмаган миллий армиямизни шакллантириш бўйича улкан ишлар амалга оширилди.

Таниқли олим, ёзувчи, шоир ва журналистларнинг эътиборингизга ҳавола этилаётган Ватан ва ватанпарварлик мавзусидаги энг сара мақола ва лавҳалари, ҳарбий хизматчиларнинг маҳорати, матонати ва садоқатидан ҳикоя қилувчи очеркларидан тайёрланган тўплам Қуролли Кучларимизда изчил амалга оширилаётган ислохотлар мазмун-моҳиятини янада теран англашингизга хизмат қилади, деган умиддамиз.

Мазкур тўплам кенг китобхонлар учун мўлжалланган.

**Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Нашриёт бўлими
Тошкент -2012**

СЎЗ БОШИ

Маънавиятли инсонда Ватанни ҳимоя қилиш қудрати юксак бўлади. Шу сабабли мустақиллик йилларида Президентимиз раҳнамолигида миллий армиямизда маънавий тарбия соҳасида кўплаб ишлар амалга оширилиб, ҳарбий хизматчилар онгига, тафаккурига миллий истиқлол ғоялари чуқур сингдириб келинмоқда.

Бугун шуни фахр ва ғурур билан айта оламизки, Қуролли Кучлар сафидаги ўғлонлар юксак ақл-заковати, интеллектуал салоҳияти, ўз халқига садоқати каби олижаноб фазилатлари билан ажралиб туради.

Ҳарбий хизматчиларнинг маънавий тарбияси соҳасида олдимизда турган муҳим вазифаларни ҳал этишда эл-юртимизга таниқли, катта ҳаёт тажрибасига эга зиёлилар, олимлар, ёзувчилар ҳамда журналистларнинг ватанпарварликни, жонажон Ўзбекистонимизда кечаётган ислохотлар мазмун-моҳиятини, уларда фаол иштирок этаётган бугунимиз қаҳрамонларини ақс эттирувчи янги-янги ижод намуналарига доимо эҳтиёж сезамиз.

Мудофаа вазирлиги марказий матбуот нашри “Ватанпарвар” газетасида чоп этилган ана шундай долзарб мавзулардаги мақолалар асосида тайёрланган, «Ватан ҳимояси – муқаддас бурч» туркумида чоп этилаётган “Буюк аجدодлардан мерос муқаддас Ватан” деб номланган китоб ҳам шу маънода олиб қараганда, ҳарбий хизматчиларни, хусусан ўсиб келаётган ёш авлодни Ватанга садоқат, муҳаббат руҳида тарбиялашдек устувор мақсадга хизмат қилади, деган умиддамиз.

**Полковник Н. Муллабоев,
Мудофаа вазирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари**

ЎЗБЕКИСТОН – ВАТАНИМ МАНИМ

«ВАТАНДИН ЯХШИ ЁР ЎЛМАС...»

Юракдаги чўғ

Халқимиз журъат, шижоат, қатъиятни кўп қадрлайди. Зеро, асрлар давомида шундай хислатлар эгаси бўлмиш мард фарзандларига таянган, суяниб келади.

«Юрагида ўти бор» деган ибора шу боис пайдо бўлгандир эл каломиди... Жасур ўғлонлари, оқила ва дадил қизларига тан бериб айтилган бу эътирофдан ортиқроқ олқиш бўлмаса керак улар шаънига...

Таниқли шоиримиз бир шеърида фарзандига мурожаат қилиб:

«Яратгандан сенинг юрагингга олов сўрайман»,

деганида, шу олов тимсолида ўша шижоат, жасорат, мардлик, матонат, фидойилик каби хислатлар мужассам бўлишини сўрагандир... «Юрагида ўти бор» деган иборанинг мағзи-моҳияти ҳам шудир аслида...

Олимларимиздан бири, Алпомиш ҳақида гапириб, «Алпомишнинг ҳамма куч-қуввати, энг аввало, унинг юрагида... Шу юрагидаги қуввати биллагига куч бериб, ўн тўрт ботмон бирич – бронзадан ясалган ёйдан ўқ отиб, «Алп» номини олган», деганди.

Назаримда, чуқур маъно бор, бу фикрда. Алпомишнинг бутун матонати ана шу юракдаги куч-қувватдан, халқона айтсак, юракдаги ўт, оловдан туғилган. Шу олов уни ўз юрти, оиласи, ор-номусини истибдод зулмидан химоя қилишга чорлаган, оғир дамларда далда бўлган, шаъни, ғурурини ғоят юксак билган бу ёвқур азаматни халоскор баҳодирга айлантирган. Шу боис ҳам асрлар оша аждодларга ибрат бўлиб келмоқда Алпомиш сиймоси...

Мамлакат сарҳадларини кеча-ю кундуз бедорлик билан кўриқлаб, кўз қорачиғидек асраб келаётган, тинч кунларимиз, мусаффо осмонимиз қалқони бўлмиш Ватан химоячилари ана шундай ўтюрраклар эмасми? Уларнинг юрагидаги чўғ шундоқ юз-кўзларида зуҳур этади. Юртни обод этаётган, тоғу тошларни ёриб, йўллар, кўприклар кураётган, саҳроларни боғу бўстонларга айлантираётган, табиат синовларига мардона дош бериб, эл ризқини етиштираётган инсонларчи?

Ҳа, «юракдаги олов-чўғ инсоннинг кўзида балқийди» дейишади. Ёшларимизнинг ёниб турган чакноқ кўзларига боқиб, ишонч ҳосил қиласиз бунга. Шоир Яратгандан фарзандининг юрагига бежиз олов сўрамайди. Бежиз «Умринг адо бўлмай туриб, чўғинг адо бўлмасин», деб ёзмайди. Ахир юрагидаги шу олов сўнмагани учун ҳам чайир боболаримиз унча-мунча совуқ – изғиринда кўксиларини очиб, ялангтўш юришдан чўчишмас...

Бунда ҳам ўзгача тимсол бор... Юракдаги чўғ тимсоли...

Бир умр сўнмаган олов тимсоли...

Ўлмаган умид

Инсоннинг орзу-умидлари кўп, чексиз... Бари эзгулик, рўшноликка дахлдор. Уларнинг жамулжам умумлашмаси ўлароқ элнинг, халқнинг ҳам орзу-умидлари бўларкан. Катта орзу, катта умидлар... Назаримда, бундай умидлар дунёдаги барча халқларга хос... Жаҳондаги катта-ю кичик халқларнинг муштарак умиди – озодлик, тенглик, бахт, фаровонлик...

Лекин бу орзу-умидлар ичида энг кучлиси, ўтли, шиддатлиси – эрк ва озодлик умиди бўлиб келган асрлар давомида. Халқимиз тарихи исбот бунга. Эрк ва озодликни ҳар недан баланд қўйган, ҳар недан азиз билган халқимиз. Неча-неча асрлар қанча мустабид салтанатлар ҳужуми, тажовузи, жангу жадаллар... Шоир айтмоқчи, «Чингизу Боту тиғига кўкси қалқон ўзбегим...»

Ҳа, халқимиз кўксини қалқон қилиб асраган ўз эрки, озодлигини...

Оиласи, онаси, синглиси, аёли, болаларининг ҳаёти, шаъни, ор-номуси, кадри, хурлиги, эркини, демакки, Ватаннинг хурлиги ва эркини асраган...

Ўз тарихининг оғир ва қора кунлари – истибдод замонларида эса, худди шаррос ёмғиру қаҳратон музлик қўйнида оловни асрагандек, юрагида озодлик умидини сўндирмаган. Шу умид қанот бўлиб эрк учун курашган, истибдоднинг қафасларини синдириб, озодликка эришган...

Ҳа, ўлмас умид, ўлмаган умид – озодлик умиди...

Истиклол – халқимизнинг ана шу ўлмаган, сўнмаган умиди меваси... Катта умидлар эса ўлмаган умиддан туғилади, илдиз олади. Қалбимизга қувват бўлиб чорлайди келажакка...

Илойим, ушалсин бу орзулар, рўёбга чиқсин халқимизнинг улғу умидлари...

Англаш саодати

Ватанни англаш унинг муқаддаслигини англашдан бошланади назаримда... Худди Онанинг муқаддаслигини англагандек... Бутун вужудимиз, томирларимиз, қонимизу жонимиз билан бу муқаддасликни ҳис этгандек...

Ватан таърифида кўп сўзлар айтилган, айтилмоқда ва келажакда ҳам айтилиши муқаррар. Зеро, ҳар бир авлод, ҳар бир инсон, аввало, ўзини англаш учун қалбига, ўз илдизларига боқаркан, шу тариқа Ватанни ҳам теранроқ, чуқурроқ англай бошлайди. Демакки, ҳар бир янги кун Ватан ҳақидаги янги бир ҳикматни англашимизга имкон беради. Ўзимизни чуқурроқ билиб борганимиз сари она юрт, ота макон, киндик қони тўкилган тупроқ, бизни аждодлар билан боғлаган руҳий-маънавий ришталар ҳақида ҳам кўпроқ ўйлай бошлаймиз. Ҳазрат Навоий айтган «жон риштаси» – қалбимизни шу азиз ва муқаддас Ватан билан боғлаган жон томири ҳақида фикр қиламиз. Энг аввало англаган ҳақиқатимиз «муқаддас» деган калом бўлади.

Она муқаддас.

Бешик муқаддас.

Ватан муқаддас...

Муқаддас хилқатларни эса инсон ғоят авайлайди, азиз билади, уларга гард юқтирмасликка интилади. Кўз қорачиғидек асрайди. Буюк аждодларимиздан бизга ибрат ва мерос бу хислат.

Ҳалоллик, покликни билиш, кадрлаш... Оқ йўрғак, оқ сут, оқ ювиб-оқ тараш... Бу сўзларнинг бари халқимиз қалби, руҳияти, бутун борлигини намоён этгувчи тимсолларга айланган. Зеро, поклик, ҳалол ризқ, покиза турмушни ҳар недан баланд қўяди халқимиз. Имон-эътиқоди, тарихи, турмуш тарзи, бир сўз билан айтсак, қалби покдир шу боис...

Шу покликка Ватандир бу юрт! Табаррук юрт, муқаддас Ватан!
Ватанни англаш – унинг муқаддаслигини англашдан бошланаркан...

Жондан азиз...

Бундан 17 йил муқаддам – Истиклолнинг 3 йиллиги арафасида Ватан ҳақида бир кўрсатув – кинокомпозиция тайёрлашга киришгандик. Композицияни номлаш чоғи анча ўйландик. Шундай бир ном бўлсаки, «Ватан» деган сўзни айтмай турибоқ, сарлавҳанинг ўзидан Ватан меҳри намоён бўлса, баландпарвоз хитоблардан йироқ, кўнгилга пайванд, самимий қайноқ сўз бўлса дедик. Ниҳоят, «Жондан азиз» деб номладик кўрсатувни.

Шу табаррук юрт, муқаддас замин, қалбимизга пайванд шу Ватан жондан азиз эмасми, зеро... Аслида, бундай қараганда, жондан азизроғи, ширинроғи йўқдек... Лекин она боласи, ошиқ ёри учун жондан кечишга тайёр... Ватан ҳам она, ҳам бола, ҳам ёр қиёфасида намоён бўлса, жондан-да азизроқ эмасми у? Яна ўша машҳур сатр ёдга тушади: «Ватандин яхши ёр ўлмас...»

Ҳа, энг яхши ёр – Ватан... Биз асл ошиқ бўла билсак бас... Асл ошиққа эса ёр учун жонфидолик ҳам шараф, ҳам саодат... «Ватанни севмоқ иймондандир», деган ҳадиснинг буюк ҳикмати бир қиррасидир бу... Яна бир жиҳати, қалбимиз, жонимиз минглаб нозик ришталар, қайноқ томирлар ила шу азиз юрт билан чамбарчас боғланиб кетганки, баъзан жон ва Ватан тушунчаларини бир-биридан айро тасаввур этиш ҳам қийин... Жисмимиз ва қалбимизни ифода этгувчи «жон ва тан» деган сўзларни сал тезроқ айтсак, «жон Ватан» бўлиб янграши ҳам бежиз эмасдир шу боис...

Шу азиз Ватаннинг эрки, озодлиги, бахти йўлида не-не мард ўғлонлари, не-не гулгун қизлари жон фидо этганини, жондан кечганини эслар эканмиз, улар олдидаги бурчимиз, қарздорлигимиз яққол аён бўлади. Бизларни униб-ўстирган, бешигимиз ва онамиз бўлмиш шу муқаддас ошённи, унинг эрку озодлигини энди кўз қорачиғидек авайлаб, келажакка омон етказиш бурчи – ворислик ҳисси уйғоқ бўлади томирларимизда... Шу боис ҳам жонимиздан азизроқдир бу муборак маскан, жондан азиз Ватан...

Озод бургутлар парвози

Бундан бир неча йил муқаддам бургутлар ҳақидаги илмий-оммабоп фильмни ўзбек тилига ўгиришга тўғри келди. Фильмнинг номини ўзбекчалаштираётган пайтим бироз ўйланиб қолдим.

Хаёлимда «Озод бургутлар парвози», деган ном айланиб юраверди. «Бургутлар парвози» деса ҳам бўлади, «Озод бургутлар», дейиш шартми, ахир, бургутларнинг озод ва эркин қуш эканини ҳамма билади-ку, дердим ўзимга. Аммо, «озод», «бургут», «парвоз» деган сўзлар негадир бир-бирига ҳамоҳанг, мос ва муносиб туюлаверди.

Фильмни шундай номладик.

«Озод бургутлар парвози». Бироз баландпарвоздек ҳам туюлади бу ном... Аммо гап бу ерда фильмга шунчаки ном кўйишда эмас, балки эрк, озодлик, шиддат ва журъат, ёвқурлик тимсолига айланган бургут ҳақида эди. Ёш томошабин фарзандларимиз қалбига шундай шижоат ва матонат, қатъият,

мардлик ҳамиша эш бўлишини, олисларни кўзлаган нигоҳлари ўткир, канотлари бакуват бўлишини истаб, шундай номлагандик.

Зеро, халқимиз азалдан бургут, лочин каби қушларни бир бошқача кўради. Шу қушлардаги кўп хислатларни фарзандларида кўришни истагани учун ҳам болаларига шундай исмлар кўяр...

Халқнинг кўп асрлик орзу-умидлари, эрк ва озодлик истаги рамзи – тимсолига айланган бу қушлар...

Фарзандларимизнинг эса бундай тимсол ва рамзларни чуқур тушунишлари, англай билишлари жуда муҳим. Зеро, шу тариқа ҳам юртга меҳр, ҳам дунёни бадий идрок этиш салоҳияти намоён бўлар... Инсонга ҳаёт йўлларида бир умр бургутнинг канотидай қанот бўладиган хислатлар-ку булар... Бундай қанотлари бор қалбнинг парвози эса баланд бўлишига ишонасиз доим...

Шараф йўли

Уч ёшли набирам ҳарбий мавзудаги фильмлар, сериалларни мароқ билан томоша қилади. Турли атамалар, қурол-яроғ турлари, унвонларни айтишда ҳам бийрон. Қизиғи, ҳозир бундай ҳолатни деярли ҳар бир хонадонда кузатиш мумкин. Кичик ёшдаги ўғил болалар-у ўсмирлар, йигитлар ҳарбий хизматга алоҳида бир қизиқиш, завқ, ифтихор билан қарашмоқда, интилишмоқда. Эҳтимол, ўғлонлар табиати, руҳияти, томир-томирларида Ватанни асраш, фидойилик, ёвқурлик ҳисси асрлар оша сўнмас туйғу, тирик машъала бўлиб яшаб келаётгани учун шундайдир. Мустақил мамлакатимиз Қуролли Кучларининг нуфузи шу 20 йил мобайнида том маънода янги сифат босқичига кўтарилгани, юксалиб бораётгани, ҳарбий хизматни ўташ йигитлар учун чинакам матонат, шаклланиш, ўзликни таниш, англаш мактаби – орийат ва шараф тимсолига айлангани, учундир, балки... Аждодлардан ёдгор жўмардлик, жувонмардлик, жонфидолик фазилатлари авлод қалбида тириклиги учундир... Ҳар нечук, бугун Қуролли Кучларимиз сафида хизмат қилиш, Ватан ҳимоячилари қаторида бўлиш деярли ҳар бир йигитнинг эзгу нияти, орзусига айланган. Истиклолнинг юртдошларимиз онгу шуури, тафаккури, дунёқарашида ясаган энг катта ўзгаришларидан бири ҳам шу!

Табиийки, Қуролли Кучлар сафидаги хизмат фақат байрамона ҳарбий либосда кўзларни қувнатиб, ҳавасни ошириб юришдан иборат эмас. Тўғри, бундай либос йигит-қизларимизга жуда ярашади. Шу билан бирга ҳарбий хизмат – қаҳратоннинг аччиқ аёзи-ю, саратоннинг қайноқ тиғида тоғу тошлар, дала-даштлардаги ўқув машқлари, юрт сарҳадларини кўз қорачиғидек асраш, фидойилик, бардош, мардона руҳ демак. Бунинг машаққатини умрида бир бор баланд тоққа чиққан, тепаликка кўтарилган одам яхши билади. Баъзан елкада 20-30 кг. қурол-яроғ билан қояларга чиқиш, сергакликни йўқотмай, ҳар қандай вазиятга шай туриш ҳарбий хизматчилардан чинакам матонатни талаб қилади. Бундай матонат замирида Ватан олдидаги бурчни чуқур англаш, ҳис этиш масъулияти пойдор. Она халқимиз, юртимизга садоқат, Ҳарбий қасамёдга садоқат бундай фидойиликнинг асосидир.

Қуролли Кучларимиз сафида хизматни бошлаётган йигит-қизларимиз Ҳарбий қасамёд қилишлари учун қандайдир бир дақиқа вақт кетаркан. Ҳарбий қасамёд матни бир дақиқада ўқиб бўлинади. Бир дақиқа... Сўнг шу қасамёдга бир умр, бутун умр содиқ қолишади улар. Бир дақиқа ва бутун умр... Бир дақиқалик қасамёд, бир умрлик садоқат... Ватан ҳимоячиларининг тақдирини, ҳаёт йўлини белгилаб беради бу икки тушунча. Шу боис ҳам шарафга буркангандир бу йўл. Эл-юрт меҳри, муҳаббатини қозониб, дуосини олаётгандир...

Ижобат бўлсин бу дуолар!

Ватан ҳимоячиларининг боши омон бўлсин!

Ёш авлод ҳамиша уларга ҳавас билан камолга етсин!

Дилшод ШАМС.

ВАТАННИ УНГА БЎЛГАН МУҲАББАТ ОБОД ЭТАДИ, АСРАЙДИ

Дунёда шарафли вазифалар жуда кўп, аммо улар ичида киндик қонинг томган Ватанингни ҳимоя қилиш шарафлилар ичра шарафлисидир. Негаки Ватан – бу инсонга ато этилган энг қутлуғ неъмат, ҳалол насибамиз, аждодларимиз уйғоқ руҳи кезиб юрган табаррук гўша, уларнинг нафаси уфуриб турган муқаддас тупроқдир!

Ватан унга бўлган муҳаббатдан юксалади, ардоқланади.

Ватан асл ватанпарварлар кўксига жон қадар эъзоз ва ҳимоя топади.

Жалолиддин Мангуберди шижоати, Амир Темур жасорати...

Булар кўксига Ватан деган куёшни кўтариб яшаган инсонлардир. Шу боис улар қалбларимиз тўрида. Ватан тарихини нима безаб туради, деб сўрасалар, ҳеч иккиланмай шижоату жасорат, маърифату-адолат садоқату-ҳимоят, дегим келади.

Инсон маънавий оламининг кучи, қудрати унинг Ватан олдидаги бурчи, масъулиятини қандай англаб тушунишда ҳам намоён бўлади.

Бугун замонавий қурол-яроғ ва техника билан таъминланган, миллий кадриятларимиз ва аждодларимизнинг жанговар анъаналарига таянган Қуролли Кучларимиз, юксак жисмоний тайёргарлик, интеллектуал салоҳиятга, руҳий-маънавий фазилатларга эга бўлган асл ватанпарвар аскар йигитларимизни кўрганда беихтиёр қалбда ифтихор туямиз. Негаки, бугунги кунда йигитларимиз учун ҳарбий соҳада хизмат қилиш Юртбошимиз таъкидланганларидек, нафақат фахрли бурч, балки шон-шараф ишига айланмоқда.

Ўтган йиллар давомида Ватан ҳимоячилари кунини нишонлаш, байрам қилиш диёримизда қутлуғ анъанага айланди. Мустабид тузумдан мерос бўлиб қолган инсонни камситувчи «тартиб-қоидалар» ўрнида бугун юксак маънавий асосдаги, чинакам Ватан ҳимоячисига эъзоз намунаси бўлган эзгу анъаналар шаклланди. Бугун ҳарбий маҳоратли аскарларимиз, сержантлар тайёрлаш мактаби, олий ҳарбий билим юртлари, жанговар шай турган ҳарбий қисмларимиз, ҳар томонлама етук алпомиш йигитларимиз шижоатини кўрганда бир зум ўтган йиллар кўз олдимиздан ўтади...

1991 йили 31 август куни Президентимиз Ўзбекистонни Мустақил деб эълон қилди. Ҳар қандай давлатнинг мустақиллигини эса биринчи навбатда унинг ўз армияси, Қуролли Кучлари ҳимоя қилиши керак. Юртбошимиз таъбири билан айтганда «Ўз истиқлоли ва озодлигининг қадрини билмайдиган, уни ҳимоя қилолмайдиган, бунга куч-қурби етмайдиган миллат ҳеч қачон эркин яшай олмайди, кимгадир итоат этишга, бўйин эгишга мажбур бўлади». Шу боис 6 сентябрь куни илк бор Ўзбекистон Республикаси Мудофаа ишлари вазирлиги ташкил этилди. 1992 йил 14 январь куни эса мустақил давлатимиз тарихидаги яна бир муҳим қадам қуйилди. Шу куни мамлакатимиз ҳудудидаги барча Қуролли Кучларни Ўзбекистон юрисдикциясига ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Бу Қуролли Кучларимиздаги туб ислохотларнинг бошланиши эди. Бугунги кунда халқимиз тинчлиги ва хавфсизлиги, сарҳадларимиз дахлсизлигини қалқон янглиғ ҳимоя қилиб келаётган Қуролли Кучларимизга боқиб ифтихорланамиз. Албатта, бу мураккаб ва оғир жараёнлар осон кечмаганини юракдан ҳис қиламиз.

Ҳар йили юртимизда 14 январь санаси катта байрам қилинади. Ҳаммининг юз-кўзида қувонч, табассум... Байрам билан бир-бирларини чин дилдан табриклаётган нафақат аскар ва офицерлар, балки талабалар, зиёлилар, олимлар, фахрийларни кўрганда юрагинг ёришиб кетади. Ахир бу байрам ҳам биз учун, бутун халқимиз учун Мустақиллик байрамидек азиз ва муқаддасдир...

Аслида бу Ватан фидойилари байрами, бу Ватанни асрагувчилар байрами, бу Ватанни юксалтиргувчилар байрами, бир сўз билан айтганда бу Ватанни севгувчилар байрамидир. Демак, бу байрам бурчамизники! Барчамизга Ватан ҳимоячиси деган мўътабар номга сазовор бўлиб юриш насиб этсин. Юртимизнинг тинчлиги ва осойишталигини ҳимоя қилиш ҳамиша, ҳар лаҳзада ҳар биримизнинг энг олий ва шарафли бурчимиз бўлиб қолсин!

**Минҳожиддин МИРЗО,
шоир.**

ОТАМ ИЗИ ҚОЛГАН ТУПРОҚЛАР

Юртим, кўнглингдек кенг осмонларинг бор,
Юлдузни йиғлатган дostonларинг бор,
Осмонларингдан ҳам дийдорингга зор,
Жайрондек термулган Чўлпонларинг бор.

Муҳаммад ЮСУФ.

Болалигим ўтган уйнинг қазноғида ичида бир сиқим тупроқ солинган кичиккина чарм қопча осилиб турарди. Отам уни ҳар гал баайни Каломуллоҳдек эъзозлаб чанглардан тозалаб, силаб-сийпаб яна қайтадан илиб қўярдилар. Бир куни унинг тарихини сўрадим.

Отам (Аллоҳ уларни ўз раҳматига олган бўлсин) иккинчи жаҳон урушига кетганида она Қуйқишлоқнинг бобом мулла Фахриддин ҳожи мозори олдидан бир ҳовуч тупроғини чарм қопчага солиб ўзи билан олиб кетган экан. Волгограддан то Берлингача қарийб 5000 чақирим масофада, деярли беш йил мобайнида отам билан бирга бўлган бу тупроқ... «Она Ватан соғинчи бағримни ўртаганида мен чарм қопчани очиб, бу муқаддас тупроқни хидлар эдим, – дер эди отам. Шунда Ургут бойчечакларининг, тоғларидаги кийик ўтларининг ҳиди баайни димоғимни қитиқлар, боболарим босган изларини ҳис этардим... Бу тупроқ менга юртимнинг сахий қуёши, илиқ ёмғирлари сомон лой билан сувалган томлари-ю, пахса деворларини ёдимга солиб турарди. Унга тикилиб машъум уруш айро солган қондош, жондош ва юртдошларимни кўргандек бўлардим. Шу тариқа мен беш йил Ватан соғинчини босиб турганман».

2008 йили дадам 90 ёшларида вафот қилганида у билан 5000 чақирим йўлни бирга босган боғичига яқин жойига ўқ тегиб, тешилган чарм қопчали тупроқни ҳам турбатга қўйган эдик.

1984 йилнинг декабри... Икки йиллик Уссурий ўлкасининг тайга ва тундраларида кечган ҳарбий хизматни яқунлаб, елкадош дўстим Абдуллаев Камолитдин билан бирга қарийб беш кеча-кундуз поездда йўл юриб, ниҳоят Ватанга қайтдик. Поезд Қозоғистоннинг Арис деб номланган станциясидан ўтиб, Ўзбекистон ҳудудига кириб келганидан кейинги ҳаяжонларимизни ҳеч нарса билан ифодалаб бўлмади. Баайни кечагидек ёдимда, поезддан тушганимиз заҳоти дўстим ерга чўккалаб, унинг тупроғини ўпгани ва кўзларидан дувуллаб ёшлар оққани... Сибирнинг олис ҳудудларида ички кўшинларнинг энг қийин – конвой (ясовул) хизмати сафида бўлиб оғир жиноятлар содир қилган маҳбуслар орасида икки йил не-не сиру синоатларини кўриб дийдаси қотиб кетганлигига қарамасдан йиғлаётган, 20 ёшлиқ ўғлоннинг кўз ёшлари эди, бу...

Космонавт Владимир Жонибеков бир интервьюсида «Мен фазодан, юз минглаб чақирим олисдан туриб, сайёрамизни кузатдим. У менга ўзининг илиқлиги, кадрдонлиги ва жозибаси билан баайни онамни эслатди. Мен ерда юрганимда буни ҳис этмаган эдим. Олисларда эса жуда билинар экан», деганди. Таассуфки, «Мусофир бўлмагунча, мусулмон бўлмас» деганларидек юрт кадри ва соғинчи аксарият ҳолларда Жалолитдин Мангуберди, Мирзо Бобур, Фурқат, Машраб каби ундан мосуво бўлгандагина сезилади.

Дарҳақиқат, биз икки йил она Ватандан деярли ўн минг чақирим нарида, Магадан, Тинда, Ангарск, Усолье-Сибирск, Уссурийск, Владивосток, Оймякон, Дежнев бурни, Воркута, Анадир, Ёкутистон, Шмидт бурни, Чусотка, Камчатка, Ухта, Сиктивкар каби шимолий ва шарқий ҳудудларда хизмат қилдик. У жойлар қуёшнинг иссиғи йўқ, фақат ёруғи бор, ёмғирлари баданга муздек ботадиган, Ухта, Сиктавкар каби ҳудудларда кутб ёғдусини кўрса бўладиган, ерни ярим метр кавласанг абадий музликка дуч келадиган маконлар бор. Биз Сибирь ўрмонлари оралаб, минг йиллик эманлар, Қорқизни бағрида иситган қарағай ва арчалар, баайни оқбилак малакларни эслатувчи оқ қайинларнинг остида юрар эканмиз Ватан соғинчини ҳеч нарса

билан алмаштира олмас эдик. Шундай кунларнинг бирида, яъни 1983 йилнинг июнида Тинда ўрмонларини кеза туриб, ўзимга жуда яқин бўлган Қуйиқишлоқдаги ҳовузимиз атрофига отагинам ўз қўллари билан эккан дарахт мисоли таниш бир дарахтни учратиб қолдим. Ё қудратингдан, чинорми бу? Разъездда поезднинг мажбурий тўхтаб турганидан фойдаланиб сакраб тушдим ва унинг олдига бордим. Бу жойларга сени қандай тақдир учуриб келди юртдошим? Нозик танангни Сибирь совуқларига тилдириб, қийналмаяпсанми, чинорим? Мен-ку, пешонамда шу худо қарғаган жойларга келиб хизматни ўташ насиб этган экан, сенга нима бўлди? Минглаб чақирим наридан уруғинг учиб келдимикан ё ? Ёки бирорта Ўрта осиеликнинг қадами етиб ўзидан белги қолдириш учун сени экдимикан? Усмон Носир зиёратига келдингми? Барглари секин силаб кўрдим. Баайни Қуйиқишлоқдаги ҳовузимиз бўйига отажоним эккан чинорнинг ҳиди. Ички туғёнларим икки томчи ёш бўлиб киприкларимга осилди. Мен унинг тепасида мутаассир бўлиб узок, то поезд жилиш тўғрисидаги охириги гудогини бергунча турдим. Шу онда кейинчалик «Изтироб булоғи» деб номланган китобимга киритилган «Мусофирликда битилган шеър» тўқилган эди:

Қарағайлар осмонин тўсиб,
 Изғиринлар тилиб баданин
 Чинор ўсар шохига осиб,
 Ёт ўлканинг жамийки ғамин.
 Ер сийнаси совуқ ҳамда нам,
 Ўрмонлари чивинга тўла.
 Бечорага бунда қуёш ҳам
 Нур сочади ғайирлик ила.
 Баргларига унниқар тутун,
 Ўқ отилар, гулхан ёғилар.
 Бўз йигитдек интилар, лекин,
 Илдизлари музга тақалар.
 Шохларида бамисли тикан,
 Осилгандир муздан туморлар,
 Уни эслаб йиғламасмикан,
 Ургутларда қолган чинорлар.
 Тушларида қировга тўлган,
 Куртакларин аллалар баҳор.
 Ватанидан Мосуво бўлган,
 Мусофирга ўхшайди чинор.

Шундай кунларнинг бирида даҳшатли бўрон туриб, об-ҳаво кескин совиди, тоғдан кўчки кўчиб темир йўлни бутунлай ёпиб қўйди. Ноилож, бир ҳафтага яқин аллақайси жойда қолиб кетдик. Бўрон эса қутурганидан қутирди, мен уни Руал Амундсеннинг кутбни забт этиши тўғрисидаги кинода кўрган эдим ва дарҳол танидим. Ҳа, бу ўша, бутун борлиқни ғорат қилувчи, ҳеч бир тирик мавжудотга шафқат қилмовчи Сибирь бўрони! Тайганинг юз йиллик

карағайларини бир хамла билан хасдек учириб юборадиган, енгил машиналарни гугурт кутисидек чирпирак қиладиган бўрон! Ҳа, мен уни жуда яхши таниб турибман. Совуқ жон-жонимдан ўтиб, шамоллаб ётиб қолдим, ваража тутиб, эсим кирар-чиқар ҳолга етгани учун қанча вақт ётганимни ҳам эслолмайман. Шу жойларда ўлиб кетишим эҳтимоли иситма аралаш хаёлимдан бот-бот ўта бошлади. Менинг умр ипим қайси ёшда қирқилар экан? Батальон рассоми бўлиб ишлаб юрганимда командирнинг хонасидаги бир махфий ҳужжатга кўзим тушган эди. Унда битилишича, ички кўшинлар шахсий таркибининг 5% гача қисми бир йил мобайнида турли тасодифлар билан яроқсиз ҳолга келса (ҳалок бўлса, ногиронлашса, худо урса, ёки бедарак йўқолса) бу ҳарбий хизмат нормасига тўғри келар эмиш. Агар яроқсиз ҳолга келиш фоизи бешдан ошса бу қисм учун ЧП (чрезвычайная происшествия) – бахтсиз ҳодиса ҳисобланар экан. Қаранг-а, меҳрибон давлатимиз инсонпарварлик даражасини. Ахир бу ҳар юздан бешта, мингтадан элликта, ўн мингтадан эса беш юзта тақдир дегани-ку! Бу рўйхатга сиз ҳам, мен ҳам тушиб қолишимиз мумкин-ку, ахир! Ўша пайтлари бу ҳақда ўйлаб эгим жунжикиб кетган эди. Мана, ҳозир ўзим ана шу рўйхатга талабгор бўлиб ётибман. Авваллари, бирорта фуқаро фалокатга учраса давлат зудликда чора кўриб, ёрдам қўлини чўзади, ҳеч ким, ҳеч нарса, ҳеч қачон унутилиб, тақдирнинг қаттиқ синовига ёлғиз ташлаб қўйилади деб ўйламасдим. Мана, туриб қоланимизга бир ҳафта бўлай деяпти-ю, юзлаб одамнинг тақдири билан ҳеч ким қизиқаётгани йўқ! Лоақал рация ҳам жавоб бермаяпти. Йўталнинг зўридан кўм-кўк бўлиб кетаман, тулуп ва пиймалар ҳам исита олмайди. Бечора дадагинам, худо хоҳлаб ўғлим армиядан қайтиб келса тўй бераман деб, буқа боқаётган, мунис онагинам эса елкамга ёпмоқчи бўлиб ўз қўллари билан чопон қавиётган бўлса... Опагинам эса «энг донишманд ука»сига келин танлайвериб эси кетаётган бўлса... Шундай кунларда мен темир тобутда кириб борсам нима бўлади? Ҳа, бари-бари ордона қоладиганга ўхшаб турибди. Алвидо қондошлар, орзу-умидлар... Ана шундай ҳолатда бир ҳафтадан кейин бизни совуқ ажал чангалидан кутқаришиб, қарийб бир ойча госпиталда зотилжамнинг оғир шакли билан ётганман. Ўша пайти оёғим бош бармоғини совуққа олдирган эканман, орадан мана ўттиз йилга яқин муддат ўтибди ҳамки қиш тушса зиркираб, олис йиллардаги саргузаштларимни ёдга солиб туради.

Хўш, мен бу тарих сарҳадларида қолиб кетган воқеаларни нима учун эсладим. Сабаб шуки, мен ўша мен учун бутунлай бегона, қайнаса қони кўшилмайдиган миллатлар орасида, юртимдан ўн минглаб чақирим масофада икки йил умримни сарфлаб келдим. Ўшанда мени энг кўп қийнаган ва жавобини тополмаган саволларимдан биттаси «Нима учун мен айнан киндик қоним тўкилган, ўтмишдошларимнинг муқаддас хоки қўйилган, бобо ва момоларимнинг муборак излари қолиб кетган тупроқни эмас, балки бутунлай ёт худудларни кўриқлаяпман? Қачон бизнинг ёшларимиз ўз худудларида хизмат қиладиган даврлар келар экан?», – деган савол эди.

Аллоҳга шукур, биз шундай кунларга етиб келдик, мустақилликнинг улуғ эпкинларидан баҳра олдик. Яна бир қарра шукурки, қўлимиз етмаган олис

юлдуздек туюлган бу қутлуғ бахтга фақат келгуси авлодларимиз эмас, ўзимиз ҳам мушарраф бўлолдик. Буларнинг барчаси шахсан мухтарам Президентимиз каби оқил ва одил инсоннинг юртимиз бошида турганлигида, давлатимизда жаҳон андозалари даражасидаги тўғри сиёсат олиб борилаётганлигидандир. Зеро, шоир Сирожиддин Саййид айтганларидек, «Эгаси бор юртнинг эртаси бордир». Мен бугун жуда кўп нарсаларга мислсиз фахр ҳиссини туяман, илоҳий ҳайратлар мени кучоғига тортади. Мен ниҳоят юртимизнинг ҳақиқий эгаси борлигига, Ватанимиз тинч, осмонимиз мусаффолигига, фарзандларимиз эса ниҳоят ўз заминларида хизмат қилиб, оталаримиздан қолган юртни кўриқлаётганлигига шодланаман, ойнайи жаҳонда бугунги Ўзбекистон Қуролли Кучлари ҳақидаги кўрсатувларни кўриб, «Ватанпарвар» газетасини ҳар сонини марок билан ўқиб, армиямиз қудрати ва қувватига, ёшларимизнинг шиддат ва шижоатларига, зобитларимизнинг кўркам қадди-қоматларига қараб ҳайратга тушаман. Қуролли Кучларимизнинг 20 йиллик тарихи гарчанд оқсоч тарих олдида кичиккина муддат бўлса ҳам, унинг ютуқлари ва истиқболлари менинг кўнглимни тўқ қилади, шукроналик ҳиссимни янада оширади, ўз юртини, тупроғини кўриқлаётган укаларим ва ёшларимизга эса ҳавасим келади.

Алижон ЗОҲИДИЙ,
тиббиёт фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Республикаси Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.

«МЕН НЕЧУН СЕВАМАН ЎЗБЕКИСТОННИ»

Қуролли Кучларимизнинг шонли йигирма йиллик байрамини ҳам нишонладик. Оптимизга боқиб, сарҳисоб қилсак, фахрлансак арзийдиган улкан ишлар кўп. Йигирма йиллик шонли тарих фидокорлик йўли бўлган шаклланиш йилларининг гувоҳидир, Ватан учун жонини тиккан марду майдонларга гувоҳдир.

Истиқлол ҳимоячиси, она юртнинг содиқ ва жасур фарзанди, «Жасорат» медали соҳиби Улуғбек Барноевни ватандошларимиз яхши биладилар. Яқинда унинг ота-онаси номидан таҳририятга мактуб келди. Бу мактубда отанинг қалбларни сирқиратувчи чўнг дардлари билан уйғунлашган фахр ҳисси, онанинг армон ва соғинчлари акс этиб турибди. Абдулло ака ва Сабоат опа Барноевлар шундай ёзадилар: «Ўғлимизнинг сафдошлари вақти-вақти билан бизни йўқлаб туришади. Ана шундай лаҳзаларда бағримиз тўлгандек бўлади, уларнинг бўй-бастиди фарзандимизни кўргандек бўламиз. Улар билан ҳар гал учрашганимизда, фарзандимизнинг инсоний фазилатлари ҳақида ҳамиша бир яхши гап айтадилар, бир янги гап айтадилар... Ҳар гал жанговар ҳаракатлар олдидан дўсти Толибжон билан бошини бошига қўйиб, «Мен нечун севаман Ўзбекистонни» деб куйлар эканлар... Уларни тинглар эканмиз, бизга бир нарса таскин беради: биз ҳақиқий мард инсонни вояга етказибмиз, она Ватан учун жонини тиккан жасур ўғил тарбиялабмиз...»

Бир неча ўн йилдирки, ҳароратли сатрлари билан қалбларимизни забт этган севимли шоиримиз, қаҳрамон шоиримиз Абдулла Ориповнинг ёд бўлиб кетган мисраларини мен яна бир бора хаёлимдан ўтказаман:

Халқим, тарих ҳукми сени агарда
Мангу музликларга элтган бўлсайди,
Қорликларни макон этган бўлсайдинг,
Меҳрим бермасмидим ўша музларга?

Ҳа, Улуғбекнинг ота-онаси ҳақиқий мард инсонни тарбиялашган. У каби жасур инсонлар ҳақида гап кетганида ҳар гал ёдимга авлиёи комил, мўйсафид ватанпарвар шайх Нажмиддин Кубро ҳазратларининг қуйидаги сўзлари келади: «Ўлим йўли муборак йўлдур. Ватан учун ўлим топмоқ эса муқаддас одатдур. Худойим элчиси ўз ҳадисларида: «Ватан сарҳадини бир кун ҳимоя қилмоқ олтмиш йиллик нафл ибодатидан ортиқроқдур» демишлар. Илло, ўлимимиз бошқаларга ибрат бўлсин».

Ватанимиз жасур ўғлонларини муносиб тақдирлади. 2000 йилда қаҳрамон йигитларимизнинг хотираларини абадийлаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори эълон қилинди. Унга кўра қаҳрамон йигит туғилиб ўсган Каттакўрғон шахрининг энг кўркем кўчаларидан бирига Улуғбек Барноевнинг номи берилди. Улуғбек таҳсил олган саноат транспорт коллежида музей ташкил қилиниб унинг бюсти ўрнатилди. Бу музей ёшларга она Ватаннинг муқаддаслигидан, жавонмард ўғлоннинг садоқатидан, жасоратидан ҳикоя қилиб туради.

Қаҳрамон йигит ҳақида жуда кўп эшитганман: отаси, айниқса, онасининг хотиралари, сафдошлари, дўстларидан эшитганман. Тажрибали офицер Ҳайдар Абдиев «энг оғир ва мураккаб машғулотларда ҳам уни чарчоқ ҳолда кўрмаганман» деб таъкидлаган эди. Тинчлик йўлидаги халқаро ҳамкорлик машқларида ҳам хорижлик ҳарбийлар унга худди шундай таъриф берганлар. Ҳа, Улуғбек ҳақида эшитганимда унинг ҳаётга бўлган беқиёс меҳрини, ташналигини ҳис қиламан. Унинг ҳар бир хатти-ҳаракатида ана шу ташналик акс этиб турган. У болалигиданоқ кўп нарсаларга улгуришга интиланган. Бироз улғайиб, коллежда ўқиш, спорт тўғарагига қатнашиш, комбинатда ёрдамчи ишчи, ундан ортиб қандолатчига шогирд бўлишгача улгурди. Каттакўрғон шаҳри ёш спортчилари орасида танилди, аъло баҳоларга ўқиди, шарк ширинликлари тайёрлаш сирларини мукамал ўрганиб олган эди. Булардан нимани кўряпсиз?! Албатта ҳаётга бўлган муҳаббат, ташналикни-да.

Каттакўрғонликлар, нафақат улар, балки она Ўзбекистон Улуғбек каби фарзандлари билан фахрланади. Уларнинг жасорати халқимиз хотирасида абадий яшайди, ёш авлодга ибрат, намуна бўлиб, миллат ўғлонларини уйғоқликка, мардлик ва матонатга чорлаб туради.

Инобат ИБРОҲИМОВА,
«Ватанпарвар» муҳбири.

ВАТАН – БОРЛИҒИМСАН, БАХТУ ИҚБОЛИМ

Ватан! Улуғ саждагоҳим. Қиёси йўқ мунис маконим. Боболарим, момоларимдан мерос азиз она тупроғим. Фарзандларинг учун сендан-да мўътабар, сендан-да табаррук гўша бормикан ҳаётда?

Ватан! Бағрим бутунлиги, қалбим ғурури, кўксимни, қаддимни тутгувчи шавкатим шоним. Ҳар жасоратга қодир этгувчи номусим, орим, ҳар жасоратга чорлаб турувчи бутун иймоним. Сендан-да буюк сиғингувчи, сажда этгувчи гўша бормикан ҳаётда?! Шоир айтганидек:

Ватан – ор-номуссан иймоний ҳилқат,

Жасорат яралган асли сен учун.

Ватан борлиғимсан, жонимга пайванд,

Пойингда жон бермоқ бахт эрур тўкин.

Ҳа, инсон яралибдики, Ватан сўзи у билан бирга яралган. У киндик қони тўкилган маконини ҳар недан азиз билган, жонида асраган. Она замини чўлу сахроми, боғу бўстонми, бирдек эъзозлаган.

Агар эътибор қилсангиз, тарих солномаларида қайд этилган буюк жасоратлар борки, барчаси Ватан ҳурлиги, эл озодлиги учундир. Мозийга боқинг! Сахро шамолларида улғайган аждодларимиз маккор ёғийга қарши қандай курашган, қандай жасоратларга қодир бўлган. Улар Широқ, Тўмарис Спитамен қиёфасидаги минглаб шерюраклардир.

Ватан ҳамиша эл меҳрига муштоқ, мард ўғлонларига таянгувчи мунис гўшадир. У шу юрт эгаларининг саъй-ҳаракати билан гуллаб яшнайти, обод бўлади, босқинчилар пойида хор бўлмайди. Унинг озодлиги миллат ҳурлиги, миллат эрки ва ўзлиги демак.

«Яшашга ва эркинликка ҳар куни улар учун курашувчи одамгина лойиқдир», деган эди файласуфлардан бири. Бу ҳикматли сўзнинг қай даражада ҳақлигини ҳар дақиқада ҳис қиласан, киши. Зеро, асрлар оша она заминимиз озодлиги йўлида олиб борилган жангу жадаллар, боболаримиз жасорати ўчмас тарих зарварақларига муҳрланган. Босқинчиларнинг истибдод зулми остида кечган халқ қайғуси эса унут бўлган эмас. Бу қора кунлар такрорланмаслиги, Ватан сарҳадлари топталмаслиги, халқ эрки, миллат ўзлигини асраш учун ҳар дақиқа ҳушёрлик зарур. Бу йўлда мардларча ҳалок бўлган, Ватан ҳурлиги дея шаҳид кетган боболаримизнинг юрак нидосига кулоқ тутаман:

Мунаввар қори Абдурашидхон ўғли:

– Ҳуррият берилмас, олинур! Жаннат каби гўзал юртинг бугун сендан иш кутади!

Абдурауф Фитрат:

Ватан – у менинг жону таним, саждагоҳимдир. У менинг тўлин ойм, тинч-омонлигим, иззатим, шарафим. Каъбам, қиблам ҳамда гулистонимдир... Юртим, Туроним, сендан айрилмоқ – менинг ўлимим, сенинг учун ўлмоқ – менинг тириклигимдур.

Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпон:

– Туркистон – шонимиз, туронли-унвонимиз,

Ватан бизнинг жонимиз, фидо ўлсун қонимиз!..

– Бу Ватанни жон билан сақлашга, Чўлпон, ҳозир ўл,
Кимки қасд қилса анга, кийсин пушаймондин кафан!..

«Ё хурлик, ё ўлим!» дея эл хурлиги, юрт озодлиги учун жангга кирган улуг бобокалонимиз Нажмиддин Кубро эса табаррук етмиш ёшга кириб қолганларига қарамай, Ватанимизни мўғул истилочиларидан ҳимоя қилиш учун бўлган қақшатгич мухорабада олдинги сафда бўлади. Душман туғини юлиб олиб, кўлида чангаллаганча жон таслим этган бобомизнинг жанг суронларидан кейин ҳам панжаларини очиб байроқни олишолмаган экан.

Ёғийга бўйин эгмай, душман кўз олдида дарёга от солган Жалололдин Мангубердиннинг Ватан озодлиги йўлидаги жасорати эса асрлар оша барчани ҳайратга солиб келаётгани сир эмас. Ватан меҳри, миллат эрки қай даражада азиз ва тенгсиз эканлигини ҳар дақиқада англашиб турувчи бу маънавий жасорат тимсоллари она юрт фарзандларини садоқатга чорлаб туради.

Ҳа, Ватан чизгиси бетакрор, Ватан чизгиси бетимсолдир. Унга таъриф бермоққа тил ожиз. Аммо бир ҳақиқат аёнки, у мард ўғлонлари ила хурлик эпкинлари остида мағрур қад ростлаб туради.

Мана, йигит вояга етиб Ватан хизматига отланаяпти. Соғлом, ўктам, кўркам... ғайрати билан тоғларни талқон этишга қодир. Мақсади битта – она юртга муносиб қалқон бўлиш. Сафда турган ўктам ўғлонини кўриб онанинг қалби ғурурга тўлади. Фарзандининг улғайиб, эл корига камарбаста бўлаётганига қайта-қайта шукроналар келтиради. Унинг кўзларидан қалб нидосини уқиб олиш қийин эмас:

Ватан измидасан бугун мардона,
Сенга омонатдир қутлуғ остона,
Боболар довруғи эмас афсона,
Уларга муносиб авлод бўл, болам.
Дуолар қиламан, жасур посбон бўл,
Қадди тик, аҳди бир, бутун иймон бўл.
Юртни асрамоққа пўлат кўрғон бўл,
Онанинг тилагига мурод бўл, болам...

Посбонлик либосини илк маротаба кийиб сафда турган ўғлон қалбини эса ғурур ва хаяжон эгаллаган. Чунки у бу бахтга синовлардан ўтиб эришди. Бугун ҳар қандай машаққатни енгиб ўтишга шайдир. Шу топда меҳр ила термулиб турган онанинг қалб туғёнларини юракдан англаган ҳолда, кўксида кечаётган туйғуларни нигоҳлари орқали етказишни истади:

Боболардан мерос юртнинг ҳар гарди,
Мени ҳам ўстирди шу азиз тупроқ.
Товонларим ўпган шу замин ҳаққи,
Энди менинг галим уни асрамоқ,
Дуо қил, дуоинг қанотдир, Она!
Йигитлик шахдиму эрлик ғайратим,
Сенгадир Она юрт – азиз остона.
Волидам, оқлабон чеккан заҳматинг,
Бағрингга қайтурман албат мардона,

Дуо қил, дуоинг ижобат, Она!

Ватан – аслида бу покиза туйғулар, эзгу ниятларнинг барчаси сенинг пойингга тўкилган фарзандларингнинг қалб кўри, мухаббати, садоқати. Сенинг ҳурлигинг, истиқлолинг миллат эрки, истиқболи, номус, оридир. Бу йўлда фидойи бўлмоқ эса ҳар биримиз учун фарзу амал, юксак шараф, букилмас эътиқоддир.

**Зулфия ЮНУСОВА,
«Ватанпарвар» мухбири.**

ВАТАН ҲАҚИДА ҚЎШИҚ

Ватан, ватан надур?! Ватан менинг жону танзим. Ватан – бошим силаб овутигим, меҳрибоним. Қалдирғочнинг оғзидаги она тупроқ, чумолилар кўзга суртган азиз урвоқ. Ватан, Ватан надур?! Ватан менинг кўзим нури, дунёларда қиёси йўқ буюгимсан. Онам бўлиб бошим силаган, отам бўлиб бардош тилаган, опам бўлиб сирларим тинглаб, акам бўлиб химоя этган кадрдоним, дарддошимсан, суюгимсан. Ватан – қарочиғим, қароғимсан. Азиз бобом, момом хокини, меҳрибоним акам хокини қучоғига авайлаб босиб, юрагига жойлаган замин – саждагоҳим сирдошимсан.

Ватан, ватан надур?! Ватан онам бешик тебратиб менинг учун айтган алласи. Қўли қадоқ содда отамнинг юзларимга теккан нафаси. Ватан жоним менинг, жаҳоним менинг, ойю-юлдузларга тўла тунлару, бўйларим етмаган осмоним менинг. Илк бор қадам босган остонам – Ватан. Момомдан эшитган афсонам – Ватан. Ватан, шамол бўлиб сочим силаган ҳам у, ёмғир бўлиб мени эркалар мангу. Йиқилсам елкамдан тутиб турғизган, кулсам кўзларимга шодлик тўлғазган. Йиғласам кўз ёшим артиб юрагимга орзу-умид тутқазган. Сажда қилувчи қиблагоҳим, қалқоним – Ватан.

Ҳар тонг қуёш чиқмасдан туриб,
Ҳис қилганча юрт нафасини.
Одимлаймиз бизлар мардона,
Қуйиб ватан мадҳиясини.

Қарашимиз ўктам ва қатъий,
Штоб билан ташлаймиз қадам.
Она ватан тинчлиги учун,
Тайёрмиз биз курашга ҳар дам.

Азиз тупроқ, дўсту ёр учун,
Фидо бўлсин азиз жонимиз.
Бўлсин дея бошимиз тошдан.
Дуо қилган онажонимиз.

Оқ йўл тилаб кузатган йўлга,
Ота бошин эгмаймиз сира.

Тупроққа жо бўлсин танзимиз,
 Хоин бўлиб ўтгандан кўра.

Олдимизда нурли келажак,
 Ортада эса она халқимиз.
 Ҳар иккисин асрамоқ бизнинг,
 Кечиб бўлмас олий аҳдимиз.

Қалбимизда биргина тилак:
 Осмонимиз беғубор бўлсин.
 Халқимиз шод, юртимиз обод,
 Она замин гулларга тўлсин.

Постда туриб сергак ва ҳушёр,
 Юлдуз билан сўзлашамиз биз.
 Кўнгли қора ёвуз кимсалар,
 Ниятига етолмас ҳаргиз.
 Нақорат:

Биз она юрт посбонларимиз,
 Жасур қизу ўғлонларимиз.

Ватан... нима дейин яна сен ҳақда. Айтилмаган таъриф, битилмаган шеърларнинг ўзи йўқ. Она замин пайдо бўлган лаҳзадан, сенга ҳамду-сано айтиб келар шоҳ-гадо. Не десам ҳам сени тўғридек бари. Не десам ҳам сени болангман ахир. Сенинг бир кафтгина тупроғинг учун ширин жоним ҳар лаҳзада садқадир.

Ватан юрак нега сени соғиниб, севишдан, қумсашдан тўхтамайди ҳеч. Ахир сендан сира узоқ кетмадим, сенла биргаманку ҳар эрта, ҳар кеч. Ватан соғинганим суйганим ўзинг. Ватан соғинганим куйганим ўзинг. Юрак аламлардан қонлар ютганим, жонимга недандир ситам ўтганда, бағримни бағрингга бериб эркалаб, аламлардан фориғ этганим ўзинг. Ватан жоним менинг, жаҳоним менинг, меҳрибоним менинг, меҳробим менинг. Яқинлардан йироқ кетган дамларда бошимни силаган офтобим менинг. Хатто ўзга юртда юрган чоғимда ўзни санамайман сира мусофир. Чунки юрагимда яшайсан Ватан.

Менингчун мангу макондирсан, буюк шондирсан. Томиримда оқаётган кутлуғ қондирсан. Дунёда бор не дан улуғ, эътиқот, иймондирсан Ватан!

**Юлдузхон ҲАКИМОВА,
 шартнома бўйича ҳарбий
 хизматчи оддий аскар.**

САЖДАГОҲИМСАН, ВАТАН!

(бадиа)

АЛПОМИШ БЎЛГИМ КЕЛАРДИ

Болалигимдаги илк ўйинчоғим ўзиюрар танк бўлган. Уни беш яшарлигимда, уй тўла меҳмонлар олдида тантанавор совға қиларкан, бобом: «Менинг ўғлим, албатта, халқ ва Ватан олдидаги бурчига содиқ, довюрак аскар бўлади», деганди мени бағрига босиб. Ўшанда бир кўлимдаги ўйинчоққа, бир бобомнинг меҳр ва ишонч акс этган нигоҳига боқиб, қалбимда алланечук ҳислар уйғонганди.

Болалик йилларим ҳақида ўйласам, раҳматли бобом хотирамда жонланаверади: кундузлари бирга далада кўй-мол боққанимиз, тунлари чопонининг иссиқ пинжигга ўраб, берилиб эртагу дoston айтганлари ҳали ҳам кулоқларим остида жаранглайди.

– Ҳақимбек 7 ёшга етганда бурро саводи чиқиб, хат ўқиб, ёзадиган бўлди. Сўнг отаси унга шоҳлик, сипоҳлик илмини ўргатайин, деб мактабдан чиқариб олди. Шу ёшида катта бобоси Алпинбийдан қолган 14 ботмон биричдан бўлган парли ёйни даст кўтариб, тортди. Ёй ўқи яшиндай бўлиб кетди, Аскар тоғининг чўққиларини юлиб ўтди. Буни кўрган эл-улус «Озод элимизнинг келажаги бардавом, қинғир кўзли ёғий борки, қолмагай омон», дея унга ишонч билдирдилар. Шундан сўнг халқ ёш Ҳақимбекни Алпомиш деб атай бошлашди..., – жўшиб сўйларди бобом.

– Катта бўлсам, менам Алпомиш бўламан, сўнгра учқур камоним билан сизни, амма, холамларни – барчангизни душманлардан ҳимоя қиламан, – дердим бобомнинг сўзларини бўлиб. Ўшанда Ватан, халқ, муҳаббат, адолат, иймон-эътиқод каби улуғвор тушунчаларни тўлиқ идрок этмагандирман ёки бундай туйғуларга хиёнат қилиш инсонийлик фожиаси эканлигини англамагандирман. Бироқ ҳаётимнинг, ўтаётган кунимнинг мазмуни бобожоним, онажоним ва бошқа яқинларим эканлигини болаларча ҳис қилардим. Курашларда доимо музаффар, паҳлавон Алпомиш менинг хаёлий идеалим эди. «Ҳа, майли, болам, – дерди бобом жилмайиб, – аммо сен кучли, ақлли, мард ва албатта, ўз юртингни жондан азиз севсангина улуғ мақсадингга етишишинг мумкин. Шунини унутмаки, куч зўравонликда эмас, адолатда, эзгуликка хизмат қилишда».

Сўнгра бобом узоқ сукутга чўмарди. Мен эса хаёлларга берилардим: гоҳ эртақ қаҳрамонлари бўлиб деву аждарларни маҳв этардим, гоҳ Алпомишу Гўрўғли бўлиб зулмкор душманларга қарши курашардим. Доимо ғалабалар менга ёр эди, аммо...

МАҒЛУБИЯТИМ САБОҚ БЎЛДИ

Бир воқеа ҳеч эсимдан чиқмайди. Ундан олинган сабоқ менга бир умр йўлдош, муваффақиятларимга пойдевор бўлган, десам адашмайман.

Наврўз айёми... Чор-атроф фасллар келинчагининг беланчагида аллаланади. Бутун халойиқ байрам баҳонасида қишлоқ четидаги кенг далага йиғилган. Маҳалламизда кун ва тун тенглашиб, кириб келган янги йилнинг илк кунини нишонлаш, далада ҳалим пишириб, элга тарқатиш, қадимий урф-одатларимизни намоён этган кўрик-танловлар, спорт мусобақаларини ўтказиш анъана тусини олганди.

Сўлим баҳорнинг илк кунлариданоқ кезиб юрган байрамона шукухдан кўксимизга сиғмаймиз. Бир этаклари тоғларга туташган далада у ёқдан бу ёққа чопамиз, бир анҳор бўйидаги эндигина япроқлари барқ ура бошлаган тол шохларига осиламиз. Шу пайт баковул кураш мусобақаси бошланганини эълон қилиб қолди. Анчадан буён тайёрланиб, кутиб юрганам учун «оёғимни кўлимга олиб» тўдалашиб турган оломон томон чопдим.

Баковул даврага болаларни чорлади. Қарасам, синфдошим Асқар «гуппи» (болалар уни шундай аташарди) енг шимариб даврага чиқиб келаяпти. Бобом менга ҳам кураш тушишга рухсат берди. Лекин гилам четида ботинкамнинг боғичларини ечаётганимни кўрган «гуппи» одамлар орасига кириб кеттию ўрнига акаси Асрор полвон (у биздан икки ёш катта эди) чиқиб келди. Тушунмай қолдим. Гилам ўртасидаман. Давракаш билагимдан ушлаб турибди. Асрор полвон билан олишмоқчи эмасдим, бироқ даврани ташлаб қочишга ғурурим йўл қўймади. (Кейинчалик билсам, бунга фақатгина руҳан тайёр эмас эканман.) Курашдим... курагим ер ўпмагунича. Одамлар орасидан отилиб чиқиб, уйимиз томон югурдим.

... Бардошим етмади, йиғладим, йиқилганим учун эмас, орим учун, ўз наздимдаги бўлган ноҳақлик учун. Жисмимнимас, бобомнинг ишончини тупроққа қорғандек хис қилдим ўзимни. Қаршимга келган бобомнинг жилмайиб турганини кўриб янада хўрлигим келди. «Асрор ғирромлик билан ютди. Ахир мен у билан курашмоқчи эмасдим», дедим йиғлаб. Бобом эса мулойим оҳангда далда берди: «Йиғлама, ўғлим, кучли инсон мағлубиятни ҳам тан ола билиши керак. Чунки курашда ютқиқисиз ютуқ бўлмайди, яъни кимдир ютқасади, кимдир ютади. Кайфиятингни туширма. Мухими, ҳали кўплаб ғалабаларга эришиш имкониятига эгасан. Барчаси ўз қўлингда. Сен ўз устингда ҳафсала билан ишласанг, тинмай машқ қилиб, ҳаракатда бўлсанг ва албатта ўз кучингга, келажагингга ишонсанг, муваффақиятларнинг олтин қалити мудом қафтингда бўлади». Кейинчалик бу пурмаъно ҳикматнинг тўғрилигига кўп бора иқроқ бўлдим.

ЖАСОРАТ КЎРСАТГАН ОТАМ ЭКАН

Мактабдан йиғлаб келдим. Болаларнинг айтишича, менинг отам «йўқ» эмиш, туғилмасимданоқ ўлиб кетганмиш. Чопиб бориб бобомдан бу гапнинг рост ё ёлғонлигини сўрадим. Бобом бош ирғаб, унинг ҳақиқат эканлигини тасдиқлади. Очиги, шу пайтгача бобомни отам деб ўйлардим, баъзида бу инсонни нега «бобо» дейишимни тушунмасдим. (Онажонимдан бу ҳақда бир сўраганимда қаттиқ дашном эшитганман: «бобонг эшитса, жуда хафа бўладилар, бошқа бундай дема».) «Унда отам ким?», «Нега ўлиб кетади?», «Бу ҳол қандай юз берган?» Бу саволлар мени қийнаётганини сезган бобом елкамга қўлини қўйиб, оғир хўрсинди. Сўнгра тунлари кўп бора айтиб берган «Сўнмас жасорат» ҳақидаги ҳикоя қаҳрамони менинг отам эканлигини айтди. Овозига қўшилиб, оқ оралаган соқол-мўйлови ҳам титраб кетди.

Бобом бу ҳикояни менга такрор-такрор сўзлаган. (Ўзим ҳам уни жуда севиб тинглардим.) Уни айтаркан, бобом баъзан кўзларини юмиб оларди, гоҳ ютиниб-ютиниб олганларини ҳам эслайман. Ҳикоя тугагач, сен ҳам Салимжондек (у ҳикоямиз бош қаҳрамони) мард ва жасур, юрт учун жон

фидо этишга қодир инсон бўлишинг керак, дерди қатъий. Шунда нега ҳар гал бу қиссани тинглаганимда юрагимда қандайдир куч бош кўтаришининг сабабини англагандек бўлдим. Отамнинг руҳи мени ўзига муносиб бўлишга чорлар эди гўё...

АСКАР БЎЛДИМ МАРДОНА

Йиллар ўтди. Мен ҳам улғайдим. Мана, бугун аскарман. Миллий армиямиз сафларида хизмат қиляпман. Отамнинг изидан бориб, эгнимга ҳарбий либос кийганимда онажонимнинг кўзлари ёшланди. Ким билади, менинг тимсолимда отамни кўргандек бўлгандир. Фақат бу кунларни бобожоним кўролмагани ич-этимни тирнарди. Аммо уларнинг насихатлари, ўғитлари ҳали-ҳануз мени уйғоқликка чорлаб келади. Эгнимдаги либос, бобомнинг ишончи, отамнинг ибратли ҳаёт йўли мени Ватан ҳимоячиси деган номга муносиб бўлишга, бурчимни садоқат ва матонат билан адо этишга ундаб келади. Таъбир жоиз бўлса, ана шу туйғулардан куч олиб ҳарбий хизмат давомида учрайдиган машаққат ва қийинчиликларни енгиб келяпман.

Ватан – ҳар зарра тупроғинг кўзларимга тўтиё. Аждодларим хоки ётган азиз ер. Сени севиш, кўз қорачиғидек асраш, чин дилдан хизматда бўлиш – умримнинг мазмуни, десам янглишмайман. Сен – онамсан, отамсан, борлигимсан. Сенга посбон эканлигимдан, корингга яраётганимдан фахрланаман.

Дилшод КАРИМОВ.

ВАТАНИ АНГЛАМОҚ САОДАТИ

Онам талабалик даврини эслаб шундай дейдилар: «Деярли барча домлаларимиз «Мустақил давлатни қандай тасаввур этасизлар?», деган саволни беришар ва бу биз талабалар ўртасидаги катта баҳс-мунозараларга сабаб бўларди. Шунда биз, **давлат энг аввало ўзини ҳимоя қила оладиган кучли армиясига эга бўлиши керак**, дер эдик. Мана мустақилликка эришгач, ҳамма нарсага, шу жумладан, ўз Қуролли Кучларимизга ҳам эга бўлдик».

Дарҳақиқат, бугун юртимизни ҳар томонлама ҳимоя қила оладиган Қуролли Кучларимиз бор. Унинг сафларида ўзбек халқининг мард ўғлонлари садоқат билан хизмат қилмоқда. Улар билан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Зеро, улар тинч, фаровон ҳаётимиз посбонлари, Ватанимизнинг сергак ҳимоячиларидир. Уларни инсон юрагига қиёслаш мумкин. **Юракнинг тинимсиз, бир маромда ишлаб туриши – тирикликдан, ҳарбийларнинг тинимсиз, машаққатли хизмати эса Ватан тинчлиги ва фаровон турмуш тарзимиз давомийлигидан далолатдир.**

**Унутманг бу кўҳна чархи фалакда,
Ватандан бошқаси ҳаммаси майда.**

**Кўнгилда орзудай осмон мусаффо,
Тупроқ тинч бўлмаса муҳаббат қайда.
Севсангиз аввал шу Ватанни севинг...**

Шоир Муҳаммад Юсуфнинг ушбу сатрларидан кўриниб турибдики, биз ёшлар аввало ўз Ватанимизни севишимиз, тинчликнинг қадрига етиб, уни асраб-авайламоғимиз лозим. Зеро, тинч, осойишта юртга байрамлар, тўйлар ярашади.

Ватанни англаш, унга муҳаббатни ҳис қилиш учун тарихга назар ташламоқ керак. Зеро, Бехбудий таъбири билан айтганда, «Мозий – ҳақиқат торозисидур». Мустақиллик, хотиржамлик, фаровонликнинг қадрига етиш учун бу кунларга қандай етилганини, қанча-қанча ватанпарвар инсонларнинг шаҳид кетганини, эрк ва озодлик йўлида чексиз заҳмат чекилганини билмоқ лозим. Мадаминбек, Чўлпон, Фитрат, Усмон Носир, Абдулла Қодирий каби кўплаб инсонлар Ватан нималигини, унинг қанчалар муқаддас эканлигини биздан-да яхшироқ англаган бўлсалар, нежаб! Маҳмудхўжа Бехбудий томонидан айтилган «Ҳақ олинур, берилмас!» хитоби, Абдурауф Фитратнинг «Келинг, бирлашайлук, орамиздаги шахсий тортишмалар, синфий айрилиқлардан кўз юмайлик!» каби халқни бирлаштириш йўлида қилган даъватлари, қайсидир маънода, мустақилликка эришишимизда муҳим аҳамият касб этганлигини инкор эта олмаймиз.

Ҳар қандай давлатнинг мустақиллигини таъминлайдиган бир қанча омиллар мавжуд. Булар: чегара, ҳимоясини таъминлайдиган армия, Конституция, давлат рамзлари, байроғи ҳамда миллий валютасининг мавжудлигидир. Ҳимоямизни таъминлайдиган армия – Қуролли Кучларимиз бугун катта кучга айланди. Ватанимиз, халқимиз ҳимоясида турган мард ўғлонлар эса мана шу юрт фарзандларидир.

19 йиллиги кенг нишонланган Конституциямизга «Бахтимиз қомуси» дея таъриф берамиз. Шу ўринда «Бахтли бўлишнинг ҳам қонун-қоидалари бўладими?» деган савол туғилади. **Давлат тараққиётга интилар экан, у энг аввало ўз фуқароларининг фаровонлигини таъминлаши, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини қонунан белгилаши, жамият орасида, ижтимоий муносабатларда муайян тартиб ўрнатиши керак. Бу қонун-қоидаларни эса барча бирдек ҳурмат қилиши ва уларга амал қилиши лозим. Шундагина жамиятда осойишталик ҳамда юртда тинчлик бўлади. Юртда тинчлик ҳукм сурса, бу заминдаги инсонлар хотиржам яшасалар, ана шу бахтдир.** Конституциямизнинг 52-моддасида «Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш – Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фуқаросининг бурчидир...» деб белгиланган. Дарҳақиқат, ўғилми, қизми шу юрт фарзандлари бепоён юртимиз хизматига доим шай бўлишимиз лозим. Зеро, келажак пойдеворлари бўлган биз ёшларга Президентимизнинг умидлари катта. Биз мана шу ишончни тўла оқлашимиз, қолаверса, Озод ва Обод юртимизни кўз қорачиғимиздек асрашимиз керак.

**Ватан – она сўзи нақадар лазиз,
Сенсан ҳар нарсадан мўътабар, азиз,
Ҳурматингни сақлар ҳар бир ўғил қиз,**

**Муаттар, бебаҳо, улуғ Ватаним
Ўлсам айрилмасман кучоқларингдан....**

Шоирнинг ушбу сатрлари бугунги кунда Ўзбекистондек келажаги буюк юртда яшаётган ҳар бир ўғил-қиз тилларида беихтиёр такрорланади. Бунинг боиси Ватанимизда тинчлик ва осойишталик барқарорлигидан, юртимизнинг кундан-кунга чирой очиб бораётганлигидан, албатта.

Мен ҳарбий оилада туғилиб, вояга етдим. Ҳарбийлар оиласи бошқа оилалардан биров фарқ қилади. Мен нима демокчилигимни ҳарбий оилада туғилиб, камол топганлар – ҳарбийларнинг фарзандлари яхши тушуниб туришибди. Чунки дадамнинг ҳафталаб, баъзан ойлаб уйда бўлмаслиги, дам олиш куни бўлса ҳам кун ёки тун демай тўсатдан хизматга жўнаб кетиши оилада барчамизни, айниқса, онамни хавотирга кўярди. Бир гуруҳ террорчиларнинг юртимиз тинчлигига раҳна солишга ҳаракат қилган пайтлар кечагидек ёдимда. Уйқусиз тунлар, тиқ этса эшикка қараб югуриш... «Дадам нега келмаяптилар», деган саволимизга онамнинг жавоб беришга кийналиши... Барча ҳарбийларнинг фарзандлари учун яхши таниш бўлган бу ҳолатдан болалигимда қанчалик хавотир олган бўлсам, бугун дадамнинг ҳарбий эканлигидан шунчалик **фахрланаман, ғурурланаман**. Чунки Ватанимиз тинчлигини сақлашда, **боболаримиз орзу қилган мустақил Ўзбекистонимиз айнан тинчлик туфайли йил сайин тараққий этиб, дунёнинг ривожланган мамлакатлари қаторига кўшилишида дадамнинг ҳам озми кўпми ўзига хос ҳиссаси бор**. Бугун нафақа ёшига етаётган дадам умрини Ватан хизматига, халқ тинчлиги ва осойишталигини сақлашга бахшида этмоқда экан, нега мен бундан **фахрланмаслигим керак**.

«Мен Кавказ ўлкаларида аскар бўлиб хизмат қилганман, – деб сўзлаб бергани дадам. – Ўша пайтлари биз аскарлар ким учун, нима учун хизмат қилаётганимизни билмасдик. Бугун эса сени, оиламни, ота-онам ва қариндошларимни, ўз халқимни ҳимоя қилаётганимдан бахтиёрман».

Дадам ҳақ. **Киши қилаётган ишини англаши, унда Ватаним, оилам деган туйғулар устувор бўлмоғи лозим. Шундагина у кўксини ёв йўлига қалқон қила олади**.

Юртимизда ҳарбий соҳага катта эътибор қаратилмоқда. Аввало бу соҳа кишиларини уй-жой билан таъминлаш биринчи вазифага кўтарилмоқда. Чунки инсон оиласидан хотиржам бўлсагина, бемалол бор кучини хизматга, ишга сарфлай олади. Бизлар давлат томонидан берилган ана шундай уйда яшаймиз. Кўшниларимиз ҳам ҳарбий, улар билан аҳил-интифоқ яшаймиз. Маҳалламиздагилар бизларга ҳавас қилишади, аксарият ёшларнинг орзуси келажакда офицер бўлиш.

Қурулли Кучларимизнинг 20 йиллиги юртимизда кенг нишонланди. Ҳарбийларга халқимиз томонидан катта иззат-икром кўрсатилди. Зеро, улар борки, биз шундай осойишта, тинч, фаровон ҳаётда ўйнаб-кулиб улғайиб келмоқдамиз. Бу замон эркинликдан тўйиб нафас оладиган, осойишталикдан кўнгили ҳузур топадиган ва ҳар дақиқада огоҳ бўладиган пайтдир. Шоир Шавкат Раҳмон таъбири билан айтганда:

**Кенгликка чиқ, боладай югур,
Хеч ким сени тутмайди ўққа,
Ошкор йиғла, тўйиб хаёл сур,
Тўйиб тикил энди борликқа.**

**Кумушбиби ЭРМАМАТОВА,
2- Тошкент юридик коллежи ўқувчиси.**

**ВАТАНПАРВАРЛИКНИ МЕН
ҚАНДАЙ ТУШУНАМАН?**

САДОҚАТ БАЁТИДАН КУЧ ОЛИБ

Истиклол сабаб юртимизнинг ҳар гўшаси обод, ҳар кўнгилда бунёдкорлик ҳисси. Азим пойтахтимизни айланиб, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан жорий йил Ватан ҳимоячилари куни арафасида барпо этилган «Ватанга қасамёд» ҳайкалини зиёрат қилар эканман, кўнглимдан ажиб бир ҳис туйғулар кечди.

Биз ғурурни, ориятни ва садоқатни ҳамма нарсадан устун кўядиган халқимиз. Аждодларимиз юрт ҳимояси йўлида шаъни, ору номусини ўртага кўйиб, ёғийларга қарши курашган. Эр йигит зиммасидаги масъулиятли ва шарафли бурчни адо этишга бел боғлаб, аҳду паймон қилган, Қасамёд қилган. Қадимда йигитнинг сўзи, қасами қиличидан-да ўткир, кескир бўлган. Жўмардликда боболаримизга тенг келадигани топилмаган.

Замонлар, маконлар ўзгарса-да, садоқат баётининг моҳияти ўзгармаган.

Аскарлар билан суҳбатлашганда, кўпинча армиядаги энг ёрқин таассуротлари сифатида ҳарбий Қасамёд қабул қилган кунини эслайди. Нега шундай экан-а?. Гап Ҳарбий Қасамёд матнидаги кучдамикин? Ёки гап юрти, президенти, халқига содиқлик онтини ичаётганидаги ҳаяжондами? Ҳар иккаласи ҳам аскар қалбида бир оташ ҳосил қилган бўлиши мумкин. Буни ўзингиз ҳам кузатиб, ҳис қилишингиз мумкин.

Мен эр йигит қасамёд қилаётганда, кўзига, юзидаги ифодага боқаман. Унга бурч туйғуси куч, қувват бераётгандек туюлади, ўша лаҳзаларда. Садоқат баёти уни юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги йўлидаги эзгу ишларга руҳлантираётганини сезаман.

Бугунги аскар деганда мустаҳкам иродаси, Ватанга садоқати билан ҳақиқий қаҳрамонликка тайёр бўлган ўғлонлар кўз олдимизга келади. Ҳа, истиқлол авлоди – юраги депсиб, кўзлари чакнаб турган ўғлон халқимиз тинч-фаровон ҳаётини ҳимоялашга, мамлакатимиз равнақи ва истиқболини асраб-авайлашга онт ичмоқда. Демакки, у ватанимизда бўлаётган улкан ўзгаришлар, янгиланишлардан, истиқлол сабаб янада чирой очиб бораётган Ўзбекистонимиздан ғурурланади, руҳланади.

Ватан онамнинг кўзларидан бошланади, деб ёзган эканман. Яқинда ўқиб қолиб, таъсирланиб кетдим. Болалигимга қайтдим. Ўша фавқуллодда ҳайратларга бой болаликка, чангитиб юрадиганимиз – теракзор кўчаларга.

Ўзи Ватан қаердан бошланади? Кишини ўйлантирадиган савол. Ватан, юрт сарҳади инсоннинг юрагидан бошланади, десак хато бўлмайди, менимча. Шоир «ахир гулмиз биз ҳам, ахир илдизимизни суғуриб ололмаймиз заминдан», дея ёзганида қанчалар ҳақ эди. Шунга ҳамоҳанг киндик қоним тўкилган тупроқдан, аждодларим ҳоки ётган заминдан бошланади, юртим сарҳади, дегим келди.

Ҳа, юракка, қалбга кўп нарса боғлиқ. Ватанга бўлган меҳр оташи билан уриб турган юракни ҳеч ким забт этолмайдиган бир кўрғон дейиш мумкин. Кўрғонки аждодларим жасоратидан, матонатидан, садоқатидан қурилган бир улкан иморат. Тарих улкан бир дарслик. Уни варақлаб кўринг. Юракларини ўқлар тилган, кўксини найзалар тешган аждодларнинг жасоратидан сўзлайди у. Ватан олдида, миллат олдида берган сўзига содиқ қолган боболардан

сўзлайди у. Кўксини чангаллаб йиқилганда ҳам мустаҳкам кўрғонини ҳеч ким забт этолмаган қаҳрамонлардан сўзлайди у.

Асотирларга айланган қаҳрамонлар бугун юртига қайтди. Отларининг тўёқларидан ўт чақнаб, дупур-дупурлари оламини тутиб, баҳодирлар қайтди юртига. Бешиқда ётган чақалоқни-да уйғотди, ҳатто. Ҳа, миллат фарзандлари уйғонди бугун.

«Бу бетакрор мажмуани бир кўрган одам, ўйлайманки, юраги жизиллаб, унинг маъносини тушуниб, англаб, бу ҳайкални авваламбор Ватанга садоқат, мардлик ва жасорат мадҳияси, эл-юрт ҳимоячиси бўлган фидойи инсонларга қўйилган гўзал бадиий обида сифатида қабул қилади» дейди Президентимиз Ислам Каримов «Ватанга қасамёд» ҳайкалининг очилиш маросимида. Давлатимиз раҳбари айтган бу фикрларнинг қанчалар ҳақиқат эканини мажмуани зиёрат қилган жамоатчилик, хусусан ёшларимизнинг фикрлари орқали кўп бора эшитдик. Бетакрор мажмуани бир кўрган киши шундайин ёниқ ҳис-туйғуларга ошно бўлаётган экан, унинг пойида ҳарбий қасамёд қабул қилганида аскарларимиз кўнгилларидан қандай ҳаяжон кечишини тасаввур қиляпсизми?!

Мард ва жасур фарзандга оқ сўт берган, вояга етказган, Ватан тимсоли бўлган мунис ва мўътабар онанинг, юрт хизматига бел боғлаган ўғлонига оқ фотиҳа бериб, оқ йўл тилаётган онанинг пойида садоқатдан онг ичар экан, юрагида улкан бир куч уйғонмайдими?

Байроғимизни кўзига тўтиё қилиб, Ватанимиз ҳимояси йўлида, аждодларимиз хоки ётган муқаддас заминнинг ҳар бир қарич тупроғини асраш учун тайёрман, дея тиз чўкиб қасамёд қилаётган ўғлон тимсоли, мардона қиёфаси жасоратга, матонатга ундамайдими?!

Қасамёд қабул қилаётган, садоқат баёти юрагида акс-садо бераётган йигит, биз сенга ишонамиз – истиқлолни, халқимизнинг тинч-фаровон ҳаётини мардонавор ҳимоялайсан, мамлакатимиз равнақи ва истиқболи йўлидаги мақсадларимизнинг, ишларимизнинг ривожига ҳисса қўшасан. Юрагингда садоқат, буюк аждодлардан мерос жасоратнинг уйғонгани муборак.

Алижон САФАРОВ.

НУРДАН ЯРАЛГАН СЎЗ

Ватан! Бир дам ўйга толаман. Мадҳ этмоқлик-чун сўз ахтараман... Ҳаяжон зарбидан ураётган юрагимга бир зум кулоқ тутаман. Ундан англаганларим, ҳис этганларимни сўз салтанатининг энг сержило гавҳарлари бирла мадҳ этмоқликка чоғланаман, бироқ... Тил билан баён этиб бўлмас иқрорим:

Ватан бешигимдир – дунё уйига йиғлаб келганимда овутган бешиқ, Ватан қўшигимдир етмиш икки томир кенгликларида меҳр ундиролган суюк бир қўшиқ.

Ватан! Не мўъжиза, не синоатдирки, эшитган ҳамон қалбим эзгу хисларга чулғанади?! Шулар ҳақида ўйлай туриб, беихтиёр хаёллар

гирдобига шўнғийман. Юртимнинг энг майда гиёҳидан тортиб улкан тоғларигача, сарҳад билмас кенг яйловларидан сермавж дарёларигача менга сирли, ёқимли ва муқаддас туюлаверади. Мен айни шу онда қалбимда ажиб бир ҳисни туяман. Катта-катта китобларга сиғмайдиган, энг оқилона, энг бетакрор сўзлар билан ҳам таърифлаб бўлмайдиган бу туйғуни айни дамда ҳис этиб турганимга амин бўламан. Бу Ватанга бўлган муҳаббат ҳисси, Ватан туйғуси эмасми?! Шеърят султони Алишер Навоийга қалам тутқазган, буюк соҳибқирон Амир Темурга жанг майдонларида паноҳ бўлган, Султон Жалололдин Мангуберди қалбига жасорат уруғини қадаган шу мўътабар Ватан-ку, ахир!

Ватан – инсоннинг руҳияти, турмуш тарзи, онгу тафаккури, ўтмиши, бугуни ва келажаги мужассам бўлган муқаддас тушунча.

Шу муқаддас заминга киндик қони тўкилган, жаннатмакон юртимнинг кенг кўчаларида тетапоя қилиб катта бўлган ҳар бир инсон борки, уни севади, ардоқлайди. «Инсон учун Ватанидан яхшироқ ёр бўлмайди» деган сўз айни ҳақиқат. Чиндан ҳам Ватандан азиз, Ватандек муқаддас, Ватандек улуғ маскан бормикан. Инсон учун нимаики муқаддас бўлса, барчаси Ватан билан боғлиқдир.

Шулар ҳақида ўйлай туриб, Турк ҳоқони Мадихон билан боғлиқ афсона ёдимга тушади. Унда тасвирланишича, душман бу юртга бостириб кириш учун баҳона излайди. Донишманд ва тинчликсевар Мадихон душманнинг ниятини тушуниб, беҳуда қон тўкилишининг олдини олиш учун ёвга учқур отини ва гўзал маликани тортиқ этади. Аммо душман буларга қаноатланмай, мамлакатнинг чекка сарҳадидаги ерларни талаб қилади. Шунда шоҳ ғазабга тўлиб, лашкарларига қарата: «Энди жангга кирамиз. Чунки Ватаннинг бир қарич ери ҳам азиз. Унинг душманлар томонидан оёқости қилинишига қараб туrolмаймиз», деб жангга киришади. Гарчи ёшлигимда бу афсонанинг замирига етолмаган бўлсам-да, энди унинг моҳиятини англаб етмоқдаман.

... Лабларимнинг шивирига оҳиста қулоқ тутаман ва англаганим шу бўлади: Ўзбекистон!

Мунис онам айтган алла наволари бирла томиримда ҳаёт янглиғ оққан, бувижоним айтган эртақлар туфайли жажжи тасаввуримда ғужғон ўйнаган саволларимга бугун жавобим – Ватан!

Онажоним ёпган иссиқ кулчани кўлларимда тутолмай ариқларга оқизган, кундузлари офтобларга, тунлар парирўй моҳтобга менгзаганим – Ватан!

Бобур қисматидан юм-юм йиғлаганимда овулган, ҳеч нарсага тенглаб бўлмайдиган бебаҳо диёрим, бу дунёдан кетар чоғим ёлғиз угина бағридан жой берадиганим – мазорим – Ватан!

Донишмандлардан бири Ватан ҳақида гапирар экан, шундай дейди: «Чўлда ўрмалаб юрган жонворлар ҳам туғилишиданоқ ўз маконларини биладилар, унга меҳр кўядилар, осмонда учувчи қушлар ҳам, денгиз ва дарёлардаги балиқлар ҳам ўз ошёнларини ҳис қиладилар, ҳатто болари ва бошқа ҳашоратлар ҳам хавф сезилса ўз уйларини жон-жаҳдлари билан

муҳофаза қиладилар, – шулар каби одамлар ҳам қаерда туғилиб, парвариш топсалар, ўша жойга чексиз меҳр кўяди».

Биз ҳам Ватанимизнинг ҳатто бир қарич ерини кўз қорачиғидек асрайлик, унинг дахлсизлигини бирга таъминлайлик. Шу муқаддас заминга меҳр кўяйлик ва меҳримиз тафти зинҳор сўнмасин! Шу улуғ замин – Ўзбекистонга муносиб фарзанд бўлайлик!

Нечун ураётир вужудда юрак,
Нечун оқаётир томиримда қон.
Мени фарзанд дея атама, майли –
Ватанни севмасам сендек, Онажон.

Қаламинг дунёни тебратса ҳам гар,
Дўстим, «шоирман», – деб ёйма жаҳонга.
Лоқал, биргина оташин сатр
Битмасанг шу она – Ўзбекистонга!

Гулнора ХОЖИМУРОДОВА.

«ЎЗБЕКНИНГ ЎЗ НИҲОЛИН ЭККАНЛИГИ РОСТ БЎЛСИН!»

Йигирма йил... Муборак истиқлолнинг хуш насимларидан баҳрамандликда яшаётганимизга ҳам йигирма йил бўляпти. Она Ўзбекистоннинг йигирма ёшли фарзандлари доврўкли юрт номидан дунёга чиқмоқда. Йигирма ёшли ўғлонлари юрт ҳимоясида, йигирма ёшли ўғил-қизини дунё танимоқда, йигирма ёшли навқирон бугун тенглар ичра тенгдир, оламаро ўз овози, ўз ўрни бор.

Йигирма йил... Ҳар бири асрларга тенгдир. Ўтган йиллар давомида илдизлари қадим-қадим даврларга туташиб кетган она юрт янада яшаргандек. Бугуни бунёдкорлик, яратиш, яшнатиш, эртаси умидли, ишончли эл, албатта, яшаради-да!

Йигирма йил... Бу ғоят мураккаб, шон-шарафли шаклланиш йилларидир. Бу қутлуғ юртнинг кўрғони, муборак мустақилликнинг мустаҳкам қалқони – қудратли Қуролли Кучларимизнинг шаклланиш йилларидир.

ТЕМУРБЕК АРМИЯДАН КЕЛДИ

...Отамнинг ёшлари ҳам саксонга яқинлашиб қолди. Етимликда ўсганлар. Ҳаётларида илк муҳаббат қувончини, илк фарзанд сурурини, айрилиқлар, йўқотишлар, хуллас кўп нарсаларни кўрган инсон. Илмга, илмли инсонларга меҳрлари бўлакча. Умрларининг катта қисми одамлар орасида ўтган. Йиллар ўз ҳукмини у кишига ҳам ўтказган. Бировнинг ёрдамсиз ҳаракатланишлари қийин. Бир умр одамлар орасида юрган киши бундай ҳаракатсизликка чидаши қийин. Кўзлари ҳамиша эшикда бўлиб туради. Олдиларидан одам аримаслиги керак. Буни билганимиз учун опа-укалар отамни зиёрат қилишга интилиб турамиз.

Шундай кунларнинг бири эди. Ҳовлига Халил акам юз-кўзлари қувончдан порлаб югургудек бўлиб кириб келди. Ҳеч кимга эътибор бермасдан тўғрига, ишком остидаги сўрида ёнбошлаб ётган отам томонга интилди.

– Отажон, суюнчи беринг, набирангиз Темурбек армиядан келди, – дея қувонч билан отамнинг қўлларидан тутди.

Отам дафъатан бу хабарни англолмай турдилар. Бироз туриб хавотир аралаш, энтикиб қайта-қайта сўрай бошладилар:

– А?! Нимага келади? Нимага келди? Ҳали олти ой ҳам бўлгани йўқ-ку?!

Отамнинг бу ҳолатидан акам ўзини йўқотиб қўяй деди. Шу пайт бўйлари баланд, акамнинг ўзи каби кўркам ва ўктам бўлган жияним Темурбек ҳарбий либосда кириб келди-ю отамнинг ҳовлиси, наинки ҳовлиси, балки бутун олам янада чароғонлашиб кетди. Уни кўриб ҳам ўзига келолмаётган бобосини маҳкам бағрига босди. Акам бирпасда Темурбек бир неча кунлик таътилга хушёрлиги ва довюраклиги билан сазовор бўлганлигини айтиб бердилар. У чегарада хизмат қилаётган эди.

Отамнинг чехралари ёришиб кетди. Темурбекни олдиларига ўтказиб олиб, қайта-қайта шукрона айта бошладилар. Ҳаммани аскар набираларининг оғзига қараб ўтиришга мажбур қилдилар. Нима ҳам дея олар эдик. Ўша биз билган, кексайганида ҳам айтгани айтган, дегани деган, қаттиққўл отамизнинг раъйларини қайтариб бўлармиди.

Бироз аввал рўй берган, акамни шошириб қўйган тушунмовчилик аллақачон барҳам топган эди. Бошқаларни билмадим-у аммо мен отамнинг айнан ўша ҳолатларини жуда яхши тушунган эдим. Бу анча йиллар олдин бўлиб ўтган оғриқли хотиранинг унутилиб кетмаганлигини, уни ҳамон азоблаб келаётганлигини шундай қувончли лаҳзаларда англаб етдим.

Йўқ-йўқ, бундай хотираларга йўл йўқ. Ахир Темурбек армиядан келди... Кўзлар қувончи, қалблар сурури бўлиб келди. Шукур. Минг бора шукур. Фақат... Эслаш керакмикан? Керакка ўхшайди. Бугуннинг қадрига етмоқ учун ўтган кунни ҳам эслаш лозимга ўхшайди, назаримда.

ҚАЛБГА ОҚҚАН КЎЗЁШЛАР

Неъматуллоҳ Малика аммамдан қолган ёлғиз ёдгор эди. Улар отаси, бобоси ва бувиси билан катта шаҳарда яшардилар. У акаларимга ўхшамас, доимо тоза-озода юрарди. Бунинг устига ўн-ўн икки яшар бола бўлишига қарамасдан ҳар доим катталарнинг ёнида бўларди. Катталар ҳам уни «жуда ақлли бола» деб кўп мақтардилар.

Ёз ойларида у қишлоққа меҳмон бўлиб келарди. Озгин, вазминлик билан гаплашадиган бу бола биз билан ҳеч қачон бирга ўйнамасди. Раҳматли онам ҳам энг кичик акамдан ҳам кичик бўлган бу болани сизлардилар. «Бирам доно, бирам доно, ҳалитдан бешта тилни билармиш, яна ҳамманинг кўнглига йўл топади. Улғайса элнинг олди одами бўлади», дер эдилар оғзиларидан бол томиб. Биз эса ўйиндан чалғиган вақтларимизда худди кино кўргандек, четдан уни кузатардик. Мана, у, бобосига қироат билан китоб ўқиб беряпти,

бувисини қўлларидан тутиб сўридан тушишига ёрдамлашяпти. Мана, у, кичкина рассом. Оддийгина рангли қаламлар билан ботаётган куёшни, ғарк пишган ўрик дарахтини, ҳовли тўла болалар аксини иштиёқ билан қоғозга туширмоқда. Мана, у, чиллакдек озғин қўллари билан опамнинг қўлидаги сув тўла челакларни олмоқчи. Опам кулганича унинг ёрдамини рад қиляпти, қайсар, барибир ёрдам бермоқчи, ҳозир қўллари узилиб кетади-ёв... Мана, у, катталарга одоб билан чой қуйиб, узатяпти. Бобосининг ёнида жимгина ўтириб, катталарнинг суҳбатига кулоқ тутяпти, дастурхондаги ширинликларга қараб ҳам қўйгани йўқ. Мана, у, оддийгина тахталардан онамга калава ўраш учун қўлбола дастгоҳ ясапти. Биз у ёқдан бу ёққа кўтариб ўйнайдиган жажжи курсичаларни ҳам у ясаган. Мана, у, оппоқ кийим-бошда шаҳарга қайтяпти, ҳамма билан хайрлашди, отамга катта одамдек тайинламоқда: «кузда далалар зах бўлади, оёғингизни эҳтиёт қилинг, тоғажон. Бўлмаса яна қишдагидек ётиб қоласиз. Янгамга дўхтир дори ёзиб берган. Уни ўзим билан олдим. Шаҳардаги катта дорихонадан олиб, бериб юбораман». Қаттиққўл, ҳиссиз кўринган отам эса мутаассир бўлиб, бир сўзни такрорляпти: «Хўп, Неъматуллоҳ, хўп, хўп...»

Аввал унинг бувиси, кейинчалик бобоси вафот этди. Шундан кейин қишлоққа ҳам келмай қўйди. Шаҳар олис эди. Уни ҳар замонда катталарнинг ўзлари бориб йўқлаб келишарди. Шу орада у ҳам ҳарбий хизматга чақирилди. Кичик амакиларим, отам уни кузатишга бордилар. У юртдан жуда олисларда хизмат қиларди.

Орадан уч ойдан кўпроқ вақт ўтди. Ёз кунларининг бири эди. Ҳамма ўз иши билан банд, ташқи ҳовлида мендан бошқа ҳеч ким йўқ. Кўчадан машинанинг овози келди. Югуриб чиқдим. Отам келган эди. Ҳовлига кириши билан изма-из амаким ҳам кириб келди. Амаким менга эътибор ҳам қилгани йўқ. Саҳарлаб далага чиқиб кетган отам одати бўйича чошгоҳда бирор нима тановул қилиш учун бирров уйга кириб ўтарди. Сўрига чиқиб ҳам ўтирмасдан идишқовоқда ивителиган қатикни узалиб қўлларига олдилар. Ҳар доим қувноқ юрадиган амаким бу сафар жуда хомуш эди. Жуда чарчаб кетган одамдек ёғоч панжарали сўрига бошларини осилтирганча суяниб колдилар.

– Нима гап, соғлиғинг яхшими, – шундай саволлар билан отам амакимга яқинроқ келди.

– Тинчлик, – амакимнинг овози зўрға чиқди. – Неъматуллоҳ келди... қайтариб юборишибди...

– Нима учун қайтариб юборадилар, – отамнинг овозидан чўчиб кетдим, ағрайганимча икковларига қараб қолдим.

Амакимнинг боши янаям эгилиб кетгандек бўлди. Шу пайт дарвозадан бир йигит қўлида ғилдирак билан отилиб кирди. Ва қувонч билан катта ҳовлида ғилдиракни ғириллатиб югура бошлади. Буни кўрган отам сесканиб кетди. Қўлидаги идишқовоқ қатиғи билан тош ерга тарақлаб тушди. У буни сезгани ҳам йўқ. Ҳайронликдан, даҳшатдан кўзлари катта-катта очилганича ҳовлида ғилдирак кетидан югураётган новчагина йигитга қараб қотиб қолган эди. Бу йигит... бу йигит Малика аммамдан қолган ёлғиз ёдгор, чол-кампир,

кариндошлар бино кўйган Неъматуллоҳ эди... У тоғаларига парво ҳам килмасдан ҳовлида ғилдирак кетидан қийкирганича югуриб юрарди...

Икки эркак бир сўз демай панжарали сўрига суянганча қотиб туришарди. Бошларига тушган чўнг дарддан бир-бирини асрамоқчи бўлгандек, бир-биридан хиёлгина ўгирилиб, ҳовлидаги йигитдан кўз узмай кўзёшларини ичларига оқизмоқда эдилар. Ака-укалар оталари вафот этганида ҳам, оналари оламдан ўтганида ҳам бу қадар ўзларини йўқотмаган, бу қадар қайғуга ботмаган эдилар. Ҳеч қачон кўзёши тўкмаган икки эркак, иккита капкатта одам бу кўргулик олдида бениҳоя ожиз эдилар... чорасиз эдилар... Қалбларини ўртаётган аламли оғриқ кўзларини қоплаб бормоқда эди, кўзларидан тошаётган алам ва армон тўлқинини бекитмоққа ожиз қолдилар. Кичиги хўнграб юборди. Каттаси ихтиёрсиз ўтириб қолди...

Орадан йиллар ўтди. Неъматуллоҳ муттасил даволанишга маҳкум эди. Буни у кўтара олмади...

У кунлар ортида қолганига анча бўлган. Бугун эса хуш кун. Темурбек келган. У кўкка бўй чўзаётган навқирон ниҳолимиздир. У отам қалбидаги оғриқларнинг малҳами бўлсин!

Инобат ИБРАГИМОВА.

ВАТАНИМ АРДОҒИДА ЯШАЙМАН ЭРКИН

Ватан туйғуси – олий неъмат. Зеро, инсон Ватанга муҳаббатни тинимсиз уриб тураётган юраги, қалби билан ҳис этади. Бу ҳиснинг номи – ватанпарварликдир. Ватанпарварлик – Ватанининг бугуни ва эртаси учун қайғурадиган ҳар бир инсонга хос.

«Ватаним учун жонимни бераман» дегувчи инсонларни кўп учратганмиз ва унинг амалига тарих зарварақларидан кўплаб мисоллар топишимиз мумкин. **Бугунги тинч, фаровон ҳаётда Ватан учун жон бермоқ лозим эмас, балки ҳар бир яшаётган дақиқаларимиз унга наф келтириши учун курашмоқ зарур.**

Ўзбекистон – бизнинг Ватанимиз, умумий уйимиз, унинг манфаатларини ҳамма нарсадан устун қўямиз. Бу бизнинг ватанпарварлигимиз, Ватанга бўлган муҳаббатимиздан, албатта.

Ватанпарварлик деганда негандир кўпчилигимизнинг кўз ўнгимизда биринчи навбатда юрт посбонлари, ҳарбийлар гавдаланади. Шарафли касб эгаларини улуғлаймиз. Бу тўғри, албатта. Лекин ватанпарварлик муайян касбгагина хос эмас, аксинча у барча касбларнинг асосини ташкил этмоғи лозим. **Ўз касбини чуқур эгаллаш, эл-юртга нафи тегадиган иш қилиш ҳам ватанпарварлик.** Спортда юксак натижаларга эришиб, юрт байроғини юксакка кўтариш ҳам ватанпарварлик. Оиласини боқиш, яхши едириб, яхши кийинтиришни ўйлаш ҳам ватанпарварлик. Чунки Ватанни севиш, энг аввало, оилани севишдан бошланади. Мехр-муҳаббатга тўла оиладан Ватан учун мард ўғлонлар, доно қизлар етишиб чиқади. Юртбошимиз таъбири билан айтганда, «Оила соғлом экан, жамият мустаҳкам, жамият мустаҳкам экан, юрт тинчдир».

14 январь – Ватан ҳимоячилари куни. Бу йил миллий армиямиз ташкил топганлигининг 20 йиллиги катта байрам қилинди. Менинг дадам ва тоғам ҳарбий, Ватан ҳимоячиси. Мен улар билан фахрланаман. Чунки ушбу шарафли касбда шунчаки форма кийиб юрилмайди. Бунинг учун катта юрак, мустаҳкам ирода, ўзига, Ватанига бўлган муҳаббатига ишонч бўлиши шарт. Улар ҳар бир хонадондаги тинчлигу, ҳар бир инсон лабидаги табассумнинг сабабчилари. Улар борки, юртда осойишталик, қалбда хотиржамлик, жамият ҳаётида тараққиёт бор. Курсдошларим орасида «келажакда ҳарбий бўламан» деганлар қанча. Бундай инсонлар доим бўлган ва бундан кейин ҳам, албатта, бўлади. Сабаби, **ватанпарварлик ўзбек халқининг қон-қонига сингиб кетган. Бу ҳис бизга ота-боболаримиздан мерос. Яна қайси юртнинг Амир Темур, Жалолоддин Мангуберди, Спитамен каби фидойи фарзандлари, авлодларга ўрнак боболари бор?** Шоир Муҳаммад Юсуф таърифида:

Уларнинг саноғи юлдузлардан кўп,
Юртим, дилбандингдир ҳар сиёҳ, ҳар чўп,
Фидоларинг бўлган фарзандларингдир,
Номдор-у номсизин ҳоки пойин ўп!

Ватанини тарк этган, унга ета олмаган ёки уни сотган инсонни ватанга до деймиз, яъни Ватаннинг гадоси. Ватанга долар ҳеч қачон Ватан ҳиссини туймайди, деб ўйлардим. Аммо шоир Фарид Усмоннинг «Ватанга до билан суҳбат» шеърини ўқигач, амин бўлдимки, **ҳар бир инсонда Ватанга муҳаббат туғилишиданок пайдо бўларкан ва у ёшимиз билан бирга ўсиб, улғайиб бораркан:**

Соғиндим Ватанни, олис қишлоқни,
Тушларимга кирар туғилган уйим.
Бир бор кўзга суртиб, Она тупроқни,
Армоним қолмасди жон берсам кейин.
Майли, қишлоқдаги чапани ёшлар
Яланғоч сўзлар-ла қилса мурожаат.
Фақат ўзбекчалаб сўкса юртдошлар,
Бари-барисига қилардим тоқат.

Бундан шундай хулосага келиш мумкинки, **шу тинч ва осойишта ҳаётда, Ватан бағрида яшаётганимизнинг қадрига етмоғимиз, уни асраб-авайламоғимиз зарур. Зотан, нафақат одамзод, балки тирик мавжудот борки, барчасида бу туйғу мавжуд. Чунки тирик организм қаердадир дунёга келади. Аслида «Ватан» сўзининг луғавий маъноси ҳам «туғилган макон» деганидир.**

Бир инсон шундай деганди: «Ватаним – менинг Онам. Уни кафтларимда асрайман. Кимдир ёмон кўз билан боқса, назар тушмас қалқон бўламан».

Инсон фикр, онг, тафаккур, ҳис-туйғуга эга экан, ҳар бирининг бу хусусда ўз дунёқараши, ҳис-туйғуси, муҳаббати мавжуд. Турли ёшдаги юртдошларимизнинг Ватан ҳақидаги фикрларини билишга қизиқдик.

Зафар, 12 ёш, мактаб ўқувчиси: «Мен туғилган, униб-ўсаётган макон – Ватан. Катта бўлсам, ҳарбий хизматга бораман, Ватанимни кўриқлаб, ўз бурчимни адо этаман».

Камола, 17 ёш, коллеж ўқувчиси: «Ватан... Ватан мен учун оилам, отам, онам, мен ва яшаётган уйим, мен ўқиб, таълим олаётган даргоҳ. Буларнинг бари Ватандир».

Омадхон Аннаева, ўқитувчи: «Ватан бу киндик қоним тўкилган, фарзандларимни қучоғимга олган маскан. Ердаги тупроқ, кўкдаги қуёш, ҳар бир унган гулу янтоқ Ватанимнинг бир бўлагидир».

Ўзини Фаррух деб таништирган 40-45 ёшлардаги киши: «Ватан туйғуси эзгулик билан уйғун тушунча. Эзгулик, адолат, муҳаббат бор жойда Ватан бор. Адолатсизлик, зулм, тажовуз устувор ерда Ватан туйғуси ҳам бўлмайди, уларнинг барчаси пароканда бўлади».

Бўрибой ота, фахрий, 70 ёшда: «Ватан ҳар бир кишининг ўзлигидан бошланувчи атроф-муҳит ва инсонлар. Эҳтимол... у – муайян макон, эҳтимол... у – чексиз борлиқ. Унга нисбатан муносабат, муҳаббатдан Ватан туйғуси пайдо бўлади, шаклланади. Мен учун эса Ватан, бу – мен, болаларим, невараларим, чевараларим ва сен яшаётган ўлка, унинг кечаси, бугуни ва эртаси, яъни тарих, бугун ва келажак.

Дарҳақиқат, Ватан нафақат туғилган макон, балки оила, таълим тарбия бераётган маскан, яшаётган хонадон ҳамдир. Мактабга илк қадам кўйганимизда, энг аввало, Она-Ватан дея ёзишни ўрганамиз. Ватанни ҳам Она каби таърифлашга тил ожиз. Бу икки улуғ сўз доим ёнма ён, бири иккинчисини тўлдириб туради. Ватан туйғуси Она меҳрилла дунёга келади. Фарзандида Ватанга бўлган муҳаббатни биринчи бўлиб Она уйғотади. Кўп йиллик изланишларга кўра, инсон бутун умри давомида керак бўладиган ахборотларнинг 70 фоизини беш ёшгача бўлган даврида оларкан. Боланинг келажакда қандай инсон бўлиб етишиши беш ёшгача аниқ бўлар экан. Шу боис ҳам Ватан туйғусини уйғотишда, энг аввало, Она асосий роль ўйнайди. **Ватанини севолмаган инсон Онасини ҳам қадрлай олмайди.** Зеро, садоқат туйғусини фарзандига аввало Она беради. У фарзандини Ватанга содиқ ва унга керакли шахс бўлиб етишиш руҳида тарбиялайди.

Бугун ўзгача муҳит. Бугун ҳар жойда, ҳар уйда, ҳар бир инсон онгида эркинлик бор. Инсонларда яна-да жўшқин кайфият ва қатъият мавжуд. Энди **халқни юксакликка чорлай оладиган даражада кучлимиз. Бугуннинг кўшиғи – эрк, шодлик, фаровонлик ва барча яхшиликлар ҳақида.** Шу боис кўлимиз кўксимизда, Ватан хизматида доим шай турмоғимиз керак, зеро бу ҳар биримизнинг бурчимиз:

Олам ташвишидан юракда тўлқин,
Ватан қудратидан қалбда ғурур бор.
Энди сен чорласанг, токи танда жон,
Лаббай деяжакман, Ватан-Онажон.

Кумушбиби ЭРМАМАНОВА,

ЮРАГИМГА ВАТАН НОМИ БИТИЛГАН

Ҳарбий либос кийган Ватан посбонларига кимнинг ҳаваси келмайди дейсиз. Айниқса, улар байрамона кийимда бўлишса!

Болалигимизда биз болалар кўчаларни тўлдириб ҳарбийчасига юришга, бир-биримизга улардек мурожаат қилишга ҳаракат қилар эдик. Тезроқ улғайишни ва худди ҳарбийлардек кийиниб юришни ва бизга ҳам ҳамма ҳавас билан қарашини истардик. Аммо балоғатга етган сари бу касбнинг масъулияти ҳам жуда юксак эканлигини, бутун Ватан, халқ ҳаёти, унинг осуда турмуши қайсидир маънода ҳарбийларнинг қўлида эканлигини, бу шунчаки баландпарвоз тушунчалар эмаслигини тушуниб бордик.

Тарихга жуда қизиқаман. Бир китобда ўқиб қолдим. Буюк саркарда Амир Темур бобомиз ҳам болалик даврида ўртоқларини бир ерда тўплаб, иккита гуруҳ тузиб, бир-бирига қарши «жанг» қилиб ўйнаган эканлар. Демакки, саркарда бобомиз болалигиданоқ ҳарбий соҳага қизиққан ва бу қизиқиш кейинчалик у кишини катта-катта зафарларга сафарбар қилган ва буюк Соҳибқирон даражасига етган.

«Фахрланиш мумкин ва лозим бўлган бебаҳо кадриятлар – ўз мустақиллигимизни, тинчлигимизни, жамиятда миллатлар ва фуқаролар ўртасидаги тотувликни асранг. Ўз эркимизни қандай тасарруф этиш, уни бугунги мураккаб ва баъзан шафқатсиз дунёдаги ҳаддан зиёд хавф-хатарлардан сақлаш ҳар биримизга боғлиқдир», – деган эди Президентимиз И.А. Каримов «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида» асарида. Дарҳақиқат, инсон эрки ва озодлигини асраш – унинг келажагини асраш демакдир. Ватан ҳимояси – шу Ватаннинг тинчлиги, осойишталиги, бахти, фаровон ҳаёти гарови. Бундай юксак ва шарафли ишни адо этмоқлик эса ҳар кимга ҳам насиб этавермайди. Биз ёшлар ана шундай шарафли касб эгалари олдида доимо таъзимдамиз. Улар бизнинг нурли келажагимиз ҳимоячиларидир:

*Эй Ватан посбонлари,
Она юрт ўғлонлари.
Бахтимизга соғ бўлинг,
Юртимиз қалқонлари.*

*Садоқатни аслида,
Ўрганамиз сизлардан.
Ватаним посбонлари,
Содиқ ўғил – қизлардан.*

Фақат ҳарбийлар эмас, балки шу она диёрда яшаётган ҳар бир ўғил-қиз шу Ватанни, унинг шаънини ва номини ҳимоя қилиш керак деб ўйлайман. Бугунги доруламон кунларимиз ўз -ўзидан бўлиб қолган

эмас. Бундай бахтиёр кунларга етишиш учун қанчадан- қанча боболаримиз жон фидо қилишган.

Шундай экан, биз янада билимлироқ, ҳушёрроқ бўлмоғимиз керак. Бугунги глобаллашув даврида ҳар қандай «ёт ғояларга», «бузғунчи фикр»ларга алданмаслигимиз учун, энг аввало, юксак маънавиятга эга бўлмоғимиз шарт. Она халқимиз, юртимиз учун қайси соҳада бўлмасин, муваффақиятларга эришсак, бу бизнинг шу Ватан учун қилган фидойилигимиз бўлади. Бундай шарафли ишларни адо этмоқлик бахти ҳаммамизга, ҳар биримизга насиб этсин.

*Орзуларим гуллаётган пок гўша,
Дарёлари қуёш акси, нур Ватан.
Яйловлари тоғларига туташган,
Тупроқлари гавҳар ила дур, Ватан!*

*Сенинг номинг ёзилган юрагимга,
Баркамоллик – мен интилган йўл, Ватан.
Саҳролари йўлларимга туташган,
Бобом юрган қиру-адир, чўл – Ватан!*

**Муқаддас ОҚМАМАТОВА,
Ангрен академик лицейи ўқувчиси.**

«ВАТАНПАРВАРЛИКНИ ДАДАМ ҚИЁФАСИДА КЎРАМАН»

Биз мустақилликка эришиб ўзимизни, ўзлигимизни англаш йўлида қадам кўйдик. Биз учун энг буюк, энг азиз қадрият бўлмиш истиқлолимизнинг ҳар бир санаси янги тарихимиз солномасида том маънода ёрқин саҳифа бўлиб, озод ва фаровон ҳаётимиз, ғурур-ифтихоримиз тимсоли сифатида кенг нишонланиб келинмоқда. Ватан деганда биз фақат юртимиз тупроғини эмас, балки унинг заминида бўй кўрсатган гиёҳдан тортиб, дарё-ю сойлари, тоғ-у тошларигача, ўзимиз туғилиб ўсган макон билан боғлиқ нарсаларнинг барчасини тушунамиз. Ватан озод ва мустақил бўлса, онани бағри жаннат бағридек файзли, инсонлари бахтли бўлади. Шунинг учун Ватаннинг озодлиги ва мустақиллиги онанинг ҳар бир фарзанди учун жон қаби азиз ва муқаддасдир.

Инсон учун она ягона бўлгани қаби Ватан ҳам ягонадир. Шу боис ватанпарварлик олий фазилат саналади. Жамиятимизда шундай касб эгалари борки, Ватан тақдирини ўз тақдиридан юз чандон устун кўйиб, туну кунни бедор ўтказиб, унинг тинчлиги, хавфсизлиги, халқимиз осойишталиги, чегараларимиз дахлсизлиги йўлида кўксини қалқон қилиб, шарафли ва масъулиятли вазифани бажариб келаётган ҳарбийларимизни, баралла **Ватанпарварлар** деб, айта оламиз.

Мен ватанпарварликни дадажоним қиёфасида кўраман.

– Ҳурлик ва тинчлик инсон учун энг буюк неъмат. Чунки бу неъматлар миллатни юзага чиқаришга замин яратади, – дейди дадам ишонч билан.

Ҳа, элга эркин яшаш завқини улашаётган, юртимиз тинчлиги, осмонимиз мусаффолиги йўлида жон куйдираётган оловқалб инсонлар – ҳарбийлар

ичида менинг меҳрибон ва талабчан дадажоним борлиги ҳам мени ҳар он фахр ҳиссига кўмади.

**Сунбула ФАЙЗУЛЛАЕВА,
Чирчиқ академик лицейи талабаси.**

**БУЮК АЖДОДЛАР
АНЪАНАЛАРИНИ ДАВОМ
ЭТТИРАМИЗ**

ИСТИҚЛОЛГА ҚАЛҚОН ЭРУР ВАТАН МАРДЛАРИ

Ватанимиз мустақилликка эришганига йигирма йил тўлди. Бу айтарлик унчалик катта муддат бўлмаса-да, салмоғи жихатдан у халқимиз тарихида жуда ҳам ёрқин йиллардан бўлиб қолди, десак адашмаймиз. Ўтган давр ичида мустақил юртимизнинг нуфузи яна ҳам ортди. Жаҳон ҳамжамиятидаги ўрни тағин ҳам мустаҳкамланди. Барча соҳаларда янада ривожланиш, ўсиш юз берди. Юртимиз янаям гуллаб-яшнамоқда. Қаёққа қараманг бунёдкорлик, ободончилик ишлари амалга оширилаяпти. Энг асосийси, барча гўшаларда тинчлик-осойишталик ҳукмрон. Буларнинг барчасида азиз Ватанимизнинг ҳимоячилари, жонфидолари бўлган шижоатли, кўркмас ва жасур юрт посбонларининг хизматлари алоҳида эътиборга сазовордир. Зеро, Ватанни ҳимоя қилиш, унинг тинчлигини сақлаш мард йигитлар учун барча замонларда ҳам муқаддас ҳамда шарафли вазифа бўлиб келган. Кўхна тарихга назар соладиган бўлсак, соҳибқирон Амир Темур ҳам юрт тинчлигини, унинг муҳофазасини сарҳадлар дахлсизлигини биринчи ўринга қўйиб, доимо мана шу мақсад йўлида улкан ишларни амалга оширган. У салтанат учун уч нарсанинг муҳимлигини алоҳида таъкидлаб, сипоҳни улардан бири деб ҳисоблаган ва сипоҳга алоҳида эътибор билан қарагани бежиз эмас. Боболаримиздан қолган ватанпарварлик, қаҳрамонлик, мардлик фазилатлари бугунги кунда Ватанимизнинг баҳодир ўғлонларига ҳам хосдир. Бу фазилатлар уларнинг юрак-юрагига сингиб кетган, томирларида тепиб турибди. Шу ўринда бир нарсани айтиб ўтсам. Амир Темурнинг 675 йиллик таваллуд тўйи арафасида маданий ҳаётимизда ажойиб ҳодиса рўй берди. Юртбошимиз таклифига кўра, Амир Темур қаламига мансуб «Темур тузуклари» китоби мукамал ҳолда, юксак сифат билан янгитдан чоп этилди. Халқаро Амир Темур жамғармаси ва Ўзбекистон Фанлар академияси, Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти томонидан нашрга тайёрланган китоб Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг «Миллий давлатчилигимиз тарихининг мумтоз намунаси» номли сермазмун мақоласи билан очилади. «Шахсан мен Соҳибқирон бобомиз бизга мерос қилиб қолдирган «Тузукларни ўқисам, - деб ёзади Юртбошимиз унда, - худдики ўзимга қандайдир катта руҳий қувват

топгандек бўламан. Ҳар бир сатри бир умр эл-юрт, салтанат ташвиши билан яшаган фидойи инсон, улкан давлат арбобининг кенг миқёсдаги ўй-фикрлари, ҳаёт ва кураш тажрибаси, мушоҳадаси, баъзан эса дардли ва изтиробли кечинмалари билан суғорилган бу асарда қандай теран маъно мужассам эканини маърифатли, зукко китобхон яхши англайди, албатта».

Маданиятимизнинг нодир ёдгорлиги бўлган «Темур тузуклари»да бир неча боблар айнан шу мавзуга бағишланган. Улар ичида «Сипоҳ сақлаб туриш тузуги», «Сипоҳга улуфа(ҳақ, маош) бериш тузуги», «Сипоҳга танҳо ва улуфа тақсимлаш тузуги», «Аскарни энг қуйи мартабадан олий мартабагача тарбиялаб кўтариш тузуги», «Сипоҳнинг яроқ-жабдуклари ва анжом жиҳозлари тузуги» каби бобларда сипоҳийларнинг ҳақ-ҳуқуқлари, маош тайинлаш, маошнинг миқдори белгиланган. Сипоҳийлар ҳар бири маош олиш ёрлиғи билан таъминланганлар. Эътиборли жойи шундаки, «Темур тузуклари»да салтанат ҳақидаги тузукдан сўнг энг аввал сипоҳийлар ҳақидаги тузуклар келтирилади, ундан кейингина ўғиллар, набиралар, амирлар, вазирлар, ҳукмдорлар ва ҳоказолар ҳақидагиларга навбат берилади. Бу Амир Темурнинг сипоҳийларга эл-юрт кўриқчи-посбонларига қанчалар катта аҳамият берганлигини кўрсатади. Салтанатда интизом сақлаш ҳақидаги тузук ҳам жуда ажойиб. Шунинг учун ҳам ўша даврда мамлакатда, бир ёш боланинг бошига лаган қўйиб, унга ўн тилла солинса, салтанатнинг Султония шаҳридан Самарқандга қараб йўлга чиқса, пойтахтга келгунча бир тилла ҳам камаймайди, деган нақл машҳур бўлиб кетган эди...

Ҳамма соҳаларда бўлганидек, мустақил давлатимизнинг Қуролли Кучлари тизимида ҳам ислоҳотлар олиб борилаётгани, бунда эса қадимий тажрибалар кўл келаётгани қувонарлидир. Жараён қизғин кетмоқда, назар солинса, ишларнинг қамрови катта ва салмоқли. Ислоҳотлар негизида Ватан посбонлари бўлган ҳарбийларнинг маънавий қиёфаси ва руҳий оламини бойитиш, такомиллаштириш масаласи ётади, бу жуда муҳим аҳамиятга эгадир. Бундан мақсад, ҳар бир ҳарбий хизматчида ўз бурчига садоқат, Ватани, халқи, миллати олдидаги муқаддас вазифасини чуқур англаб етиши ва масъулият ҳиссини шакллантиришдан иборат. Зеро, халқнинг, давлатнинг ўз кучига ишониши, бировнинг ёрдамига муҳтож бўлмай, ҳар қандай моддий ва маънавий тажовузлардан ўз-ўзини ҳимоя эта олиши унинг пурқудрат ва буюклигини кўрсатади. Бу улуғ вазифалар Ватан посбонлари бўлган ҳарбийларимиз зиммасида. Бир нарса аниқки, ҳарбийларимиз ўз вазифаларини яхши англашади. Мана, уларнинг шарафли хизматлари, ўз бурчларини садоқат билан адо этишлари, туну кун ҳушёрликлари сабаб, юртимиз тинч, турмушимиз осуда. Бу бизнинг энг катта бойлигимиз. Бу бойликни кўз қорачиғидек асраётган, авайлаётган Ватан посбонлари билан ҳар қанча фахрлансак, ғурурлансак оз.

Шуни қувонч билан таъкидлаш мумкинки, ўтган йиллар давомида юртимизда ҳарбий хизматнинг нуфузи ошди. Юртбошимиз таъкидлаганларидек, ислоҳотлар самараси ўлароқ ҳарбий хизмат нафақат фахрли бурч, балки шон-шараф ишига айланди. Чунки Қуролли Кучларимизда мустабид тузумдан мерос бўлиб қолган инсонни камситувчи

«тартиб-қоидалар» ўрнида бугун юксак маънавий асосдаги, чинакам Ватан ҳимоячисига эъзоз намунаси бўлган эзгу анъаналар шаклланди. Бугун замонавий қурол-яроғ ва техника билан таъминланган, миллий кадриятларимиз ва аждодларимизнинг жанговар анъаналарига таянган миллий армиямиз бор, унинг сафида эса юксак жисмоний тайёргарлик, интеллектуал салоҳиятга, руҳий-маънавий фазилатларга эга бўлган асл ватанпарвар Ватан ҳимоячилари хизмат қиляпти. Уларнинг шижоатини кўрганда бир зум ўтган йиллар кўз олдимиздан ўтади ва қалбимизда шукроналик ҳисси, ифтихор туйғуси жўш уради. Буларнинг бари озодлик, хурлик шарофатидан. Ҳа, ҳар қандай давлатнинг мустақиллигини биринчи навбатда унинг ўз армияси, Қуролли Кучлари ҳимоя қилиши керак. Бугун ҳарбийларимиз бу муқаддас вазифани шараф билан уддалашмоқда. Улар бизнинг ишонган тоғларимиз, фахримиз.

«Темур тузуклари»да келтирилишича, давлат, салтанат мулк(ҳазина), аскар(куч-қудрат) ва раият(халқ) билан устувордир. Бу нарса давлатнинг мустақкам тамойилларидан саналган. 1993 йили Президентимиз бир гуруҳ ёзувчилар билан учрашувда, мустақил юрт қудратини назарда тутиб, агар бизга четдан халал бермасалар уч-тўрт йилда кучли армиямизга эга бўламиз, деган эди. Орадан қанча сувлар оқиб ўтди, Президентимизнинг гаплари ўз исботини топди. Бугунги кунда Ўзбекистоннинг Қуролли Кучлари замонанинг илғор қўшинлари қаторида туради, Ватанимизни ҳимоя қилишга қодир, ҳар қандай душманга қақшатқич зарба бера олади. Бу ўтган йигирма йил давомида ҳарбий соҳада олиб борилган ислохотлар самарасидир.

Президентимиз ўз нутқларидан бирида келтирилган ушбу сўзлар мустақиллигимизнинг туб моҳиятини очишда қатта хизмат қилади: «Бизнинг олий мақсадимиз – мустақиллик эди. Бунга эришдик. Мустақилликнинг олий мақсади – ўзбек халқининг иззатини жойига қўйиш...».

Ҳа, ўзбек халқининг иззатини жойига қўйиш, унга ҳурмат кўрсатиш, қадрини кўтариш, эъзозлаш, уни дунёларга танитиш буюк Ўзбекистон давлатининг олий мақсади! Яқинда байрамини нишонлашга тайёрланаётган Ўзбекистон Қуролли Кучлари эса унинг метин кўрғони ва мустақкам посбонидир. Байрамингиз қутлуғ бўлсин, озод Ватан посбонлари!

Муҳаммад АЛИ

Ўзбекистон халқ ёзувчиси,
халқаро «Амир Темур» жамғармаси раиси.

БУЮК ТОҶДОР – СЎЗ МУЛКИНИНГ ШАҲАНШОҲИ

Инсоният тарихи абадиятга дахлдор кўплаб буюк шахсларни кўрди. Улар орасида мумтоз шоир ва шоҳ, аллома ва саркарда Захириддин Муҳаммад Бобурнинг алоҳида ўрни бор. Кўҳна тарих зарварақларида у каби мураккаб тақдирли яна бир буюк шахсни топиш мушкул. Бобуршоҳнинг кизи, темурийлар салтанатининг нодир жавоҳири, муаррих Гулбадан бегим у ҳақида «Соҳибқирон ҳазратлари замонидан то Фирдавс макон ҳазратлари замониғача ўтган султонлардан ҳеч қайсиси бу киши сингари нотинч бўлмаган» деб ёзганида юз бора ҳақ эди.

У бир рубоийсида шундай ёзган эди:
 Бу олам аро ажаб аламлар кўрдум,
 Олам элидин турфа ситамлар кўрдум,
 Ҳар ким бу «Вақоеъ»ни ўқур, билгайким:
 Не ранжу, не меҳнату, не ғамлар кўрдум.

12 ёшли ҳукмдор... Ҳаётининг кўп қисми жангу-жадалларда ўтди. Музаффарона юришлар билан ёнма-ён мағлубият аламлари ҳам йўлдош бўлди. Султонни ҳеч нарса тўхтата олмади: на хиёнат, на жароҳат ва беморлик, саргардон юришлардаги чўлу биёбонларнинг жазирамаси, изғирин шамоллар – буларнинг ҳеч бири Бобур иродасини бука олмади. У ҳақиқий йўлбарс эди!

Бобуршоҳ шахси буюк тарихий сиймо сифатида ғарбу шарқ олимларини, зиёлиларини ҳамон ўзига тортиб келади. Инглиз тарихчиси Эдуард Ҳолден шундай эътироф этади: «Бобур феъл-атвориға кўра Цезарга қараганда севишга арзигуликдир. Унинг манглайига юксак фазилатли инсон деб битиб кўйилган».

«Бобурнома»нинг котиби Бобуршоҳнинг улуғ подшоҳларга хос саккиз шахсий фазилатини қайд этиб ўтган: «У кудратли подшоҳнинг яхшиликларини айтган билан ва ёзган билан тугатиш маҳолдир. Лекин қисқаси буки, саккиз асл сифат унинг зотига хос эди: бири буким – иқболи баланд эди; иккинчиси – ҳиммати юксак эди; учинчиси – вилоят олмоқ; тўртинчиси – вилоят сақламоқ; бешинчиси – маъмурлик; олтинчиси – Оллоҳ бандаларига фаровонлик нияти; еттинчиси – лашкар кўнглини кўлга олмоқ; саккизинчиси – адолат қилмоқ».

Улуғ аждодимиз Заҳириддин Муҳаммад Бобурни мумтоз шоир сифатида эъзозлаймиз. У Алишер Навоийдек даҳо билан ёнма-ён турадиган мумтоз сўз санъаткори, шоир ва адибдир. Аммо унга жаҳоний шуҳратни йирик қомусий асар, дунё тамаддунининг ўлмас ёдгорлиги «Бобурнома» келтирган.

Маълумки, XV – XVI асрларда Хуросон ва Мовароуннаҳр, Ҳиндистон ва Афғонистон, Эрон ва Туркияда форс тили ва адабиётининг нуфузи бениҳоя баланд эди. Буни «Бобурнома» котиби ва таржимонининг сўзлари ҳам тасдиқлайди: «Ушбу китобким, «Бобурия»дур, Байрамхонни ўғли Мирзохонга буюрдиларким, туркийдин форсийға келтургилким, туркий билмағон халойиққа осон бўлғай». Асарнинг форс тилига ўгирилиши Ҳиндистондан Туркиягача бўлган жуда улкан ҳудуд халқларига, зиёлиларига етиб борди.

«Бобурнома»ни яна форс тилига ўгирган Рашид Ахтар Надвий Байрамхоннинг ўғли Абдурахим Хони Хононнинг илк форсий таржимаси хусусида тўхталиб ёзади: «Шундан кейин жаҳон аҳли биринчи марта буюк тождор (Бобур)нинг сўз мулкининг ҳам шаҳаншоҳи эканидан хабар топди».

Буюк Бобуршоҳнинг «Вақоеъ» (Воқеалар), кейинчалик «Бобурнома» номида шуҳрат қозонган асари унинг ҳаёти ва фаолиятининг кундаликсимон баёнидир. Асардаги воқеалар баёнида Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ўқтам шахсияти баралла кўзга ташланади. Мазкур асарни ўқиш жараёнида ўсмир Бобурни, шахзода Бобурни, ошиқ Бобурни, саркарда Бобурни, доно

подшоҳ, меҳрибон ота Бобурни, зафарлари-ю мағлубиятлари, фазилати-ю нуқсонларини ёрқин тасаввур этасиз. Ўзининг қисмат саргузаштларига чамбарчас тутшиб кетган «Бобурнома» воқеалари ҳақида юксак камолот соҳиби Бобуршоҳ – муаллиф шундай ёзган эди: «Бўлган воқеаларни рост ёзганман. Чунки бу асарда шу нарса лозим топилганки, ҳар сўзнинг рости битилади ва ҳар иш айнан қандай воқеъ бўлган бўлса, шундай айтилади».

АХДГА ВАФО – АСЛ МАРД ИШИ

Биз улуғ аждодимизнинг гўзал ва мардона шахсини «Бобурнома»да бот-бот кўрамиз. Кўхна Турон йўлбарси Захириддин Муҳаммад Бобур том маънода мард инсондир. Унинг мардлигини душманлари билан муносабатда ҳам кўриш мумкин. Зеро айнан ғанимлар билан муносабатда мардлик янада ёрқинроқ намоён бўлади. Буни «Бобурнома»да ёритилган кўплаб воқеалар ҳам тасдиқлайди. Бу борада Аҳси кўрғонбеги Шайх Боязид билан бўлган воқеа диққатга сазовор. Хонлар Бобур билан биргаликда Андижон ва Аҳсини эгаллаш ниятида ҳарбий юриш қилганларида Шайх Боязид Бобурни чорлайди. Бу ҳақда Бобур тоғаси Султон Маҳмудхон ва кичик хон – Олачахондан бир киши орқали маслаҳат сўрайди: «Унинг (Шайх Боязиднинг) чорлаганини хонларга ишора қилдик. Хонлар дебдиларки: «Борсин. Ҳар нима қилиб бўлса-да Шайх Боязидни тутсин».

Бу макру фириб бизнинг одат ва усулимиз эмас эди. Алалхусуским, орада аҳд бор. Бундай аҳдни бузиш қандай бўлади?!».

Вазият янада оғирлашади. Хонлар Шайбонийхон келишини эшитиб, Тошкент томон қочадилар. Бобур, шартга мувофиқ, Аҳсида. Яна «Бобурнома»га мурожаат қиламиз: «Биз бу ҳолатда тараддудда эдик: турмоққа хийла ишонч йўқ эди. Сабабсиз-несиз Аҳсини ташлаб чиқмоқ ҳам хуш ёқмасди. Бир куни эрталаб Марғинондан Жаҳонгир мирзо келди. Кўришдим. Ушбу замон Шайх Боязид ҳам изтироб билан келди. Эсанкираб қолган. Жаҳонгир мирзо ва Иброҳимбек дедиларки: «Шайх Боязидни тутмоқ керак. Аркни қўлга олмоқ керак». Дарҳақиқат, тўғри ишнинг ҳисоби шу эди. Мен дедимки: «Аҳд қилган. Биз нега аҳдга хилоф қиламиз?!»

Ҳа, аҳдга вафо асл марднинг ишидир. Турон йўлбарси мардлик бобида ҳам беназр эди. Ҳимматининг юксаклиги ҳайратланарлидир. Ҳиротдан Кобулга қадар бўлган йўл машаққатларида унинг мардона шахси сизни асир этади.

Бу машаққатли йўлда Бобуршоҳнинг ўзи олдинга тушиб қор тепиб, лашкарга йўл очади: «Бир ҳафтага яқин қор тепиб, кунда бир шаръий – бир ярим шаръийдан ортиқ кўчилмас эди. Қор тепар киши мен эдим, ўн-ўн беш ичкилар билан ва Қосимбек эди, икки ўғли – Тангриберди ва Қанбар Али билан, яна икки-уч навқари ҳам бор эди. Ушбу зикр этилганлар яёв юриб, қор тепар эдик. Ҳар киши етти-саккиз-ўн қари илгари юриб қор тепар эди. Ҳар кадам қўйганида белигача, кўксигача бота-бота қор тепар эди.

Шу усулда қор тепиб... Ҳаволи Қутий деган ғорга келдик. Ушбу кун даҳшатли бўрон билан қор ёғар эди. Шунчаликки, барчага ўлим ваҳимаси бўлди... Ғор торроқ кўринди. Мен ғорнинг оғзида курак олиб, қор кураб, ўзимга бир тақя миқдори ер ясадим, қорни кўксимгача қаздим. Бироз шамолдан паноҳ бўлди. Ўша ҳолатда ўтирдим. Ҳар неча дедиларки: «Ғорга

боринг». Бормадим. Кўнгилга кечдиким, барча эл қорда ва чопкунда, мен иссиқ уйда ва истироҳат билан; унда барча эл ташвиш билан машаққатда, мен бунда уйқу билан фароғатда. Мурувватдан йироқ ва ҳамжиҳатликдан нари ишдир. Мен ҳам ҳар ташвиш ва машаққат бўлса кўрайин, ҳар нечук эл тоқат қилиб турса – турайин. Бир форсий мақол бор: «Дўстлар билан ўлим – тўйдир» деган...»

ДИЙДОРДАН КЎНГЛИ ГУЛ КАБИ ОЧИЛГАН ПАДАР

Шоҳ Бобур отаси Умаршайх Мирзодан мардлик билан бирга ширинзабонлик, хушхулқлик ва саховатни ҳам мерос қилиб олган эди. Табиатан дилбар шахс бўлганлиги сабаб, аёллар ва болаларга нисбатан ҳаммиша саховат ва мулойимлик билан муомала қилган. Шу ўринда яна бир бор темурийлар салтанатининг нафис гули, муаррих Гулбаданбегим хотираларига мурожаат қилсак, юқоридаги фикримизга ойдинлик киради: «Мен ўзимни унинг пойига ташладим... Ҳазрат кўп ҳолу аҳвол сўрадилар. Ул ҳазрат анчагача мени бағрига босиб, тиззаларида олиб ўтирдилар ва мен ҳақир шу онларда ўзимни шунчалик бахтли ҳис қилдимки, буни тасаввур этиш қийин».

Бобуршоҳ мақтовга хасис бўлган. Аммо фарзанди Ҳумоюннинг ахлоқ-одоби ва камолотига жуда юксак баҳо беради. Ҳумоюн мирзо ота дийдорини устун қўйиб, йирик вилоят ҳукмдорлигини куёвига топшириб, Ограга келади. Бу ҳолатни «Бобурнома»да ўқиймиз: «Муҳаммад Ҳумоюн, бир йил эдики, Бадахшонда дийдорлардан айру тушиб эди. Сўнг бизни соғиниб... бир кунда Кобулга келди... Бир неча кунда пойтахт Ограга етиб, ўша соатда, биз унинг онаси билан номини айтиб сўзлашиб ўтириб эдик, етиб келди.

Кўнгуллар гул каби очилиб, кўзлар чироғдек ёришди... Бир-биримиз билан тўйиб-тўйиб суҳбат қилардик. Чиндан ҳам суҳбатда мислсиз эди ва комил инсон ким, дер эдилар, шу эди».

Азиз ўқувчи, кўҳна тарихнинг салтанат, тожу-тахт учун ота ўғилга, ўғил отага қилич яланғочлаган шафқатсиз сахналари мавжудлигини яхши биласиз. Аммо фарзанди учун ўз жонини қурбонликка атаган яна бир салтанат эгасини тарих кўрганми?!

Муҳаммад Ҳумоюннинг аҳволи оғирлашаётганини кўрган салтанатнинг улуғ кишиси Мир Абулқосим Бобуршоҳга бундай дарднинг дармони учун энг яхши нарсаларни садақа қилмоқ лозимлигини айтади. Бу ҳолатни «Бобурнома»дан ўқиймиз: «Менинг кўнглимга келдики, Муҳаммад Ҳумоюннинг мендан бошқа яхшироқ нарсаси йўқ. Мен ўзим садақа бўлайин, Худо қабул қилсин. Хожа Халифа ва бошқа яқинлар дедиларки: Муҳаммад Ҳумоюн сихат топар, сиз бу сўзни нечун тилингизга келтирасиз? Мақсад: дунё матоидан яхшисини садақа қилмоқдир. Иброҳим билан бўлган урушда кўлга тушган олмосни сиз Муҳаммад Ҳумоюнга ҳадя этган эдингиз. Ўшани садақа қилмоқ керак.

Тилимга келдики, дунё моли унинг эвазига ярармиди?! Мен ўзимни унга фидо қиламан. Чунки унинг аҳволи жуда оғир. Мен ортиқ унинг куйиб-ўртанишларига тоқат қилолмайман.

Ўша ҳолатда унинг хузурига кириб, уч маротаба бошидан айланиб, дедимки: «Ҳар қанча дардинг бўлса мен кўтардим».

Ўша заҳоти мен оғир бўлдим, у енгил бўлди. У сихат бўлиб ўрнидан турди. Мен нохуш бўлиб йиқилдим...».

САРКАРДАНИНГ ЕТТИНЧИ ФАЗИЛАТИ

Улуғ Бобуршоҳнинг саккиз асл сифатидан бири – лашкар кўнглини кўлга олмоқ эди. Ҳа, довюрак саркарда энг қалтис вазиятларда ҳам жангчиларни ишонтира олган, ортидан эргаштира билган. Оградан унчалик узоқ бўлмаган Канва қалъаси маҳаллий ражпутлари билан бўлган жанг бунинг ёрқин исботи бўла олади. Навкарлар улкан муҳораба олдидан рақиб билан юзма-юз ҳолатда мунажжимнинг улар учун нохуш бўлган башоратини эшитдилар. Рақиб ҳам кучли эди. 80 минг отлиқ аскар етти рожа кўмондонлигида, бир неча юз сарбоз етакчилигида қора қуюндек бўлиб турган юзлаб жангчи филлар Бобурнинг қўшини билан юзлашиб турарди. Мунажжимнинг башорати қўшин орасида ваҳимали шов-шувга сабаб бўлди. Шунда Бобуршоҳ амирлар, беклар, султонлар, хонлар, сарой аъёнлари ва оддий фуқаро, катта-кичик ҳаммани бир жойга тўпланишига фармон берди. Ва уларга қарата шундай мурожаат қилди: «Беклар ва йигитлар! Ҳар ким ҳаёт мажлисига кирибтур. Оқибат ажал паймонасидин ичгусидур ва ҳар кишиким, тириклик манзилига келибтур, охир дунё ғамхонасидан кечгусидур. Ёмон от била тирилгандин, яхши от била ўлган яхшироқ. Тенгри таъло бу нав саодатни бизга насиб қилибтур ва мундоқ давлатни бизга қариб айлабтур. Ўлган – шаҳид, ўлдирган – ғозий. Барча Тенгрининг каломи оти ила онт ичмак керакким, ҳеч ким бу китолдин юз ёндирур хаёл қилмағай, то бадандин жони айрилмағунча, бу муҳораба ва муқоталадин айрилмағай». Бу оташин мурожаатдан руҳланган барча «...сўнгги нафасимиз қолгунча сен билан жанг қиламиз», деб онт ичдилар. Бу жангда Заҳириддин Муҳаммад Бобур подшоҳ Ғозий ғалаба қозонди.

БУЮК СУЛОЛА АСОСЧИСИ

Бобур мирзо онаси томонидан ўн икки авлод оша Чингизхон сулоласига, отаси томонидан эса буюк соҳибқирон Амир Темур сулоласига мансубдир. Ҳар икки томондан ҳам унинг аждодлари буюк фотиҳ саркардалар бўлган. У бунёд этган салтанат боболариники сингари бепоён минтақаларга ёйилмаган бўлса-да у ўз салтанатининг буюк султони даражасига кўтарилди. Ҳаётининг асосий қисми жангу жадалларда ўтган бўлса ҳам санъатга, гўзалликка интилиб яшади, бетакрор шоҳ байтлар яратди. Туркий султонларга хос муҳташам саройлар, маҳобатли иншоотлар, гўзал боғлар бунёд эттирди. Маданият ва санъат ҳомийси сифатида ном қозонди. Ҳиндистонни уч юз йилдан зиёд маҳорат билан бошқарган буюк сулолага асос солди.

Улуғ аждодимиз Заҳириддин Муҳаммад Бобур подшоҳ Ғозийнинг қисқагина ҳаёти кўҳна дунё тарихининг олтин саҳифаларидан жой олган мангу битикка айлангандир.

Инобат ИБРОҲИМОВА тайёрлади.

ҚЎШИННИ БОШҚАРИШ – ҲАРБИЙ САНЪАТ НЕГИЗИ

(Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур фаолияти мисолида)

Мамлакатимиз ҳаётининг ҳарбий - ҳуқуқий соҳаларида, хусусан Қуролли Кучларда олиб борилаётган ислоҳотларнинг асосий мақсади – миллий

армияни шакллантириш ва такомиллаштиришга қаратилган. Ислохотларнинг назарий – фалсафий ва умуминсоний жиҳатларини асослашда аждоғларимизнинг ҳарбий меросини ўрганиш, уларни ёш авлод онгига сингдириш муҳим аҳамият касб этади.

Чунончи, XV асрнинг буюк гуманисти Алишер Навоий инсоният бахтсизлигининг асосий сабаби бўлмиш уруш муаммосига алоҳида эътибор қаратади ва урушни биринчи галда халқ учун беҳад ёвузлик, инсон шахси устидан чексиз зўравонлик, жамият ҳаётидаги катта ахлоқий нуқсон ҳисоблаб, хунрезлик урушлари мамлакатнинг батамом хонавайрон бўлишига, ўн минглаб бегуноҳ кишиларнинг ҳалокатига, очлик ва азоб-уқубатларга, маданий иншоотларнинг вайрона-гарчилигига олиб келади, деб қайд қилади. Шундай қилиб, Навоий ёзувлик ва фалокат, инсон ақл-заковатига қарши ижтимоий ҳодиса сифатидаги хунрезлик урушларини қаттиқ қоралайди.

Мутафаккир урушларни «зарарли» ва «оқилона»га бўлишини таъкидлайди. Навоийнинг: «агар халқ манфаатларини, унинг ор-номуси ва кадр-қимматини тажовузкорлардан ва золим подшоҳлар зўравонлигидан муҳофаза этиш зарурати туғилса, бундай уруш инсоният ақл-заковатига батамом мувофиқ урушдир, акс ҳолда душман юртни хонавайрон этган ва халқни талаган бўлур эди», деган ғоялари ниҳоятда ибратлидир.

Шарқнинг буюк алломаси ёмонликка қарши курашда қўл қовуштириб ўтириш ярамадлигини, балки жуда қатъий чоралар кўриш, мавжуд кучларни ишга солиб, душман устидан тўла ғалаба қилгунча курашиш лозимлигини яхши тушунган. Бинобарин, у золим подшоҳларнинг адолатсиз урушига мамлакат, халқ манфаатларини, яъни унинг озодлиги ва мустақиллигини, ор-номуси ва иззат-нафсини ҳимоя қилувчи адолатли урушни қарама-қарши кўяди. Хунрезлик ва қон-қардошлик урушлари бетўхтов давом этган, гоҳ бу ерда ота билан ўғиллар, туғишган ака-укалар ўртасида ҳокимият учун кураш олиб борилган ўрта аср давридаёқ Навоийнинг бу фикрлари жуда катта аҳамиятга молик эди.

Шу билан бирга, аллома жоҳил подшоҳи мамлакатлар аскарларининг талончилиги ва жаҳолатини қоралайди. «Улар ёт мамлакатларни талайдилар ва ҳамма нарсани янчадилар, - деган эди шундай аскарлар ҳақида А. Навоий, – уларнинг дастидан ҳамма нарса ҳалок бўлади. Инсонийлик уларга ёт, адолат уларга ҳеч қачон хос эмас. Табиатан улар тасаввурга эга эмас. Ақл ва мулоҳаза уларга табиат томонидан берилмаган. Улар ҳеч ўйламасдан ихтиёрий мамлакатга юриш қиладилар, уларни жаҳолат уйқусидан ҳеч ким уйғота олмайди. Улар иссиқ, совуқни сезмайдилар. Жоҳилликда улар барча мавжудотдан ёмонроқ, ёвузликда эса барча ҳайвонлардан кучлидирлар».

Ўз даврининг етук саркардаси Заҳириддин Муҳаммад Бобур мамлакат бир бутунлиги ва мустақиллигини сақлаш, уни ташқи душмандан ҳимоя қилиш, мамлакат ҳарбий салоҳиятини кучайтиришни миллий давлатчилик фаолиятининг энг муҳим мақсадларидан бири, деб билган. Унинг эътирофича, мамлакат бирлиги ва мустақиллиги учун энг катта хавф-бу ташқи душмандан кўра мамлакат ичидаги ўзаро низолар. Ота-бола, ака-

укалар ва айирмачи кучлар ўртасидаги тожу тахтни эгаллаш учун бўлган урушлар ҳисобланади.

Бобурнинг фикрига кўра, Хуросонда Ҳусайн Бойқаро давлатининг парчаланиб, оқибатда Шайбонийхон томонидан босиб олинишининг асосий сабаби ҳам ана шундадир: «Охир оталиқ, ўғуллик орасида бу гуфтугўйлар анга мунжар бўлдиким, отаси отасининг устига ва ўғли ўғлининг устига Балх ва Астрободга черик (қўшин) торттилар... Бу ғариб воқеоттиндурким, ўшул чаҳоршанба куниким, Султон Ҳусайн Мирзо Бадиуззамон Мирзони босар. Ўшул куни Астрободга Музаффар Мирзо Муҳаммад Мўъмин Мирзони босар. Яна бу ажаброқким, чаҳоршанба отлик киши Муҳаммад Мўъмин Мирзони тушуруб келтурур». Мамлакат мустақиллигини ҳимоя қилишда подшоҳ ўта мулоҳазали, маслаҳат билан иш юритиши, шошма-шошарлик билан иш тутмаслиги керак, деган эди саркарда.

Шу билан бирга, давлат арбобининг шаҳар ёки мамлакатни ҳимоя қилиш учун зарур бўлган воситалар ҳақидаги мулоҳазалари ҳам диққатга сазовордир. У ўз фикрини тимсолий ифодалаб, мамлакат ҳимояси учун бош, икки қўл, оёқ керак, дейди. Бошни – бош қўмондонга, яъни подшоҳга, икки қўлни–ён-атрофдан ёки иттифоқчилардан келадиган ёрдамга, икки оёқни эса мамлакатнинг мудофааси ва захирасига ўхшатади: «Бурунғилар дебдурларким, кўрғон беркитмакликка бош керак, икки қўл керак, икки бут керак, бош сардор бўлғай. Икки қўл икки тарафдин келур кўмак ва мадад бўлғай, икки бут кўрғоннинг суйи била захираси бўлғай».

Бобурнинг давлатчилик фаолиятидаги муҳим ишларидан яна бири – мамлакат ҳарбий салоҳиятини мустаҳкамлашда янги ҳарбий қурооллар ишлаб чиқаришга катта эътибор берганлигидир. Масалан, «Бобурнома»да устоз Алиқул исмли қуроол устасига тош отар қуроол (тўп) ясаш учун имкониятлар яратиб бергани, унинг устахонасини бориб кўргани, бу қуроолни синаш пайтида иштирок этгани, Рано Санго билан бўлган жангда бу қуроол душманга анча талафот етказгани ҳақида қайд қилинади. Бобурнинг саркада сифатидаги муваффақиятлари калити – бу черикни, яъни қўшиннинг кўнглини олмоқлигида бўлган. Аскар кўнглини олишнинг бош мезони кишининг қаерданлиги, миллати ва насабига қараб эмас, балки шоҳига садоқат, мардлиги, фидойилиги, вафодорлиги, давлат ҳимоясига қўшган ҳиссаси билан белгиланган.

Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг улуғ инсонга хос фазилатларидан бири-мардликни улуғлаганидир. Мардликнинг олий даражада намоён бўлиши деб, Ватан учун душманга қарши жанг қилиш, зарур бўлса жонини ҳам қурбон қилишдир. Бобур бу ўринда, ёмон от билан тирилгандин яхши от билан ўлган яхшироқдир, дейди. У зўравонлик, ўғрилиқ, қароқчилик, таъмагирликни қаттиқ қоралайди ва бундайларга нисбатан бировнинг бир кўза ёғини тортиб олгани учун уни жазолагани диққатга сазоводир.

Хулоса қилиб айтганда, аждодларимизнинг мамлакат яхлитлиги ва хавфсизлиги кафолати ҳисобланган қўшинни бошқариш ва уни таъминлаш, лашкарбоши ва аскарларнинг фазилатлари тўғрисидаги бетакрор фикр-мулоҳозалари бугунги кунда ҳам давлатимиз мудофаа салоҳиятини

мустаҳкамлаш, жанговарликни ошириш ҳамда ҳарбий хизматчиларда юксак маънавий-ахлоқий хислатларни тарбиялашда зарурий манба бўлиб хизмат қилади.

Карим НОРМАТОВ,
тарих фанлари доктори, профессор.
подполковник Бобир НЕЪМАТОВ,
фалсафа фанлари номзоди.

ШАРҚ АЛЛОМАЛАРИ - ҲАРБИЙЛАРНИНГ ФАЗИЛАТЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Инсоният тарихининг барча даврларида давлат кўшинлари унинг таянчи, халқнинг тинчлиги ва осойишталиги гарови бўлиб келган.

Кўшинларнинг ҳолати, таъминоти, ҳарбийларни бурчни бажаришда масъулият, мардлик ва садоқат руҳида ҳамда маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш масалалари мамлакатлар тараққиётида муҳим аҳамият касб этган.

Бу борада Шарқ алломаларининг кўшин, хусусан лашкарбоши ва аскарларда юксак маънавий ва ахлоқий фазилатларни шакллантириш борасидаги фикрлари диққатга сазовордир.

Ўрта аср Шарқининг буюк мутафаккири Абу Наср Форобий лашкарбоши ва унинг фазилатлари хусусида илғор фикрларни илгари суради. Унинг фикрича, лашкарбоши фойдали ва гўзал ҳисобланган фикрий қобиляти билан бирга, барча аскарлар учун умумий ахлоқий сифатларга ҳам эга бўлиши керак. Агар у мазкур ҳаракатларни охирига етказишни хоҳласа, аскарларга хос бўлган сифатлардан фойдаланади. Унинг жасурлиги ҳарбийларнинг алоҳида хатти-ҳаракатларида намоён бўладиган жасурликка мос бўлиши керак. Фаробийнинг таъкидлашича, кўшинга хос бўлган фазилатларга донолик, мулоҳазакорлик, ишонтира олишлик, жисмонан бақувватлилик, руҳан тетиклик, маънавий етуклик, ватанпарварлик, жасурлик каби юксак инсоний фазилатлар киради. Чунки буларсиз кўшин мукамал ва ғолиб бўла олмайди. Алломанинг бу фикрлари кейинги давр мутафаккирлари томонидан ривожлантирилди.

XIV-XV аср Шарқ алломалари эса ҳукмдорларнинг ҳарбий фаолияти, кўшинлар тарбияси, аскарлар кучи ва қудратига катта аҳамият берганлар, уларнинг жасурлиги ва шижоатини улуғлаганлар. Уларнинг фикрича, ҳукмдорлар кўшинларсиз, уларнинг кўмаги ва қўллаб-қувватлашисиз мавжуд бўлолмайди. Бунга жавобан ҳукмдор ва давлат доимо ўз кўшинларини қўллаб-қувватлаши, уларга моддий ёрдам бериши, имкон қадар солиқлардан озод қилиши, маошини камайтирмаслиги керак. «Аскарлар маош олмасалар, улар хизматдан бош тортадилар, ёрдамга келмайдилар. Шу тариқа подшолик кўлдан кетади», - деган эди Кошифий.

Шунингдек, мутафаккирларнинг ҳисоблашича, душманга қарши урушда ҳукмдор ва қўшинлар адолат қоидаларига риоя қилишлари керак. Агар ҳукмдор ва қўшинлар адолат қоидаларига риоя қилсалар, улар душман устидан муқаррар ғалаба қозонадилар, бунинг учун ҳукмдор қобилиятли, узокни кўрувчи, маълум маънода жосуслик санъатига эга бўлиши керак.

Хусусан, Давоний аскарларда 3 фазилат мужассам бўлмоғи лозимлигини, яъни уларнинг жасур, зукко ва жанг қилишда моҳир бўлиши кераклигини алоҳида таъкидлайди. Жангда ўзини кўрсатган аскарларни муносиб баҳолаш ва рағбатлантириш муҳим аҳамиятга эга. Подшоҳ ҳатто, душман устидан ғалаба қозонганидан сўнг ҳам ҳушёрлигини йўқотиши ярамайди. У мамлакатнинг ҳарбий қудратини душмандан махфий сақлаши лозим. Давонийнинг фикрича, аскарлар энг шижоатли кишилардир, чунки улар давлат чегараси ва қалъаларини қўриқлайдилар. Шунинг учун улар давлатнинг энг ҳурматли кишилари ҳисобланадилар. Давлат бошлиғи уларга доим моддий ёрдам кўрсатиб, ҳар бир аскарни эъзозлаши лозим.

Қўшин учун зарур бўлган фазилатлар тўғрисида буюк давлат арбоби ва саркарда Захириддин Бобур ҳам илғор фикрларни билдирган. Чунончи, унинг саркарда сифатидаги муваффақиятлари калити – бу черикни, яъни қўшиннинг кўнглини олмоқлигида бўлган. Бобур аскар кўнглини олмоқнинг бош мезони қилиб кишининг қаерданлиги, миллати ва насабини эмас, балки шоҳига садоқат, мардлиги, фидойилиги, вафодорлиги, давлат ҳимоясига қўшган ҳиссасини белгиланган.

Бобурнинг қўшин кўнглини олиши уни фақат моддий жиҳатдан таъминлашдангина иборат бўлиб қолмасдан, балки маънавий жиҳатдан қўшинни қўллаб-қувватлаш, унинг ўзига хайрихоҳлигига эришишига ҳам муяссар бўларди. Шунингдек, у инсонга хос буюк фазилатлардан бири мардлиқни улуғлайди. Алломанинг фикрича, мардлиқнинг олий даражада намоён бўлиши деб, Ватан учун душман билан жанг қилиш, зарур бўлса, жонини ҳам қурбон қила олишдир.

Маърифатпарвар Аҳмад Дониш давлат фаолиятида қўшиннинг нақадар катта роль ўйнашини алоҳида эътироф этади. Айниқса, унинг аскар бошлиғи, уларнинг фазилатлари ва қўл остидагиларга муносабати тўғрисидаги ғоялари қимматлидир. Аллома аскар бошлиғи қуйидаги сифатларга эга бўлиши кераклигини таъкидлайди. Бу сифатларга шижоатлилиқ, фаҳм-фаросатлилиқ, тажрибалиқ, жасурлиқ, зийраклиқ, донишмандлилиқ, довжурлик кабилар қиради. Донишнинг эътироф этишича, шундай сифатларга эга бўлган киши аскар бошлиғи бўлар экан, шундагина аскарни сақлаб, зиён ва захматга қолдирмай, душманни енгиб шон ва шарафга эришади.

Хулоса қилиб айтганда, Шарқ мутафаккирлари асосий эътиборларини бир томондан, қўшинлар куч-қудратини ошириш, уларнинг ҳарбий маҳоратини юксалтириш, мамлакат яхлитлиги ва хавфсизлигини сақлашга, иккинчи томондан, қўшинда маънавий-ахлоқий ва ғоявий фазилатларни тарбиялашга қаратдилар. Алломаларимизнинг бу фикр-мулоҳазалари бугунги кунда мамлакатимиз ҳарбий салоҳиятини мустаҳкамлаш, ҳарбий

хизматчиларнинг жанговар шайлигини ошириш ва уларда юксак инсоний фазилатларни тарбиялашда муҳим манба бўлиши шубҳасиз.

**Ислом ИНОЯТОВ,
Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти
гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар кафедраси ўқитувчиси,
тарих фанлари номзоди**

ТАСВИРИЙ САНЪАТДА ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ МАВЗУСИ ТАЛҚИНИ

Ўзбекистон замонавий тасвирий санъатида кўпгина рассомлар ҳарбий ватанпарварлик мавзуларида самарали ижод қилиб келди. Зеро, ҳарбий ватанпарварлик ўлмас мавзулардан бири саналади. Шу боисдан ҳам ижодкорлар буюк саркардалар, тенгсиз баҳодирлар – ватанимизнинг жасур ҳимоячилари образларини ўз истеъдоди ва маҳоратидан келиб чиқиб, ўзига хос йўналишда тасвирлашга интиладилар. Ана шундай рассомлардан бири таниқли ижодкор Тўра Қурёзовдир. Маълумки, тарихий жанрда асар яратиш кўпгина рассомлар учун қийинчилик туғдиради. Чунки улар халқ анъаналари, урф-одатлари, расм-русумлари, орзу-интилишларини мукаммал билиши ҳамда ўша давр архитектураси, қурол-аслаҳалари, кийим-кечаклари, хуллас тарихий жараённи пухта ўрганишлари керак бўлади. Тўра Қурёзов ҳам тарихий мавзуга қўл уришдан олдин ўзи қаламга олмоқчи бўлган давр, одамлар ҳақида кўпроқ билишга ҳаракат қилди. Кўплаб тарихий китобларга ва ривоятларга мурожаат қилди. Бунда у энг майда деталларгача назардан қочирмасликка интилди. Ижодкорнинг диққатга сазовор ҳарбий ватанпарварлик мавзусидаги асарларидан бири бу юртимизга бостириб кирган Чингизхон қўшинларига қарши аёвсиз жангларда кўп мартаба қаҳрамонлик намуналарини кўрсатган хоразмлик матонатли қўмондон Жалолоддин Мангуберди портретидир. Ушбу асар ҳам тарихий китобларда берилган маълумотлар асосида ишланган бўлиб, унда чуқур мулоҳазали, қатъиятли саркарда сиймоси тасвирланган. Жалолоддиннинг қоядек мустаҳкам, мағрур ва айни чоғда жасоратли инсон эканлиги чеҳрасидан, қатъиятли қарашларидан сезилиб турибди. Унда қаҳрамон гўё у ўз юртини ёвлардан ҳимоя қилиш учун тайёр турган ҳолатда, важоҳатидан нафрати ортган, сергак саркарда кўринишида, пишиқ композицион ечимда акс эттирилган. Эътиборли жиҳати, рассом қаҳрамоннинг ички ҳиссиётларини унинг узоқларга тикилиб турган кўзларида акс эттиришга ҳаракат қилган ва шу орқали қаҳрамоннинг ўзи туғилиб ўсган она Ватан ва унинг бағрида яшаётган юртдошларининг тақдири учун қайғураётгани, изтироб ва ички туғёнларини аниқ ифодалашга муваффақ бўлган. Бу эса асар муваффақиятини белгилаган энг муҳим омиллардан саналади. Айтиш керакки, мазкур асар рассомнинг кўп йиллик тажрибаси билан бирга юксак маҳорати натижасида яратилган ноёб ишлар сирасига киради. Қувонарлиси, ушбу асар Президентимиз томонидан ҳақиқий Жалолоддин Мангуберди тимсоли сифатида тан олинди.

Машхур саркарда Жалолиддин Мангуберди образининг ўзига хос талқини таниқли рассом Эркабой Машарипов ижодида ҳам кузатиш мумкин. Рассом ўзининг асарида Жалолиддин Мангубердини бевосита жанг майдонида икки қўлида икки қилични баравар ишлатган ҳолда Чингизхон жангчилари тўдаси ичидан от устида шиддат билан елиб ўтаётган ҳолатида акс эттирган. Бунда эса жанговар ҳаракатларига алоҳида эътибор берган. Бу ҳам ўзига хос услуб. Асарда қизгин олишув, ҳаёт-мамонт, кескин динамика маҳорат ила ифодаланган.

Ҳарбий ватанпарварлик мавзусида ижод қилган Ўзбекистон халқ рассоми М.Набиев ҳам истеъдодли ва маҳоратли рассом сифатида танилган ижодкорлар сирасига киради. Унинг барчага маълум ва машхур «Амир Темур» асари ҳақиқий соҳибқирон тимсоли сифатида тан олингани диққатга сазовор. Мазкур портретда у соҳибқироннинг буюк саркарда, оқил ҳукмдор ва донишманд инсон каби сифатларини тасвирлашга ҳаракат қилган ва бунга эришган ҳам. Портретда салтанат тақдири, эл-юрт ташвишлари, ўзга юртлар билан ўзаро тинч-тотув яшашни, мамлакат сарҳадларини ташқи душманлардан ҳимоя қилишни ўйлаётган ҳукмдорнинг тахтда узоқ-узоқларга нигоҳ ташлаб ўтирган бадиий образи талқин этилган. Асарда қўлланилган ранглар тантанавор, шоҳлару ҳукмдорларга хос кескин, тўқ-кўк, қизил, тилла рангли ўйноқли колоритда уйғунлаштирилган. Бу услуб эса асарга саркарда ўй-фикрларини, ички руҳий оламини очишга хизмат қиладиган ўзига хос руҳ бағишлаган.

Бугунги кунда ҳам рассомларимиз орасида ҳарбий ватанпарварлик йўналишида самарали ижод қиладиган ижодкорлар жудаям кўп. Жанг лавҳалари, ҳарбий саркарда ва аскарларнинг қақшатқич жангоҳларда найза, қилич, болта ва камон каби қуроллар билан ўлимга тик бориб, Ватани, юрти тинчлиги ва осойишталигини ҳимоя қиладиган тасвирлари тарихчи рассом Алишер Алиқулов ижодида ҳам алоҳида бир туркумни ташкил этади. Бу асарларни томоша қилар экансиз, улардаги бадиий ифодавийлик, яъни анъанавий сюжетларга янгича ёндашилганлик асар моҳиятини очиб беришда муҳим аҳамият касб этган. Бу эса ижодкорнинг изланиши, меҳнати ва маҳорати мевасидир.

Маҳобатли рангтасвир йўналишида ижод қилувчи рассом Р.Худойбергановнинг «Спитамен» асарида ҳам янгича ёндошув кўзга ташланса, марҳум ижодкор О.Муиновнинг «Амир Темур» ва «Тўмарис» портретида рассомнинг ички фантазияси ўз ифодасини топган. Шундай гап бор, ҳар қандай вазиятда ҳам мусаввир фақатгина ўз қалби ва шуурида акс этган шуъла ҳароратидан мухлисларини баҳраманд этмоғи керак. Масалан, ҳарбий ватанпарварлик мавзусини олайлик. Бу мавзунини ҳар бир рассом ўз дунёқараши ва ҳиссиётидан келиб чиқиб турлича талқин қилади, турлича тасвирлайди, ўз хоҳиш-истагидан келиб чиқиб, турлича ранг танглайди. Бу борада рассом О. Муиновнинг асарлари айниқса, диққатга сазовор. Шу боисдан ҳам ижодкор асарларининг аксарияти ҳозирда Ўзбекистон музейлари ва галереяларида доимий намоиш қилиб келинади.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ҳарбий ватанпарварлик мавзусида ҳайкалтарошлар ҳам баракали ижод қилиб келмоқда. Улар томонидан яратилган бир қанча ҳарбий қўмондонлар ва тарихий саркардалар образлари бугунги кунда мамлакатимизнинг турли шаҳарлари марказий майдонларини безатиб турибди. Жумладан, таниқли ҳайкалтарош Илҳом Жабборовнинг саркарда ва шоҳ Амир Темурга бағишлаб ишлаган ҳайкаллари Тошкентда, Шаҳрисабзда, Жалолиддин Мангубердига бағишлаб ишлаган ҳайкали Хоразмда, Равшан Миртожиев томонидан Бобурнинг отда кетаётган маҳобатли ҳайкали Андижонда ва «Ватанга қасамёд» ҳайкали Тошкентда ўрнатилган.

Мустақиллик йилларида миллий қадриятларимиз қаторида дунё халқлари эпик ижодиётининг бебаҳо хазинасига айланган «Алпомиш» достонига эътибор ҳар қачонгидан ҳам кучайди. 1998 йилда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига кўра «Алпомиш» достони яратилганлигининг 1000 йиллиги Халқаро ташкилот – ЮНЕСКО доирасида кенг нишонланди. Бу эса барча ижодкорлар қатори ҳайкалтарошлар учун ҳам халқимизнинг афсонавий қаҳрамони, Ватан ҳимояси учун катта фидойилик кўрсатган, жасоратлари тилларда дoston бўлиб қуйланган «Алпомиш» образининг ўзига хос талқинини яратишга илҳом бағишлади ва улар бу борада улкан ишларни амалга оширдилар. Натижада қисқа давр ичида тасвирий ва амалий санъатда халқимизнинг афсонавий қаҳрамони – Алпомиш образининг ҳар хил талқиндаги бир-бирига ўхшамайдиган янгича қиёфалари яратилди. Бунда айниқса, маҳобатли ҳайкалтарошликда олиб борилган ижодий изланишлар бесамар кетмади. 1999 йилда қадимий Термиз шаҳрида эпик қаҳрамонга бағишлаб ишланган рамзий мажмуа ўрнатилди. Мазкур иш А.Раҳматуллаев, Қ.Норхўрозов, У.Мардиев, П.Подосинников каби ҳайкалтарошлар жамоаси ҳамкорлигида яратилди. Маҳобатли мажмуанинг икки ёнидаги бўртма тасвирларда Бойсун элининг афсонавий манзараси асосида Алпомишнинг ёри – Барчин ва ўғли Ёдгор сиймолари ишланган. Алпомишнинг маҳобатли образи маҳаллий анъаналарга кўра очиб берилган. Бунинг учун муаллифлар турли бадиий воситаларни ишга солишган. Қаҳрамоннинг чап кўлида афсонавий етти ботмонли камон, ўнг кўлида эса қанотларини ёйиб учишга шай ҳолатда турган қуш тимсоли ифодаланган. Агар камон озодлик ва эрк тимсоли бўлса, қуш хабар келтирувчи, мактуб элтувчи – яхшилик элчисига қиёсланади.

Бир сўз билан айтганда, мустақиллик йилларида халқимизнинг афсонавий қаҳрамонлари сиймоларини яратиш борасида ўзига хос мактаб яратилди. Бу ҳақда санъатшунос Ғайратбай Мамбетқадиров шундай дейди: – Афсонавий баҳодир «Едиге» ҳайкали миллий эпик меросга киритилди. Негаки мазкур образ ҳам Ватан ҳимояси учун ўлимга тик боққан ўғлонларимизнинг ёрқин намунасидир. Едиге (1340-1420) тарихий шахс бўлиб, унинг Ватан озодлиги йўлидаги жасорати кейинчалик афсонага айланган. У ҳақда қорақалпоқ қаҳрамонлик эпоси «Едиге» яратилган. Ҳайкал 2003 йилда Нукус тумани маркази Оқмачитга қираверишда ўрнатилди. Ушбу ёдгорлик (бронза қопламали бетон) Дарменбай Пирназаров эскизи асосида

барпо этилган бўлиб, у трапецияли тагликка ўрнатилган ва оқ мрамар тахтачалар билан қопланган. Ёдгорлик атрофида манзара билан уйғунлик ҳосил қилган. Ҳайкал композицияси мустаҳкам пирамидага хос бўлиб, у баҳодирнинг маънавий ва жисмоний қудрати, ўзи ишлаган ғояга садоқатини ифодалайди. Ҳайкалда баҳодирнинг орзу-истаги, мақсади ҳам гавдалантирилганидан у худди жонлидек кўринади. Баҳодир қиличини қиндан чиқариб, душман билан жанг қилишга чоғлангандай туюлади. Унинг боши, юз қиёфаси ҳам шу ҳаракатига мос ишланган. Кўз қарашларида эса ички кечинмалари гавдалантирилган. Қаҳрамоннинг кийим-либосида ҳам ўрта асрларга хос тарихийлик ифодаланган. У совут, дубулға, қўнжи узун этик кийиб, белига қилич таққан. Ушбу деталлар образга умумлашма рамзийлик бағишлаган. Муаллиф афсонавий Едиге образида она юрт ҳимоячиларининг мардонавор жасоратини умумлаштиришга интилган.

Ватан ҳимояси учун камарбаста бўлган афсонавий қаҳрамонлар, баҳодирлар мавзусида ҳайкалтарош Азамат Ҳатамов ҳам самарали ижод қилган. У ўзининг ана шу мавзуда ишланган «Алпомиш Бойчиборда» асарида графика ва рангтасвир усулларида фойдаланган ҳолда Алпомишни энг суякли оти Бойчибор жоловини ушлаганча жанг майдонига ҳозирланаётган ҳолатда енгилмас жангчи сифатида тасвирлаган. Бу асар ҳам мутахассисларнинг юксак эътирофига сазовор бўлди.

Биз юқорида Алпомиш образининг ижодкорлар томонидан ҳар хил талқин қилингани ҳақида гапириб ўтдик. Жумладан, академик Собир Раҳметов томонидан ўзига хос тарзда ишланган «Алпомиш» портретида алп ўғлон от устидаги енгилмас жангчи либосида намоён бўлади. – Қаҳрамоннинг кўлида камони билан жангга отланаётган ҳолати композицияда биров бўрттириб, маҳобатли шаклда жойлаштирилган, – дейди санъатшунос Ш.Мухторова асарга таъриф берар экан. – Кўллари билан нималаргадир ишора қилмоқда. Ерга қадалган нигоҳлари гўё сезгир ва ўткир. Бир кўлида кўтариб олган баҳайбат афсонавий камони унинг тенгсиз баҳодир эканлигини англашиб турибди, елкасига осиб олган камон ўқлари эса унинг жангу-жадалларда қатнашиб катта тажриба тўплаганлигига ишора қилади. Образнинг барча деталлари ишончли чиққан. Томошабинларга қараб турган оппоқ оти зотдор тулпорлар сирасидан бўлгани боис кишнаб турганга ўхшайди.

Асардаги колорит гаммаси ҳам биров оғирроқ, кўпроқ совуқ рангларда тўқ жигарранг, қорамтир, кулранглардан фойдаланган. Орқа фондаги осмон ҳам булутдан бўғиқ. Бу билан рассом осмоннинг кўриниши орқали Алпомишнинг характерини очиб беришга, ўша муҳитнинг ҳавосини беришга уринганлигининг гувоҳи бўламиз. Ушбу асарнинг ишланиши жиҳатдан италян рассоми Караваджо услубига яқинлигини кўрамай. Образни ҳолатга нисбатан маҳобатли қилиб, қоидалардан чиқиб тасвирланиши ҳам шундан далолат беради.

Демакки, мардлик, матонат, ҳарбий ватанпарварлик мавзуси ижодкорлар учун битмас-тугамас ижод, илҳом манбаидир. Бугунги кунда ҳам ушбу мавзу ижод аҳли учун етакчи мавзулардан саналади. Кейинги йилларда

рассомларимиз мустақиллик даврида ташкил этилган миллий армиямиз сафларида хизмат қилаётган Ватан ҳимоячилари – офицерлар, сержантлар ва аскарларнинг бугунги қиёфасини яратмоқдалар. Камолиддин Бехзод номидага Миллий рассомлик ва дизайн институтининг тасвирий санъат факультетида кўп йиллардан бери педагогик фаолиятини олиб бораётган доцент Муртоза Эргашевни бу борада фаоллардан дейиш мумкин. Муртоза Эргашев ҳарбий ватанпарварлик мавзусида асар яратиш мақсадида республикамизнинг турли ҳудудларидаги ҳарбий қисмларга бориб, у ерда ўз бурчини шараф билан билан ўтаётган энг илғор аскар ва сержантларнинг образини яратишга эришди. Рассом шундай мазмундаги рангтасвир асарларидан бирида ҳарбий дала машқларини ўтаётган жангчини ифодалайди. Асар фонида кўм-кўк, беғубор осмонни оппоқ булутлар у ер, бу ерда сузиб юрган ажиб бир манзарали кўринишни тасвирлайди. Асар композицияси марказида қуролини бўлажак ҳарбий амалиёт олдида қисмларга ажратиб тозалаб ўтирган оддий аскарни акс эттиради. Асардаги манзара – кўм-кўк осмон, ҳар жойда сузиб юрган оппоқ булутлар, ерда ям-яшил бўлиб турган ўт-ўланларнинг ҳамма-ҳаммаси мустақил Ватанимизнинг тоғли манзарали фонида илиқ-иссиқ, ёрқин ранглар билан уйғунлаштирилгани томошабинни ҳам беихтиёр ўзига тортади. Мазкур асарни рассом «Огоҳлик» деб номлаган.

Муртазо Эргашев яна бир асарида сержант Абдурахим Собировнинг портретини акс эттирган. Яъни асарда жанговар ҳарбий либосида қўлида қуролини ушлаб сергак турган Ватан ҳимоячисининг типик вакили тасвирланган. Асар фонида очик ҳаволи серкуёш юртимизнинг ажиб табиат манзараси ифодаланган. Портретда қўлланилган иссиқ, тиниқ ва мовий осмоннинг беғубор фонида ёзнинг ёқимли оч сарғимтир ер ранглари уйғунлаштирилгани асарга ўзгача шукуҳ бағишлаган.

Замонавий тасвирий санъатнинг рангтасвир йўлида ижод қиладиган рассомлардан бири академик рассом Собир Раҳметов томонидан яратилган ҳарбий сержантнинг портретида ҳам она юрт сарҳадларини мардонавор ҳимоя қилаётган сержант образини бадиий композицион ечимда муваффақият билан тасвирланган ва уни тиниқ ранглар ҳамоҳангида ифодалашга эришган. Асардаги рангларнинг соя ва ёруғ нисбатлари меъёрий кўйилмалари билан ишонарли тарзда берилгани асарнинг жонли чиқишига замин яратган.

Ана шундай ҳарбий ватанпарварлик мавзуси илгари сурилган асарлардан ташкил топган кўргазма 2009 йил Ўзбекистон Бадиий Академиясининг фотосуратлар уйида намойишга қўйилган эди. Ҳозирги вақтда ҳам ижодкорлар томонидан шу каби кўргазмалар ва ҳарбийлар ва рассомларнинг учрашувлари анъанага айланиб қолган ва ҳар йили Ватан ҳимоячилари кун ирафасида ўтказилади. Жумладан, яқинда ҳам Ўзбекистон Бадиий академиясининг марказий кўргазмалар залида бир гуруҳ аскарлар ва сержантлар иштирокида Ўзбекистон республикаси Қуроли Кучлари ташкил этилганлигининг йигирма йиллигига бағишланган учрашув ўтказилди. Учрашув давомида рассомлар – Муҳаммадиёр Тошмуродов, Журат

Раҳмонов, Зайниддин Фаҳриддинов, Муртоза Эргашев, Марат Содиковлар ўзларининг шу куннинг илғор аскарлари акс этирилган рангтасвир асарларини йиғилганларга ҳада этди. Ҳарбий ватанпарварликни, мардлик ва жасоратни тараннум этувчи бу асарлар шубҳасиз, Ватан ҳимоячилари учун ўзига хос совға бўлди, десак муболаға бўлмайди.

Иброҳим АБДУРАҲМОНОВ, санъатшунослик фанлари номзоди, доцент, Тўлқин АҲМЕДОВ, Камолиддин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти катта ўқитувчиси.

ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИНИ ТАРБИЯЛАШДА МУЗЕЙ ЭКСПОЗИЦИЯЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ «Қатағон қурбонлари хотираси» музейи мисолида

Тарих – миллатнинг ҳақиқий тарбиячиси. Шу маънода бугун буюк аждодларимизнинг хайрли ишлари ва жасоратлари бизнинг тарихий хотирамизни жонлантириб, янги фуқаролик онгини шакллантиришда ахлоқий тарбия ва ибрат манбаи бўлиб хизмат қилмоқда, десак янглишмаймиз.

Маълумки, ҳар бир миллат, халқ ва давлат ўз тарихига эга. Тарихни билиш замирида эса буюк фалсафа жамланган. Халқнинг келажаги порлоқ бўлишида, шунингдек, давлат истиқболи йўлида кучли сиёсат юргизишда ўтмишдаги ижтимоий-сиёсий, маданий, иқтисодий жараёнларни чуқур ўрганиш ва англаш катта аҳамият касб этади.

Тарихий хотира – миллий ғурур ва ифтихор ҳиссининг заминларидан бири. У халқнинг, жонажон ўлканинг, давлатимиз ҳудудининг холис ва ҳаққоний тарихини тиклаш, миллий ўзликни англаш, таъбир жоиз бўлса, миллий ифтихорни ўстириш жараёнида ғоят муҳим ўрин тутади.

Миллат ва элатлар аста-секин, тарихан ва тадрижан ташкил топадилар. Бу жараён вазиятга қараб, бир неча ўн йилдан бошлаб, бир неча асргача чўзилиши мумкин. Ана шундай узоқ давр уларга ўзларини англаш, тилини, маданиятини, урф-одатларини, маънавият-маърифат, анъаналар ва расм-русумларни бутун бир ўзаро боғланган тизим ҳолига келтириш учун керак. Демак, миллатнинг шаклланиши – айна вақтда миллат томонидан ўз ўтмишини, тарихини, аждодларининг меҳнати, қаҳрамонлиги, миллий маънавият ва маданиятининг барча йўналишларининг хилма-хиллигини ўрганишдир. Зеро, инсон борки, ота-бобоси, туғилган заминининг тарихини билишга қизиқади.

Маълумки, Ўзбекистон ўзининг табиий бойликлари билан бирга кўҳна тарихи, осори-атиқалари, маданий мероси, урф-одатлари билан ҳам бой ўлкадир. Юқорида айтиб ўтилганидек, халқларнинг келиб чиқиш тарихини ўрганиш жараёни доимий равишда янги далиллар, археологик топилмалар натижасида янгиланиб борадиган узоқ жараёндир. Мазкур маълумотларни тарихий даврлар бўйича муайян тизимга солиш эса, камолотга етишаётган авлодга миллат тарихи, тараққиёти ва тикланишининг асосий босқичлари борасида муҳим билимлар бериш имконини яратади.

Инсонларнинг маънавий юксалиши, миллий ғояни мустаҳкамлаш, аҳолининг миллий кадриятларга эътиборли бўлишларини тарбиялашда музейларнинг алоҳида ўрни бор. Музейларни тарих, маданият ва санъатнинг хазинаси, деб таърифлашади. Улар турли-туман ноёб ва қимматбаҳо ашёларни сақлайди, тарихни ўрганади ва экспозициялар орқали ёш авлодга намойиш этади.

Шу билан бирга музейлар жамиятнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида бажарадиган бир қатор функциялари ҳам бор. Фикримизча, шулардан энг муҳими – унинг таълим ва тарбия ўчоғи эканлигидир. Бинобарин, музейлар ўз халқи, унинг кўп асрлик тарихига муҳаббат, ватанпарварлик, меҳнатсеварлик ва маданий анъаналар асосида озодлик, мустақиллик, миллий давлатчилик учун олиб борган асрий курашларининг моҳиятини теран англаб етган фуқароларни, баркамол авлодни, айниқса, Ватан ҳимоячиларини тарбиялашда кўмак беради.

Ўрни келганда шуни таъкидлаш керакки, музейнинг таълим ва тарбия билан боғлиқ функциялари асосан, музей экспозициялари ва турли илмий-маърифий ишлари орқали амалга оширилади. Булар музей залларида ўтказиладиган экскурсиялар, маърузалар, илмий маслаҳатлар фуқаролар, айниқса, ёшларга таълим-тарбия беришдаги ўзига хос усуллар сифатида намоён бўлади.

Ватанимиз мустақиллигига қадар ўлкада фаолият кўрсатган музейлар асосан, миллатимиз турмуш тарзининг айрим жиҳатларинигина акс эттирган, холос. Улардаги экспозициялар ҳам шўролар тузуми мафқурасини халқ онгига сингдиришга йўналтирилган эди.

1991 йилда юз берган тарихий воқеалар барча соҳалар сингари Ўзбекистондаги музейлар фаолиятида ҳам туб ўзгаришлар қилинишига туртки бўлди.

Мамлакатимиздаги музейларнинг ҳақиқий маънавий-маданий тарбия масканларига айлантирилишида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 1998 йил 12 январда эълон қилган «Музейлар фаолиятини тубдан яхшилаш ва такомиллаштириш ҳақида»ги Фармони катта аҳамият касб этди.

Мустақиллик йилларида музейлар тизими салмоқли даражада ўсди. Хусусан, 1991 йил бошида Ўзбекистонда 68 та давлат музейи бўлган бўлса, 2000 йилга келиб уларнинг сони 89 тага етди. «Ўзбекистон тарихи», «Темурийлар тарихи», «Олимпия шон-шухрати» сингари янги давлат музейлари барпо этилди.

Миллатнинг тарихий хотираси қанчалик бой ва мазмунли бўлса, бу миллат шунчалик уюшган, тадбиркор, ҳаракатчан, ҳамжиҳат бўлади, ўз аждодлари ва авлодларининг шаънига ярашадиган ишларни бажаришга интилади. Президентимиз Бирлашган миллатлар ташкилоти Бош Ассамблеясининг 48-сессиясида сўзга чиққанида, «Биз уч минг йиллик тарихга эгамиз» деган эди. Ана шундай улкан тарихни билиш авлодларнинг муқаддас бурчи ҳисобланади. Бизнинг вазифамиз ота-боболаримиз қолдирган меросни асраб-авайлаб, уни янада бойитишдир. Демак, дунё

хамжамиятида мафкуравий, ғоявий курашлар тобора авж олиб бораётган ҳозирги вазиятда фуқароларимиз қалбида миллий тафаккур ва соғлом дунёқарашни мустаҳкамлашда тарихий хотира катта амалий аҳамиятга эгадир. У давлатимизнинг, халқимизнинг манфаатларига хизмат қилиши лозим. Бундай муҳим ва масъулиятли вазифани амалга оширишда эса, инсонлар руҳиятига ўзига хос таъсир кучига эга бўлган музей экспозицияларининг алоҳида ўрни бор.

Пойтахтимизнинг «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуи бағрида мустамлакачилик даври қурбонлари хотирасини абадийлаштириш учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Қатағон қурбонларини ёд этиш кунини белгилаш тўғрисида»ги 2001 йил 1 майда қабул қилинган Фармонларига мувофиқ бунёд этилган «Қатағон қурбонлари хотираси» музейи ҳам истиқлол ғояларига асосланган ана шундай тарбиявий масканлардан биридир.

Аслида мазкур музейнинг айнан Тошкент шаҳридаги Бўзсув соҳилида барпо этилиши бежиз эмас. Қарияларимизнинг айтишларича, бир вақтлар айнан шу ерда ёлғиз юришга киши юраги бетламас экан. Шу қаровсиз ерда халқимизнинг не-не асл фарзандлари отилган, бекафан, бежаноза кўмиб ташланган. Зулм ва зўравонликка асосланган бешафқат шўролар тузуми даврида миллий ўзлигини, миллат қадр-қимматини теран англаган маърифатпарвар ватандошларимизнинг жасадлари шу ердаги тепалик ва жарликларда ном-нишонсиз қолиб кетган. Бу ерда миллатимиз ифтихори бўлмиш Абдулла Қодирий, Абдурауф Фитрат, Абдулҳамид Чўлпон сингари кўплаб зиёлилар шавкатсизларча қатл этилган.

Мустақиллик йилларидагина аждоқларимиз олдидаги инсоний бурчимиз адо этилди. Шу боис, бу манзил қатағон қурбонларининг дил яраси битмаган, кўз ёшлари тинмаган, айрилиқ дарду ғами билан яшаб келаётган қавму қариндошлари зиёрат қиладиган муқаддас қадамжога айланди.

2007 йил 31 августда Президентимизнинг музейга ташрифлари чоғида ушбу музей фаолиятини янада такомиллаштириш, қатағон қурбонлари тарихи ва аччиқ қисматини янада кенгроқ ўрганиш ва аск эттириш мақсадида унга қўшимча бино қуриш ҳақида айтиб ўтилди. Аждоқларимизнинг анъаналарини давом эттириш, ҳозирги кунларнинг қадрига етиш, экспозицияда нафақат бугунги кун, балки келажак учун ҳам ғоят муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳужжат ва экспонатларнинг кўрсатилиши лозимлиги таъкидланди. 2008 йил 5 май куни Давлатимиз раҳбарининг «Қатағон қурбонлари хотираси» музейининг фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги Қарори қабул қилинди.

Мазкур Қарор ижроси натижасида музейда катта ўзгаришлар амалга оширилди. Аввалги концепция бўйича 6 та бўлим кенгайтирилиб, юртимизда чор истилоси ва собиқ совет тузуми даврида амалга оширилган даҳшатли қатағонлар тарихини ҳамда шаҳид кетган ватандошларимизнинг номи ва хотирасини, инсоний ҳақ-ҳуқуқларини, миллий-маданий меросимиз, бетакрор анъаналаримизни қайта тиклаш бўйича истиқлол йилларида амалга оширилган кенг кўламли ишларни ўзида чуқур акс эттирган, янги-янги архив

хужжатлари, тарихий маълумотлар, илмий шарҳ ва изоҳлар, замонавий техник воситалар билан бойитилган 10 та бўлимдан иборат янги экспозиция тайёрланди.

Бугун юртимиз фуқаролари, ёш авлод, хусусан, Ватан ҳимоячиларининг тарихга, тарихий хотирага бўлган муносабатини кучайтирган ҳолда миллий ўзликни англашга, ўз тарихидан фахрланиш туйғусини уйғотишга «Қатағон қурбонлари хотираси» музейида ҳамма шарт-шароитлар яратилган.

Ҳар бир ҳарбий хизматчи ҳалол, жасур ва сергак бўлишга, сўнгги нафаси қолгунча она-Ватанининг садоқатли фарзанди бўлиб қолишга, Ўзбекистоннинг нурли истиқболи учун унинг давлат манфаатлари ва мустақиллигининг ҳимоячиси бўлишга қасамёд қилади. Улар руҳини маънан чиниқтириш, зиммаларига юклатилган муқаддас бурчни сидқидилдан адо этишларига кўмаклашишда «Қатағон қурбонлари хотираси» музейининг аҳамияти каттадир.

Музей «Ўрта Осиё (Туркистон)га қарши Чор Россияси тажовузи ва унга қарши курашлар» номли бўлим билан бошланади. Мазкур бўлим Ўзбекистоннинг мустамлака даври тарихига бағишланади. Қарийб 50 йил давом этган мустамлака даври тинимсиз курашлар даври бўлди. Айнан шу сабабли, истиқлол йўлида шаҳид кетган аждодлар ҳақидаги тарихий ҳақиқатни акс эттириш, улар хотирасини абадийлаштириш музей экспозицияларининг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади.

Ватан ҳимоячилари учун ўз юрти, қолаверса дунёда содир бўлган урушлар тарихини билиш жуда муҳимдир. Бу борада музейнинг «Иккинчи жаҳон уруши арафаси ва уруш йилларида советлар ҳокимияти томонидан ўтказилган этник қатағонлар (депортация)» номли бўлимида келтирилган маълумотлар ўта фойдалидир. Бинобарин 1939-1945 йиллардаги Иккинчи жаҳон уруши инсоният тарихидаги энг машъум фожиалардан биридир. Мардона ва жасур ўзбек халқи ҳам урушнинг биринчи кунлариданоқ бор кучини фашизм устидан ғалабага сафарбар этди. Уруш Ватанимизнинг минглаб ўғлонлари ҳаётига зомин бўлди.

Музейнинг «Қатағон жараёнининг 1940-1950 йилларда давом эттирилиши», «1980 йиллардаги қатағонлар: «Пахта иши» кампанияси» мавзуларидаги бўлимлари билан танишган ёшлар қатағон тўлқини нафақат илм-фан ва маданият намояндалари, ижодий зиёлиларни, давлат арбобларини, балки кўплаб оддий инсонларни ҳам ўз домига тортганлиги ҳақида ҳаққоний ва аянчли маълумотларни билиб оладилар. Бу эс, Ватан ҳимоячиларининг онгида ўз халқига ва юртига бўлган муҳаббатни янада кучайтиради, бугунги тинч-тотув, озод турмушни муҳофаза қилиш учун бор куч-ғайратларини сафарбар этишга ундайди.

Музейда мустақиллик йилларида (1991 йилдан кейин) амалга оширилган тарихий ишларга бағишланган алоҳида бўлим мавжуд. Бу бўлимда ўтган йиллар давомида Ўзбекистонда ўтмишда ноҳақ қораланган ёки сохталаштирилган тарихий адолат ва миллий қадриятларнинг тикланиши, истиқлол туфайли очилган имкониятлар ёшлар ҳаётида қандай ютуқларга йўл очиб берганлиги тарихий далиллар асосида кўрсатилади. Шу жумладан,

катағон қурбонлари хотирасини абадийлаштириш, маънавиятимиз, тарихий обидаларимиз, динимизни асраб-авайлаш ва келгуси авлодларга безавол етказиш йўлида олиб борилаётган ишларни кенг ёритиш масаласига алоҳида эътибор қаратилган.

Мазкур бўлимдаги Амир Темур, Захириддин Муҳаммад Бобур, Мирзо Улуғбек, Жалолиддин Манғуберди сингари юртимиз тарихида чуқур из қолдирган саркарда ва ҳукмдорлар ҳақидаги тарихий ҳақиқатларнинг тикланиши ўз аксини топган экспозициялар шубҳасиз, ёшлардаи миллий ғурур ва ифтихор туйғуларини юксалтиради. Улар сингари буюк аждодларимизга муносиб авлод бўлишга интилган юртнинг ҳар бир ўғлини жасур, уддабурон, эпчил ва ҳақгўй шахс бўлишга ҳаракат қилади.

Қолаверса, музейга келадиган ҳар бир юртдошимиз қалби ва онгида ватанпарварлик, ўз халқига муҳаббат ва садоқат ҳиссини уйғотиш, айниқса, ёшларимизнинг бугунги дориломон кунлар қадрига етиш, катағон қурбонлари хотирасига юксак ҳурмат ва эҳтиром ила муносабатда бўлмоқликка ундаш – экспозицияларнинг ғоявий асосини ташкил қилади.

Умуман олганда дунё ҳамжамиятида миллатларнинг ватанпарварлик руҳини мустаҳкамлаш, маънавий дунёсини бойитиш, ўз халқи, юрти ва давлатига содиқ шахс ва мардонавор ҳимоячи сифатида тарбиялашда санъат ва маданият қошоналари, хусусан, музейларнинг алоҳида ўрни бор. Бинобарин, музейлар кишиларнинг дунёқарашини кенгайтиради, тарихий ҳақиқатни англаш, ўтмиш ва бугунни қиёслаш, шу асосда, ўз эртасини куришда қандай ғояларга суянишини белгилаб беришда катта рол ўйнайди.

Бахтиёр ҲАСАНОВ,
тарих фанлари доктори,
«Қатағон қурбонлари хотираси»
музейи директори

**АРМИЯ – ЖАСОРАТ
МАКТАБИ**

Мамлакатимизнинг янги ордени МАРДЛИК УЛУҒЛАНАР, МАРДЛАР ҚАДРЛАНАР

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 21 йиллиги арафасида, аниқроғи 2012 йилнинг 8 августида Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилиниб, 2012 йилнинг 30 августида Сенат томонидан маъқулланган, 2012 йилнинг 11 сентябрида Президентимиз Ислон Каримов томонидан имзоланиб, кучга кирган “Мардлик” орденини таъсис этиш тўғрисида” ги Қонунни кенг жамоатчилигимиз мард инсонларни, мардликни қадрлаш йўлида мамлакатимизда яна бир муҳим кадам қўйилгани, қолаверса Ватан ҳимоячиларига бўлган юксак эътибор намунаси сифатида қарши олишди. Бундай эзгу ишлар жамиятимизда юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги йўлида фуқароларимизни янада фидойилик кўрсатишга, юксак дахлдорлик ҳисси билан яшашга ундайди. “Мардлик орденини таъсис этиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни юзасидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси Юлчибой Эргашович Турсунбоевга саволлар билан муурожаат қилдик.

-Юлчибой Эргашович, мана яқиндагина Мустақилликнинг 21 йиллик тўйини халқимиз улкан шодиёна билан тантана қилди. Шунини фахр билан айтиш мумкинки, истиқлол сабаб бугун жонажон Ўзбекистонимиз ўзининг куч-қудрати ва салоҳиятига таянган, ўз сарҳадлари, халқининг тинч ва осуда ҳаётини ҳимоялашга қодир бўлган, халқаро ҳамжамиятда муносиб ўрин эгаллаган, тез ва барқарор суръатлар билан ўсиб бораётган мустақил ва суверен давлатлар қаторига кўтарилди. Сухбатимиз аввалида бу борада кўнглингиздан кечаётган фикрлар билан ўртоқлашсангиз.

- Барчамиз яхши биламизки, тинчлик ва осойишталик мавжуд бўлган юртда, жойда эзгу ишлар бардавомдир. Бу ҳаётини ҳақиқатни халқимиз истиқлол йилларида мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар мисолида янада теранроқ англаб етмоқда.

Бундай ёруғ кунларга осонлик билан эришилдимиз? Ватанимизнинг тенглар ичра тенг бўлиб, халқаро майдонда мустаҳкам ўрин эгаллаши ўз-ўзидан бўлдимиз? Йўқ албатта.

Давлатимиз раҳбарининг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» деб номланган асарини ўқир эканмиз, ана шу саволларга тўлиқ жавоб топамиз ва яқин ўтмишимизда рўй берган воқеалар, эл-юрт манфаати, келажагини ўйлаб бошланган оқилона сиёсат мазмун-моҳиятини янада чуқурроқ тушуниб етамиз.

Агар мустақилликнинг дастлабки кунларидаги ҳолат билан бугунги кунни ўзаро таққосласак, босиб ўтилган йўлнинг нақадар оғир, мураккаб ва машаққатли кечганини. вужудга келган ўта оғир шароит, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий қийинчиликларга, турли тўсиқларга қарамасдан халқимиз

Президентимиз бошчилигида ўзининг асрий орзуси – Ўзбекистоннинг давлат суверенитети ва мустақиллиги сари қатъият билан ҳаракат қилишда давом этганлигини яққол тасаввур қиламиз.

Маълумки, ҳар бир давлатнинг мустақиллиги, хавфсизлиги, тинчлиги, чегаралари дахлсизлиги, энг аввало, унинг армияси, Қуролли Кучлари фаолияти билан узвий боғлиқ. Шу боис ҳам истиқлолнинг илк йиллариданок мамлакатимиз мудофаасини кучайтириш масаласи давлатимиз сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишларидан бири сифатида белгилаб олинди.

Энг аввало, мустақилликнинг дастлабки кунларида, яъни 1991 йил 6 сентябрда Мудофаа ишлари вазирлиги ташкил этилди. Сўнгра унинг ҳуқуқий мақоми, таркибий тузилиши ва низомлари тасдиқланди. 1992 йил 14 январь куни мустақил давлатимиз тарихида яна бир муҳим воқеа юз берди. Мамлакатимиз худудидаги барча ҳарбий тузилмаларни Ўзбекистон тасарруфига ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Юртбошимиз ташаббуси билан қабул қилинган ушбу тарихий ҳужжатлар мамлакатимиз хавфсизлигига таҳдид солиши мумкин бўлган ва келиб чиқаётган хавф-хатарни ҳар томонлама таҳлил этиш асосида армиямизни ислоҳ қилишнинг узоқ муддатли дастури ишлаб чиқилишига асос бўлди.

Ўтган давр мобайнида ҳаётга татбиқ этилган кенг кўламли ислохотлар туфайли мамлакатимиз хавфсизлиги ва барқарорлигини ишончли ҳимоя қилишга, аҳолимизнинг тинч ва осуда ҳаётига қарши қаратилган ҳар қандай тажовуз ҳамда ғаразли уринишларнинг олдини олишга қодир бўлган ихчам, тезкор, замонавий қурол-яроғ ва ҳарбий техника билан таъминланган, юксак тайёргарликка эга миллий армиямиз шаллантирилди. Қуролли Кучларимизни ташкил этиш ҳамда бошқаришнинг мутлақо янги тизими яратилди.

Бугунги кунда мустақил давлатимизнинг Қуролли Кучлари миллий хавфсизликни таъминлаш борасида ўз олдига қўйилган вазифаларни бажаришга қодир қудратли армия бўлиб шаклланди. Қуролли Кучлар сафида хизмат қилиш эса Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси учун нафақат конституциявий бурч ва муқаддас мажбуриятга, балки мамлакатимиздаги нуфузли касбга ҳам айланди.

Қуролли Кучларимиз сафларида бугун Ватанга садоқатли, жисмоний ва маънавий жиҳатдан етук, керак бўлган пайтда ўзининг ҳаётини ҳам бағишлаб Ватан ҳимояси йўлидаги шарафли бурчини адо этаётган **мард ўғлонлар, жасоратли қизлар** хизмат қилмоқда.

Улар ҳамиша халқимиз ардоғида, давлатимиз, Президентимиз эътиборидадир.

Буни биз ҳар йили “Ватан ҳимоячилари куни”да, “Мустақиллик” байрами арафасида мамлакатимизнинг миллий хавфсизлигини, чегараларимизнинг дахлсизлигини таъминлашда, тинчликни ва осойишталикни мустаҳкамлашда мардлик, жасорат ва фидоийлик наъмуналарини кўрсатган кўплаб ҳарбий хизматчиларни ва фуқароларимизни юксак давлат мукофотлари билан тақдирланаётганлиги мисолида ҳам кўришимиз мумкин.

Зеро, давлатимиз раҳбари таъкидлаганларидек, “Қуролли Кучларимиз сафида хизмат қилаётган ҳарбийлар Ўзбекистоннинг фахри, ишончи ва суянчидир. Уларнинг доимо хушёр ва сергаклиги туфайли сарҳадларимиз даҳлсиз, юртимиз тинч, халқимиз осойишта ҳаёт кечирмоқда. ҳарбийларнинг ҳам ўз ҳаёти, оиласи, қувончу-ташвишлари бор. Улар учун муносиб шарт-шароит яратиб бериш доимий эътиборимизда бўлиши лозим”.

- Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг шундай гаплари бор: «Ўз ҳаётини армиясиз тасаввур этолмайдиган, ҳарбий хизматни шунчаки иш эмас, Ватан ва халқ олдидаги муқаддас бурч, деб биладиган мард жангчиларимизнинг оғир ва масъулиятли меҳнати муносиб тақдирланиши лозим». Яқинда Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан таъсис этилган “Мардлик” ордени шарафли касб эгаларининг хизматлари давлатимиз томонидан доимо эътиборда бўлиб келганининг яна бир яққол далилидир. Шу ўринда таъсис этилган “Мардлик” ордени ва унинг тавсифи хусусида кенгроқ тўхталиб ўтсангиз.

-“Мардлик” орденини таъсис этиш тўғрисида”ги Қонунининг 3-моддаси билан тасдиқланган “Мардлик” орденининг тавсифига кўра, орден 1 микро қалинликда олтин қопланган мис қотишмасидан тайёрланади. Орденнинг баландлиги 50 миллиметр, эни 41 миллиметр, қалинлиги 4,5 миллиметр.

Орден нишони йиғма, унинг асоси тилла ранг нақшинкор парчинлари бўлган кўк эмаль ҳошияли шаклдор геральдик қалқон кўринишида бўлиб, унга Ўзбекистон Республикасининг бирлиги рамзи бўлган кавариқ саккиз қиррали юлдуз бириктирилади. Юлдуз қирралари тарам-тарам бўлиб таралаётган зарин овалсимон нурлар кўринишида бажарилган. Юлдузнинг қарама-қарши қирралари оралиғи 45 миллиметр.

Саккиз қиррали юлдузга нақшинкор парчинлари бўлган, кавариқ, қадимий услубда акс эттирилган думалоқ шарқона қалқон кўринишидаги диаметри 30 миллиметрли қоплама медальон бириктирилади. Қалқоннинг ҳар иккала ён томони ғалаба, шон-шухрат ва мукофот рамзи бўлган кавариқ, тилла рангли дафна япроқларидан гулчамбар кўринишида ҳошияланган. Гулчамбардан пастда тилла ранг гардишли, оқ эмалли лента кўринишида акс эттирилган фонга “Мардлик” ордени номи жойлаштирилган. Ёзув бўртма бош ҳарфлар билан тўқ қизил эмалда бажарилган. Шрифти «MILLENIUM BdExBT», кегли 20.

Шарқона қалқондан юқорида мовий рангда эмалланган олтин ҳалланган ярим ой ва юлдузли мусамман - Ўзбекистон Республикаси Давлат Гербининг муқаддас рамзлари тасвирланган. Мусамман ёнларида саккиз қиррали юлдуз фонида миллий ор-номус ва кадр-қиммат, Она юртни ҳимоя қилишга шайлик рамзи бўлган, ўзаро кўндаланг кесишган иккита қадимий шарқона қилич эфеси (даста беламаги), қуйи томонда эса, уларнинг узун қайрилма тиғларининг учлари кавариқли тасвирланган.

Орден нишони композициясини дала формали кийимдаги аскарнинг – Ватан ҳимоячисининг ҳаёт сарчашмаси ифодаси бўлган асосий рамзий белги - чор атрофга таралаётган заррин қуёш нурлари акс этган оқ рангли эмаль

фонидаги қалқон марказида жойлашган бўртма, кўкракдан юқори қисмининг ярим ён томонлама олинган тасвири яқунлайди.

Орденнинг орқа томонида диаметри 22 миллиметрли Ўзбекистон Республикаси Давлат герби қавариқли тасвирланган. Пастки қисмида эса орденнинг рақами 2 миллиметр ўлчамдаги зарб қилинган шрифт билан ёзилган.

Орден тўрт хил рангдаги йўллари бўлган мухайяр лента билан сирилган беш қиррали қадағичга илмоқча ва халқача ёрдамида уланади. Лентанинг эни 24 миллиметр. Лента марказидан эни 8 миллиметрли оқ йўл ўтган. Унинг ҳар икала тарафидан эни 3 миллиметрли яшил йўллар жой олган. Ундан кейин эни 4 миллиметрли мовий йўллар туширилган. Лентанинг чеккалари эни 1 миллиметрли қизил йўллар билан ҳошияланган. Қадағичнинг баландлиги 48 миллиметр, эни 46 миллиметр.

Қадағичнинг орқа томонида орденни кийимга тақиб қўйиш учун тўғноғич кўринишидаги мослама мавжуд.

- Юлчибой Эргашович, айтинчи, “Мардлик” ордени билан кимлар тақдирланади ва унинг қонунда кўзда тутилган тартиби қандай?

- Қонуннинг 2-моддаси билан тасдиқланган низомга кўра “Мардлик” ордени билан ўзини Ватанни ҳимоя қилишга ва Она юрт хизматига бағишлаган, бунда мардлик ва жасорат кўрсатган Ўзбекистон Республикасининг ҳарбий хизматчилари ва бошқа фуқаролари мукофотланиши назарда тутилмоқда.

Қайд этилган низомда ушбу орден билан алоҳида ҳоллар мавжуд бўлганда Ўзбекистон Республикасининг фуқароси бўлмаган шахсларнинг ҳам мукофотланиши мумкинлиги кўзда тутилган.

Низомга мувофиқ “Мардлик” ордени билан Ўзбекистон Республикасининг Президенти мукофотлайди, мукофотлаш тўғрисидаги фармон матбуотда ва бошқа оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.

“Мардлик” ордени билан мукофотланган шахслар энг кам иш ҳақининг ўн беш баравари миқдорида бир йўла бериладиган пул мукофоти оладилар ва қонун ҳужжатларида белгилаб қўйиладиган имтиёزلардан фойдаланадилар.

Ушбу орден билан вафотидан кейин мукофотланган тақдирда, орден, мукофотлаш тўғрисидаги ҳужжат ва бир йўла бериладиган пул мукофоти мукофотланганнинг оиласига топширилади.

- Мардлар касбини, шарафли касбни танлаган ҳарбий хизматчилар “Мардлик” орденини таъсис этиш тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси қонунини матбуот орқали ўқиб, кўнгилларидан кечаётган чексиз фахр, ифтихор ҳақида таҳририятимизга билдиришмоқда. Маънавияти юксалиб, юраги Ватанга бўлган муҳаббатдан куч олаётган, миллий истиқлол ғоялари руҳида камол топаётган бугуннинг ҳарбийларига қандайин тилақларингиз бор?

- Дарҳақиқат, “Мардлик” орденининг таъсис этилишида катта рамзий маъно бўлиб, ушбу орден билан ўзини Ватанни ҳимоя қилишга ва Она юрт хизматига бағишлаган мард ва жасоратли инсонларнинг тақдирланиши нафақат уларни улуғлашга, балки ўз хизмат бурчлари ва вазифаларига

садоқат билан ёндошадиган ходимлар сафининг кенгайишига, ёш авлоднинг ўз юртига содиқлик руҳида тарбияланишига, лозим бўлган вақтда эса улар томонидан мардлик ва шижоат наъмуналари кўрсатилишига ҳам хизмат қилади.

Ватанимиз ҳимоячилари юксак интеллектуал салоҳияти, мустаҳкам иродаси, Ватанига, халқига садоқати билан шаклланиб бораётган миллий армиямизга – мардлик ва матонат мактабига муносиб бўлишларини тилайман.

-Самимий суҳбатингиз учун ташаккур.

Подполковник А. САФАРОВ суҳбатлашди.

ҚУРОЛЛИ КУЧЛАР ТИЗИМИНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Инсон маънавий оламининг кучи, қудрати унинг Ватан олдидаги бурчи, масъулиятини қандай англаб тушунишида намоён бўлади. Президентимиз Ислом Каримов «Юксак маънавият – енгилмас куч» асарида маънавий жасорат туйғусига алоҳида тўхталиб, «Урганчни босқинчилардан ҳимоя қилишда байроқ тутиб жон берган Нажмиддин Кубронинг қаҳрамонлигида, дунёни тўфондек босган Чингизхон қўшинига қарши ўн бир йил муттасил мардона кураш олиб борган Жалолиддин Мангубердининг жанговар руҳида, юртимизни истилочилардан озод қилиб, буюк давлат барпо этган Амир Темур бобомизнинг бунёдкорлик салоҳиятида ҳам маънавий жасорат туйғуси буюк ва устувор аҳамият касб этгани, шубҳасиз», деб таъкидлайди.

Дарҳақиқат, Ватан тарихини, авваламбор, шижоат, жасорат, маърифату адолат, элу юртга садоқат безаб туради. Ўз ҳаёти давомида ана шундай фазилатларнинг энг юксак намуналарини бизга ибрат сифатида қолдирган аждодларимиз жуда кўп ва уларнинг хотираси мангуликка дахлдор.

14 январь – Ватан ҳимоячилари кунини умумхалқ байрами сифатида нишонлар эканмиз, бу воқеанинг тарихий илдизларини яна бир бор эслаш ўринлидир.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида давр талаби ва жаҳон андозаларига жавоб берадиган Қуролли Кучларни барпо этиш, мамлакатимиз мустақиллиги, хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини таъминлаш ҳамда

миллий армиямизни шакллантириш йўлида кенг кўламли ишлар амалга оширилди ва оширилмоқда. Уларнинг барчаси мамлакатимиз мудофаа қудратининг янада мустақамланишига хизмат қилмоқда.

Ҳар қандай давлатнинг мустақиллигини, биринчи навбатда, унинг ўз армияси, Қуролли Кучлари ҳимоя қилиши керак. Юртбошимиз таъбири билан айтганда, «Ўз истиқлоли ва озодлигининг қадрини билмайдиган, уни ҳимоя қилолмайдиган, бунга куч-қурби етмайдиган миллат ҳеч қачон эркин яшай олмайди, кимгадир итоат этишга, бўйин эгишга мажбур бўлади». Айнан давлатимизнинг мустақиллиги эълон қилинган кун, яъни 1991 йилнинг 31 август куни «Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни қабул қилинди. Мазкур Қонуннинг 6-моддасида «Ўзбекистон Республикаси Мудофаа ишлари вазирлигини тузиш, миллий гвардия ва ноҳарбий (муқобил) хизмат ташкил этиш ҳуқуқига эга.

Суверен Ўзбекистон Республикаси ҳудудида СССР Қуролли Кучларини шакиллантириш ва уларга раҳбарлик қилиш масалаларида ҳарбий сиёсатни амалга ошириш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади» дея белгилаб қўйилди. 1991 йил 6 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа ишлари вазирлиги ташкил этилди. 1992 йил 14 январь куни эса мустақил давлатимиз тарихида яна бир муҳим қадам қўйилди. Шу куни мамлакатимиз ҳудудидаги барча ҳарбий қисм ва бўлинмаларни Ўзбекистон юрисдикциясига ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Қуролли Кучларнинг мамлакат суверенитети ва ҳудудий яхлитлигини сақлаш, халқимизнинг тинчлиги ҳамда бунёдкорлик меҳнатини ҳимоялаш, ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялашдаги аҳамиятини инобатга олиб ҳамда мамлакатимиз ҳудудидаги ҳарбий қисм ва бўлинмаларнинг давлатимиз тасарруфига ўтказилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 29 декабрда қабул қилинган қонунига биноан 14 январь Ўзбекистонда Ватан ҳимоячилари куни деб эълон қилинди.

Ўтган йиллар мобайнида юртимизда давр талаби ва жаҳон андозаларига жавоб берадиган Қуролли Кучларни барпо этиш, мамлакатимиз мустақиллиги, хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини таъминлаш, барқарор ва изчил демократик тараққиётимизнинг ишончли кафолати бўлган миллий армиямизни шакллантириш йўлида кенг кўламли ва моҳиятан улкан ишлар амалга оширилди.

Аввало, ҳарбий соҳа ислоҳотлари билан боғлиқ стратегик мақсадларга эришишнинг муҳим ҳуқуқий пойдевори бунёд этилди. Мамлакатимиз Конституциясининг 52-моддасида «Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш – Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фуқаросининг бурчи» эканлиги алоҳида белгилаб қўйилди. Асосий Қомусимизда, шунингдек, Ўзбекистон Қуролли Кучларининг ҳуқуқий мақоми ҳам аниқ белгилаб берилган бўлиб, унга кўра Қуролли Кучлар Ўзбекистон суверенитети ва ҳудудий яхлитлиги, республикамиз аҳолисининг осуда ҳаёти ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида ташкил этилиши қайд этилди.

Минтақадаги ижтимоий-сиёсий вазиятни, замонавий талаблар ва мамлакат хавфсизлигига таҳдидларни чуқур таҳлил қилиш асосида «Ўзбекистон Республикасининг Мудофаа доктринаси тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасининг Миллий хавфсизлик концепцияси тўғрисида»ги қонун ҳужжатлари ҳамда мамлакатда тинчлик, осойишталик ва барқарорлик сақланишига кўмаклашувчи хавфсизликни таъминлашнинг яхлит тизими ишлаб туришига мустаҳкам ҳуқуқий негизни яратган бир қатор бошқа қонун ҳужжатлари қабул қилинди.

«Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси тўғрисида»ги (1999 йил 20 август), «Фуқаро муҳофазаси тўғрисида»ги (2000 йил 26 май), «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги (2000 15 декабрь), «Мудофаа тўғрисида»ги (2001 йил 11 май), «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги (2002 йил 12 декабрь) ва «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари резервидаги хизмат тўғрисида»ги (2003 йил 25 апрель) Ўзбекистон Республикасининг Қонунлари Қуролли Кучларимиз ташкилий-ҳуқуқий асосларини ўзида мужассам этди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 26 июнда тасдиқланган «Мудофаа тўғрисида»ги, «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари резервидаги хизмат тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасининг Қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги ЎРҚ – 38-сонли Қонунида (Қонунчилик палатаси томонидан 16.05.2006 йил қабул қилинган Сенат томонидан 09.06.2006 йил маъқулланган) Президент ва Вазирлар Маҳкамасининг мудофаа соҳасидаги ваколатлари аниқлаштирилиб берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитани ташкил қилиш тўғрисида»ги (13.01.1999), «Ўзбекистон Республикасининг Ҳарбий прокуратурасини ташкил қилиш тўғрисида»ги (30.03.1999), «Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судини ташкил қилиш тўғрисида»ги (23.09.1999) фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 30 июндаги «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ҳарбий хизматчилари ижтимоий ҳимоя қилинишини таъминлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ – 112-сонли Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 25 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ҳарбий хизматчиларига уй-жойни ижарага олганлик учун ҳар ойлик пул компенсацияси тўлаш тартиби тўғрисида»ги Қарорлари билан ҳарбий хизматчиларни давлат томонидан ижтимоий ҳимоя қилиниши кафолатлаб кўйилди.

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан Қуролли Кучларимизни ислоҳ қилиш бўйича қабул қилинган дастурга мувофиқ амалга оширилган кенг кўламли ишлар барча замонавий талабларга жавоб берадиган миллий армиямизни шакллантириш ва бошқаришнинг сифат жиҳатдан мутлақо янги тизимига ўтиш имконини берди. Қисқа вақт ичида ҳарбий округлар, чегара ҳудудлари ва махсус операцияларга ихтисослаштирилган қисмлар тузилди. Миллий армиямизни босқичма-

босқич ва тизимли равишда шакллантиришда, аввало, хавфсизлигимизга қарши қаратилган жиддий таҳдид ва хатарлар, айниқса, халқаро терроризм, экстремизм, наркоагрессия, оммавий қирғин қуроолларининг тарқалиши каби бало-қазолар ҳисобга олинди.

Дастурга мувофиқ, Мудофаа вазирлигининг бўлинма ва қисмларини, чегара қўшинларини, бошқа вазирлик ва идораларнинг ҳарбий тузилмаларини ягона қудратли тизимга бирлаштирган Қуролли Кучларимиз қисмларининг таркиби ва жойлашуви қайта кўриб чиқилди.

Қуролли Кучларимиз ва уларнинг асосий жанговар бўлинмаларининг принципиал жиҳатдан мутлақо янги ташкилий-таркибий тузилмаси жорий этилди, бошқарув ва тузилмаларнинг бир-бирини такрорлайдиган, кам самарали бўғинлари тугатилди. Бу эса, ўз навбатида, мазкур бошқарув ва тузилмаларнинг ҳаракатчанлиги, тезкорлиги ва жанговар қобилиятини ошириш имконини берди.

Мамлакатимиз худудига сукилиб кирадиган ҳар қандай тажовузкор босқинчига қарши қатъий зарба беришга қодир бўлган Махсус операцияларни амалга оширадиган кучлар, Террорчиликка қарши курашиш корпуси бўлинмалари ва бошқа замонавий жанговар бўлинмалари ташкил этилди ва улар салоҳиятини янада ошириш ишлари давом эттирилмоқда.

Мамлакатимиз раҳбарининг 2008 йил 20 ноябрдаги «Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида муддатли ҳарбий хизматни ўташ шарт-шароитларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони бу борада жуда катта аҳамият касб этаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. У миллий армиямизнинг тайёргарлигини ҳар томонлама такомиллаштиришга қаратилган муҳим ҳужжат саналади. Мазкур Фармонга мувофиқ, эндиликда муддатли ҳарбий хизматга чақирув йилига бир марта – февраль-март ойларида амалга оширилмоқда.

Ҳарбий соҳадаги ислохотларнинг энг муҳим амалий натижасини армиядаги ахлоқий-руҳий, маънавий муҳитнинг бутунлай соғломлашганида, жамиятимизда армияга ва ҳарбий хизматга нисбатан ёндашув ҳамда қарашлар тамомила ўзгарганида ҳам кўриш мумкин. Ҳарбий хизматдан мустаҳкам ҳаётий қарашларга эга бўлиб қайтган ўғлонларимиз мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотларда фаол иштирок этишга ҳар томонлама тайёр эканлигини намоён этмоқда. Ўқиш ва ишга киришда қатор имтиёзга эга собиқ аскарлар ҳар жиҳатдан тенгдошларига ўрناк бўлмоқдалар. Юртимизда яшаётган ҳар бир йигитнинг муқаддас бурчи бўлмиш – Қуролли Кучлар сафида хизматнинг нуфузи бениҳоя юксалди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг махсус Фармонларига биноан, мамлакатимизнинг мудофаа салоҳиятини янада юксалтириш, чегараларимиз дахлсизлиги ва миллий хавфсизликни таъминлаш, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, ёшларни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш ишига қўшаётган катта ҳиссаси, ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги фаол иштироки учун ҳар йили кўплаб ҳарбий хизматчилар давлатимизнинг фахрий унвонлари, орден ва медаллари билан тақдирланмоқда.

Бугун ҳарбий хизмат орзусидаги йигитлар Қуролли Кучларимизга қатъий саралаб олинаётгани, армиямиз маънавий, жисмоний ва интеллектуал салоҳияти юқори, сара йигитлар ҳисобидан тўлдирилаётгани нафақат мамлакатимизнинг мудофаа қудратини мустаҳкамлашга, балки ижтимоий-иқтисодий соҳаларда етук кадрлар етишиб чиқишига ҳам алоҳида хизмат қилмоқда.

Юртимизда Ватан ҳимоячилари кунини нишонлаш, байрам қилиш қутлуғ анъанага айланди. Президентимизнинг 2011 йил 28 октябрдаги «Ватан ҳимоячилари куни ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг йигирма йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги фармойиши асосида келгуси йилнинг январь ойида нишонланадиган байрамга жуда катта тайёргарлик кўрилмоқда. Мамлакатимизнинг барча жойларида катта тантана билан нишонланадиган байрам тадбирлари ёшларни Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат, ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашга хизмат қилади, миллий армиямиз сафларида хизмат қилиш иштиёқини янада кучайтиради.

Ватан – ота-боболаримизнинг муборак хоклари ётган табаррук замин. У бир умр севиб, ардоқлаб, кўзимизга тўтиё қилиб яшайдиган муқаддас саждагоҳимиздир. Бу дунёда ҳеч нарсага алмаштириб бўлмайдиган буюк ва бебаҳо хазинамиздир.

Ватан борки, ор-номусимиз, кадр-қимматимиз бор, ғурур ва ифтихоримиз, иймон-эътиқодимиз мустаҳкам ва барқарор.

Биз, киндик қони шу тупроққа томган юрт фарзандлари, ўзимизни Ватандан айри ҳолда тасаввур этолмаймиз. Ватан туйғуси, Ватан тушунчаси шундай азиз ва улуғ неъматки, ҳаёт йўлларида, оғир ва машаққатли синовларда бизга ҳамиша куч-қувват бахш этиб, мардлик ва жасоратга даъват этади.

Бу ёруғ оламда ягона ва тенгсиз бўлган она юртимиз, Ўзбекистонимизни улуғлаш, уни кўз қорачиғидек асраш, шаъну шарафини ҳимоя қилиш ва юксалтириш, шу олий мақсад йўлида фидо бўлиб яшаш бизнинг муқаддас инсоний бурчимиздир.

Қодир ЖЎРАЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатасининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси.
Фарҳоджон ҚУВВАТОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатасининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси
аъзоси.

МИЛЛИЙ АРМИЯ: МАМЛАКАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ МУСТАҲКАМ АСОСИ

Бугунги замонавий, ихчам, тез ҳаракатлана оладиган профессионал армиямиз ҳамда унда хизмат қилаётган мард ва жасур йигитларимиз

билан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Чунки, ана шундай забардаст армия мустақил Ватанимизнинг осойишталигини, миллий хавфсизлигини, тинч ва осуда ҳаётимизни таъминлабгина қолмай, барқарор таракқиёт ва нузли истиқболимизнинг кафолатидир.

Зеро, Президентимиз, Қуролли Кучларимиз Олий Бош Қўмондони Ислоҳ Каримовнинг Ватан ҳимоячилари куни ва Қуролли Кучларимизнинг 20 йиллигига бағишлаб йўллаган байрам табригида ҳам қуйидаги сўзлар бор: «...Армиямиз ҳозирги кунда нафақат Ватанимиз чегараларини, халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини ҳимоя қилмоқда, айтилган вақтда мустаҳкам ирода ва характер, мустақил фикрлаш қобилияти шаклланадиган, жисмоний чиниқиш ва юксак инсоний фазилатлар камол топадиган ҳақиқий профессионал малака ошириш мактабига айланмоқда»

Дарҳақиқат, Мустақиллик қўлга киритилган дастлабки кунлардан, мамлакатимизда Қуролли Кучларни мустаҳкамлашга қаратилган қатор ислоҳотлар босқичма-босқич амалга оширилди. Аввало, ушбу тизимни қонун йўли билан ҳимоялаш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Дастлабки қадам Бош Қомусимизнинг 52-моддасида «Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш – Ўзбекистон Республикасида яшаётган ҳар бир фуқаронинг бурчи» деган модда билан қатъий белгилаб қўйилди. Минтақадаги ижтимоий-сиёсий вазиятни барқарорлаштириш, чегараларимиз дахлсизлигини таъминлаш, миллий хавфсизлигимизни ҳимоя қилишни кучайтириш борасида қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Жумладан, «Ўзбекистон Республикасининг Мудофаа доктринаси тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасининг Миллий хавфсизлик концепцияси тўғрисида»ги, «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида», «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари резервидаги хизмат тўғрисида» ги қонун ҳужжатлари Қуролли Кучларнинг ҳуқуқий-ташқилий тузилишларини ўзида мужассам этди. Муҳтарам Юртбошимиз И. Каримов мазкур масалага алоҳида тўхталиб, жумладан, шундай деган эди: «Ҳарбий курилиш соҳасидаги мақсад профессионал армияни, ўз таркибида яхши тайёрланган ва таълим олган, ўз халқига, она заминига садоқатли бўлган, ўз Ватанининг шаъни ва қадр-қимматини охиригача ҳимоя қила оладиган жангчиларга эга бўлган армияни босқичма-босқич вужудга келтиришдан иборат бўлиши лозим. Мақсад, миқдор жиҳатдан унча катта бўлмаган, лекин яхши шайланган, замонавий қуроллар ва ҳарбий техника билан бекаму-кўст қуролланган, Ўзбекистоннинг хавфсизлигини мустақил равишда ва пухта таъминлашга қодир бўлган Қуролли Кучларни шакллантиришдир». Ўтган йигирма йил давомида мақсад қилиб олинган ана шундай эзгу амаллар бугун ўз самарасини кўрсатмоқда. Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистонда мамлакатимиз хавфсизлиги, ҳудудий яхлитлиги ва сарҳадларимиз дахлсизлигини, халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини қўриқлашга қодир, замонавий ҳарбий техника билан таъминланган, профессионал армия вужудга келди. Қуролли Кучларни ислоҳ қилишга қаратилган Давлат дастури эса миллий армияни шакллантириш ва бошқаришнинг сифат жиҳатидан мутлақо янги тизимига ўтиш имконини берди. Шу боисдан ҳам, муддатли

ҳарбий хизмат бир йил этиб белгиланди, сафарбарлик-чақирув резерв хизмати жорий этилди ва бу жараёнлар изчиллик билан давом эттирилмоқда. Ҳар қандай хавф-хатарга тайёр туриш учун кўшинларнинг моддий-техник базасини яхшилаш, уларни замонавий қурол-аслаҳа билан таъминлаш, амалиётда халқаро тажриба усулларидан фойдаланиш борасида кўпгина чора-тадбирлар амалга оширилиши натижасида жамиятимизда ҳарбий хизматга ишонч, ёшлар орасида эса ҳарбий касбларга қизиқиш янада ортди.

Президентимиз томонидан офицер ва сержант кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ишларига алоҳида эътибор қаратилди. Уларни ўқитиш бўйича самарали тизим ишлаб чиқилди. Бу тизим ҳарбий хизматчиларга ўз профессионал маҳоратини намойиш этиш, назарий ва амалий билимларини бойитиш, ҳарбий жанговар фаолиятини такомиллаштиришда кенг имконият эшикларини очиб бермоқда. Жумладан, Тошкент олий умумкўшин, Чирчиқ олий танк ва Самарқанд олий ҳарбий автомобиль кўмондонлик-муҳандислик билим юртлари кўп тармоқли таълим масканларига айлантирилди. Жиззах олий ҳарбий авиация билим юрти ташкил этилди. Тошкент ахборот технологиялари университетида алоқачи-офицерлар тайёрлайдиган махсус факультет очилди, Қуролли Кучлар академиясига асос солинди. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ташкил этилган сержантлар тайёрлаш мактабларидан соҳанинг барча бўғинлари учун юксак маънавий-ахлоқий ва етакчилик фазилатларига эга, интеллектуал салоҳияти юқори кичик командирлар етишиб чиқмоқда ҳамда уларнинг маънавий-ахлоқий, ўқув-техник, Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш ишлари замон талаблари даражасида ташкил этилаётганлиги таҳсинга сазовор. Кўшинларда шартнома асосида хизмат қиладиган ҳарбий хизматчилар сонини кўпайтиришга қаратилган чора-тадбирлар асосан уларнинг ўқув-жанговар ва тарбиявий ишлар борасидаги маҳоратини оширишга қаратилмоқда.

Миллий армияни шакллантириш мобайнидаги яна бир муҳим жиҳат ҳарбий хизматчиларнинг оилаларини ижтимоий ҳимоя қилишга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Шу маънода уларни уй-жой билан таъминлаш, кафолатланган тиббий хизмат кўрсатиш, моддий ва маиший шароитларини янада яхшилаш борасида Президентимизнинг алоҳида эътибори туфайли амалий ишлар олиб борилмоқда. Бу эса ҳарбийларга қатор имконият ва имтиёз яратмоқда.

Юртбошимиз Қуролли Кучларнинг 20 йиллигига бағишлаб йўллаган байрам табригида кейинги беш йилда барча тоифадаги ҳарбий хизматчиларнинг ойлик маоши ўртача уч карра ошгани, муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларнинг ойлик маошлари ва ҳарбий хизматдан бўшаганда тўланадиган ёрдам пули миқдори эса саккиз баробар ўсганини таъкидлайди. Шунингдек, муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган шахсларни моддий ва манавий рағбатлантириш чоралари, жумладан, олий ўқув юртларига киришда уларга давлат томонидан имтиёзлар белгилаб қўйилгани, ишга жойлашишда амалий ёрдам кўрсатилаётганлиги

мамлакатимиз Қуролли Кучларидаги ҳарбий хизматнинг нуфузи ва обрўсининг янада юксалишида муҳим омил бўлмоқда.

Юқорида амалга оширилган ишларнинг ўз-ўзидан бўлмагани, қанча тўсиқлару қаршиликларга дадил туриб, Қуролли Кучларни ислоҳ қилишга йўналтирилган дастурга оғишмай риоя этилганини бугун кенг жамоатчилик яхши эслайди. Миллий армиямизнинг юртимизда яшаётган аҳил-иноқ миллатларидан ташкил топган офицерлари, аскарларининг сарҳадларимизни мустаҳкам ҳимоялаш ҳамда осойишталикни таъминлаш йўлида олиб бораётган саъй-ҳаракатлари натижасида эл орасида уларнинг нуфузи кундан-кунга ошиб бормоқда. Мазкур машаққатли ва шарафли касб эгалари меҳнатини қадрлаган Юртбошимиз томонидан ҳар йили 14 январь – Ватан ҳимоячилари куни сифатида кенг нишонланади. Ушбу сана арафасида йўлланадиган Президент табригида амалга оширилган ишлар таҳлил қилиниши баробарида бажарилиши лозим бўлган галдаги вазифаларга алоҳида эътибор қаратилади. Чунки, мамлакат чегарасини ҳар қандай хавф-хатардан ҳимоя қилиш учун аввало, ички мудофаани мустаҳкамлаш, миллий армиямизнинг ҳарбий тайёргарлик салоҳиятини ошириш, энг муҳими, халқимизнинг огоҳ ва сергак бўлишида катта масъулият бор.

Атрофимизга назар ташлайдиган бўлсак, бугунги глобаллашув даврида кўпгина ривожланган мамлакатларда иқтисодий инқирознинг салбий таъсирлари тобора кучайиб бормоқда. Энг ёмони, инсоният ҳаётига хавф солувчи халқаро терроризм, наркобизнес ҳамда турли оммавий таҳдид ва қуролли тўқнашувларнинг мавжудлиги бизни янада ҳушёрликка, ўз Ватанимизнинг ишончли ва қафолатли таянчи бўлишга ундайди. Биз бугунги тинч ва осойишта кунимизга шукрона айтиб яшаймиз. Биз ета олмаган орзуларга мана бугун фарзандларимиз етмоқда. Уларга билдирилган ишонч юки қанчалик залворли бўлмасин, албатта, улар халқига, Ватанига ва Президентига содиқ бўлишга интилиб яшайди. Бошқа соҳалардан фарқли ўлароқ, Ватан ҳимоячилари ўз вазифаларини бажаришга киришар экан, тантанали равишда қасамёд қиладилар ва бир умр ушбу қасамларига содиқ қоладилар.

Хабарингиз бор, 2010 йил 12 январь куни Президент Ислон Каримовнинг бевосита ташаббуси ва ғояси билан пойтахтимизда «Ватанга қасамёд» ҳайкали барпо этилди. Мазкур мажмуада халқимизнинг мард ва жасур ўғлони муқаддас байроғимизни кўзига тўтиё қилиб, Ватан ҳимояси учун, боболаримиз ётган азиз тупроқни кўз қорачиғидек асраб-авайлашга тайёр эканлигини қасамёд қилган ҳолда тасвирланган. Унга ҳамоҳанг тарзда фарзандига оқ йўл тилаб, қўлларини дуога очган она сиймоси акс эттирилган. Ушбу муҳташам ёдгорликнинг очилишига бағишлаб ўтказилган тантанали тадбирда Юртбошимиз шундай дейди: «Чиндан ҳам, ўзининг мустаҳкам иродаси, Ватанга садоқати билан ҳақиқий қахрамонликка тайёр бўлган ҳарбий ўғлонларни мен ўз фарзандларим, ўз болаларим, деб биламан ва улар учун бутун борлигимга беришга тайёрман». Бу сўзлардан руҳланган ҳар бир ватандошимиз, табиийки, қалбида юртга садоқат, ота-онага муҳаббат ва Юртбошига ҳурмат туйғуларини жо этади.

Дарҳақиқат, Қуролли Кучларимиз сафида онгли, ҳар томонлама етук тайёргарликка, замонавий ҳарбий сабоқлардан юксак билимга эга ҳарбий хизматчилар қаторида хотин-қизларнинг ҳам улар билан бир сафда туриб, ўз бурчларини шараф билан ўтаётганлиги муҳим ижтимоий-сиёсий воқеа эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Бугунги кунда ҳарбий хизматчи хотин-қизларнинг Қуролли Кучлар тизимининг турли соҳаларида собитқадамлик билан фаолият юритишаётганликларини фахр билан тилга оламиз. Улар ўз хизмат бурчларини виждонан бажариб, Она юртимиз хавфсизлигини таъминлашга ўзларининг муҳим ҳиссаларини қўшиб келишмоқда. Зеро, буюк файласуф Цицероннинг «Бизга ота-она, фарзанд, яқин ёру дўст ғоят қимматли. Лекин муҳаббат бобидаги барча тасавурларимиз биргина «Ватан» деган сўзда мужассам. Ватанга нафи теккудек бўлса, қайси виждонли одам унинг учун жон бермоққа иккиланар экан?» – деган фикрларини эслашнинг ўзи кифоя.

Бинобарин, тинчлик – бебаҳо неъмат экан, уни сақламоқ, авайламоқ, керак бўлса, бу йўлда жон фидо қилиш шу заминда яшаётган ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчидир. Таъкидлаш жоизки, осуда ҳаётимиз, мусаффо осмонимиз, азиз болажонларимизнинг қувноқ кулгуси, ота-оналаримизнинг фаровон умр кечириши юртимиздаги барқарорлик туфайлидир. Ана шундай эзгу ва савобли ишларни бажаришга Ватанимиз ҳимоячилари, тинчлигимиз посбонларига матонат, мардлик ва жасорат каби фазилатлар ёр бўлишини тилаб қоламиз.

Олим ЎСАРОВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси депутати.

АРМИЯМИЗ ҚУДРАТИНИ ОШИРИШДАГИ МУҲИМ ОМИЛ

Дунёга машҳур ёзувчилардан бирининг «кимдир уйғоқ бўлиши керак», деган иборасини ёндафтарчамга ёзиб олганман. Адашмасам бир асрча олдин айтилган гап бу. Бироқ моҳиятан ўзгаргани йўқ. Вақт, маконга бўйсунмайди, бу гап.

Англаган бўлсангиз, гап жисмоний уйғоқлик ҳақида кетмаяпти. Онг, шуур, қалб уйғоқлигини назарда тутган, ёзувчи. Қалби, онги уйғоқ дейилганда, кўз олдимга дарҳол юрт манфаатлари йўлида курашувчан, шу озод ва обод Ватан учун ёниб яшаш ҳисси устувор бўлганлар, бир сўз билан айтганда фаол ҳаётий позицияга эга бўлганлар келади. Шукрки, юртимизда бундайлар кўп.

Нега айнан бу омилга эътибор қаратяпмиз. Сабаби қалби, онгу шуури уйғоқ одамда миллатини, юртини ҳимоя қилиш қудрати юксак бўлади. Баркамол инсон, комил шахсни тарбиялашдек устувор мақсадимиз замирида ана шундай моҳият жамланганидан доимо қувонаман.

Ўтган йиллар миллий уйғониш учун, маънавий-руҳий бойликларимизни англаш, демакки Ватан, аждодлар олдидаги бурч, масъулият туйғуларини теран ҳис қилишимиз учун етарли бўлди. Ана шу уйғониш сабаб бугун ҳеч

кимдан кам бўлмаслик сари, яъни озод ва обод Ватан бунёд этиш йўлидан дадил боряпмиз.

Журналист сифатида халқ орасида кўп юрамиз. Одамлар билан тез-тез суҳбатлашамиз. Қувонарлиси шундаки, уларнинг қалбида, онгида улкан содир бўлаётганини сезасиз. Бугун халқимиз ўз тақдиримизни кўлимизга олиб, азалий қадриятларга суяниб, ривожланган давлатлар тажрибасини ҳисобга олиб, озод, эркин ва фаровон ҳаёт қуриш йўлидан бораётганимизни яхши англайди. Энг муҳими бундайин улкан имкониятларга мустақиллигимиз сабаб эканлигини билишади. Ана шу англаш, ана шу билишнинг ўзи қудратли бир куч. Бу куч одамларимиздаги фаол ҳаётий позициядандир.

Нега айнан шу тушунчага урғу беряпмиз? Сабаби бугун фаол ҳаётий позиция ҳар қачонгидан-да муҳим, зарур. Жаҳон миқёсида кечаётган глобаллашув жараёнида турли сиёсий кучлар ва марказларнинг «оммавий маданият» ниқоби остида аҳолининг кенг қатламлари, айниқса, ёшларнинг қалби ва онгини эгаллашга қаратилаётган уринишлари, ошкора ва пинҳона ахборот хуружлари тобора кучайиб бораётган бир пайтда воқеа-ҳодисаларга хушёр, сергак нигоҳ ташлашимиз, танлаган йўлимизда оғишмаслигимиз учун ҳам бу ўта муҳимдир.

Бунинг учун халқининг дарду ташвишлари, орзу интилишларини нафақат қалби ва юрагидан ўтказадиган, балки уларнинг рўёбида ақл-идроки ва тажрибаси, куч-ғайрат, азму шижоатини аямай сарфлайдиган етадиган инсон бўлиш талаб этилмоқда биздан. Қолаверса, халқи ва давлатининг манфаатларини тўла ифода этадиган ва уни собитлик билан ҳимоя қила биладиган, ҳар қандай қаршиликка қарамасдан уларни рўёбга чиқариш йўлида борлигини, керак бўлса жонини фидо қилишга тайёр бўлишимиз, шу руҳда яшашимиз билан ҳақиқий ватанпарварлигимизни – фаол ҳаётий позицияга эга эканлигимизни кўрсатамиз. Бунинг учун ўткир онг ва тафаккур, янгича фикрлаш ва доимий изланиш талаб қилинади.

Миллий армиямизга муносиб бўлиш масъулияти ҳарбий хизматчилардан энг аввало юрт тақдири ва истиқболига дахлдорлик туйғусидан келиб чиқиб, танлаган касбига ёндашишини тақозо этади. Бугуннинг посбони юксак ақл-заковати, мустаҳкам иродаси, Ватанига, халқига садоқати Қуролли Кучларимиз жанговар салоҳиятини оширишда муҳим омил эканлигини қалбан ҳис қилиши лозим. Ана шундай туйғу ва ҳиссиётни қалбидан кечирган ҳарбий хизматчида фаол ҳаётий позиция бўлади.

Президентимиз 2010 йил май ойида Фарғона вилоятига сафари чоғида ҳарбий қисмлардан бирига ташриф буюриб, «Она Ватанимизни асраш, ҳимоя қилиш бугун ҳар бир йигит учун шарафли ишга айланганлиги барчамизни қувонтиради, –Бу истиқлолимизнинг илк йилларидан миллий армиямизни ислоҳ қилиш йўлида олиб борилган кенг кўламли ислохотларнинг самарасидир. Бугун Қуролли Кучларимиз ўзининг жанговар салоҳияти билан кўпчиликка ўрнатилган бўла олади», –деган эди. Таъбир жоиз бўлса, айтиш лозимки, бу ёшларимизнинг юракларида юрт тинчлиги, Ватан равнақи йўлида улкан жасоратга, қахрамонликларга ундовчи орзулар

шаклланаётганидан. Истиклол авлодларидаги бундайин ёниқ туйғулар, орзулар аслида улардаги фаол ҳаётий позициядан.

Афсуски орамизда ташаббускорлик руҳи билан яшамайдиган, «сен менга тегма, мен сенга тегмайман» қабалида иш юритадиган, юрт манфаатлари йўлидаги ишга куюнчаклик билан ёндашмайдиганлар ҳам топилади. Ватан учун қандайдир ибратли иш қилиш ўрнига «бу менинг вазирамга кирмайди», деган қарашларнинг ҳам гувоҳи бўлганмиз. Тўғри-да, улкан мақсадлар сари чарчамай бориш, «мен бугун Ўзбекистоним равнақи йўлида нима иш қилдим?» деган ўй-фикр билан яшаш учун инсонга буюк қалб, метин ирода керак.

Ҳамкасбим оддий аскар Ринат Шеровнинг кўрсатган қаҳрамонлиги хусусида сўзлаб берганида тўғриси ҳаяжонланиб кетдим. Сув оқиб турган қувур ичига тушиб кетган 4 ёшли Дилзодбекни қутқариш учун аскар ўйлаб ўтирмай ўзини сувга отган. Бу ҳатти-ҳаракатига унинг жавоби шундай бўлди: «менинг ўрнимда ҳар бир йигит шундай қиларди». Шу мисолни бироз таҳлил қиладиган бўлсак, аввало аскарда бефарқлик, лоқайдлик йўқлигини ҳис этасиз. Кучи, билими зарур жойда ўзини аяб ўтирмаслигини ҳам. Бундайин куч миллий армиямиз сафларидаги кўплаб ўғлонларимизда бор. Негаки уларнинг депсиб уриб турган юракларида Ватан сурати акс этади. Негаки, бугун Ватан ҳимоячиси шунчаки бир тушунча эмас, жамиятда юксак мақомга айланди.

Ҳа, юрт тақдири ва истиқлобига дахлдорлик туйғулари, фаол ҳаётий позицияга армиянинг қудратини оширишдаги муҳим омил сифатида қарашаётган экан, бундайин ҳарбийларни ҳеч ким енга олмайди.

МУБОРАК ЙЎЛНИНГ МАНГУ БАРҲАЁТ ЙЎЛЧИСИ

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг шонли йигирма йиллиги ва Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан муҳтарам Юртбошимизнинг фармонида кўра мамлакатимиз сарҳадлари дахлсизлигини ва миллий хавфсизликни таъминлаш, миллий манфаатларимизни ҳимоя қилиш, тинчликни, барқарорлик ва жамоат тартибини мустаҳкамлаш борасидаги хизмат бурчини бажариш чоғида мардлик, жасорат ва фидоийлик кўрсатгани учун ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, мудофаа ва фавқулодда вазиятлар вазирликлари ходимларидан бир гуруҳи давлатимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирландилар. Улар орасида чегара қўшинлари ҳарбий қисми биринчи отлик гуруҳининг командири, сержант Мурод Тожиев (марҳум) ҳам «Жасорат» медали билан мукофотланган.

Қаҳрамон йигит Жомбой туманидаги 17 – умумий ўрта таълим мактабида таҳсил олган эди. Шу ерда давлатимизнинг юксак мукофотини Мурод Тожиевнинг рафиқаси Раъно Тоштемировага топшириш маросими бўлиб ўтди. Шу ўринда тадбирда сўзга чиққан МХХ Чегара қўшинлари кўмондонининг биринчи ўринбосари генерал-майор Носирбек Усманбековнинг фикр-мулоҳазаларини келтириб ўтишни лозим топдик:

– Барча даврларда ҳам она юрт, она Ватан учун сидкидилдан хизмат қилган фидойи инсонлар ўз замонасининг қаҳрамонлари бўлишган. Бугун ҳам бу ерда она Ўзбекистоннинг жасур фарзанди сержант Мурод Тожиевни хотирлаш, унинг сўнмас жасорати ҳақида айтмоқ учун йиғилдик. У ота-онасини, ўзи туғилиб ўсган Элатан қишлоғини севарди. Ватан деган қутлуғ сўзни шулар тимсолида деб биларди. У ҳаётининг сўнгги дақиқасигача Ҳарбий қасамёдига содиқ бўлиб қолди... Қаҳрамоннинг икки яшар ўғилчиси Шухратжон ўтказилаётнинг тадбирнинг моҳиятини тушунмайди, албатта. Бироқ, у онаси, бобоси, маҳалла-қўй томонидан такрор-такрор айтиладиган «Сен қаҳрамоннинг ўғлисан!» деган залворли сўзлар қудрати билан ўсади, улғаяди, камол топади... Яқинда туғилажак укаси ёки синглисига ҳам вақти келиб тушунтиради...

Ҳа, Мурод Тожиев Ватан ҳимоячиси деган шарафли номга муносиб эди. Шу куни тадбирга унинг синфдошлари, мактабдошлари ҳам сўзга чиқдилар. Улардан Нодир Ҳамдамов қаҳрамон йигит билан бирга ўқиган, кураш тўғарақларига бирга қатнашган:

– Синфимизда 23 ўқувчи эдик. Муроджон яхши ўқирди, бизга ҳам қизиқарли нарсалар ҳақида ҳикоя қилиб берарди. Спортга қизиқарди, футбол севимли ўйинимиз эди. Ҳарбий бўлиш болалик орзуси эди. Самимий, хушчакчақ бўлганлигидан барчамиз уни яхши кўрардик...

Биз собиқ мактабдошимиз Мурод ака Тожиевга ҳавас қилар эдик, – дейди 17-умумий ўрта таълим мактабининг ўқувчиси Феруз Бобобеков. – У билан фахрланамиз, уни ҳамиша ҳурмат билан хотирлаймиз. Мурод ака биз ёшлар учун халқимиз тинчлиги ва осудалиги, она Ватан ҳимояси учун жонини тиккан қаҳрамон тимсоли бўлиб қолади.

Мурод эндигина 28 ёшга тўлган эди. Бу ёшда инсон нималарни орзу қилади? Унинг орзулари ҳам ғоят оддий, ғоят инсоний эди. Чиройли уйлар қурмоқчи эди, тўйлар қилишни ният қилган эди, ота-онаси ундан мамнун бўлишларини истарди...

Ҳар гал Мурод каби она юрт учун жонини фидо қилган шерюрак ўғлонлар ҳақида гап кетганида шахидлар шоҳи деб улуғланадиган, «энг ноёб неъмат ростгўйлик ва қаҳрамонлик» деб билган мўйсафид ватанпарваримиз улуғ шайх Нажмиддин Кубронинг қуйидаги сўзлари ёдимга келади: «Ўлим йўли муборак йўлдур. Ватан учун ўлим топмоқ эса муқаддас одатдур. Худойим элчиси ўз ҳадисларида: «Ватан сарҳадини бир кун ҳимоя қилмоқ олтмиш йиллик нафл ибодатидан ортиқроқдур» демишлар. Илло, ўлимимиз бошқаларга ибрат бўлсин». Мурод ҳам ана шу муборак йўлнинг мангу барҳаёт йўлчисига айланди.

МЕҲРИБОН ОҒА, СОЛИҲ ФАРЗАНД...

Шу куни Мурод ҳақида кўплаб инсонларнинг илиқ фикрларини эшитдик. Улар орасида энг кўп айтилган фикр унинг меҳрибонлиги ҳақида бўлди.

Фарида қаҳрамон йигитнинг опаси. Ундан уч ёш катта. Иниси ҳақида кўп бора такрорлайдиган гапига эътибор беринг-а: «У менинг акам эди...»

Айрилиқнинг чўнг ғами ўртаган кезлар такрорланадиган бу сўзларга мен изоҳ бера олмайман.

Муроднинг рафиқаси Раъно шундай эслайди:

– Тез-тез қўнғироқ қилиб турардилар. Мудҳиш хабарни эшитишимиздан икки соат олдин бизга квартира ажратилгани ҳақида гаплашдик. Шароитларини, тузилишини гапириб бердилар. Гап орасида ўғлимиз Шухратжоннинг бўйи ўсиб қолгандир-а деб сўрадилар. Кулишдик. Чунки хизматга кетганларига бор-йўғи икки кун бўлган эди-да. Фарзандларим кўп бўлишини орзу қиламан, дердилар. Уч кундан сўнг бизни янги квартирамизга олиб кетмоқчи эдилар...

Шавкат қаҳрамон йигитнинг иниси. Ҳеч ким Муродни у каби яқиндан билмайди.

– Ҳар гал ота-онамни зиёрат қилиш учун келиб-кетганларида акамни мен кузатиб қўяр эдим, – дея хотираларини мен билан бўлишади Шавкат. – Охирги сафар келганларида орамизда шундай суҳбат бўлиб ўтди:

– Отам ҳам қариб қолдилар, уларга яхши қарагин. Аввалги эркаликларингни ташла энди.

– Мен уларга ҳар куни иссиқ нон билан асал олиб келаман, – дедим шоша-пиша ўзимни оқлаб.

– Шавкат, бу борада сен уларга жуда ҳам яхши қарайсан, – деди акам. – Аммо гап емак-ичмакда эмас. Уларга янада меҳрибонроқ, эътиборлироқ бўлишинг керак, ҳар қандай ҳолатда ҳам уларни раъйига қарасанг яхшироқ-да.

– Ташвишланманг, ака, ҳар икковларига ҳам яхши қарайман...

Бу орамизда бўлиб ўтган сўнги суҳбат экани ҳаёлимга ҳам келган эмас.

ОНА МЕҲРИ-ЛА ҚАЛБГА ИНГАН ГЎЗАЛ ФАЗИЛАТЛАР

Азиз ўқувчи, шу кунга қадар мен ҳам сиз каби она Ўзбекистон сарҳадларини тун-у кун матонат билан қўриқлаётган Мурод исмли посбон йигит борлиги ҳақида ўйлаб кўрмаганман. Укаси билан бўлган суҳбатда унинг нақадар латиф табиатли, гўзал хулқли инсон бўлганини теранроқ англадим. Келинг, бу ҳақда Шавкатнинг ўзидан тинглайлик:

– Онам Саида опа мен беш ёшда эканлигимда вафот этган. Бўстон онам ҳам меҳрибон. Аммо акам иккимиз ҳамиша онамни соғиниб эслардик, қўмсардик... Онам мактабда бошланғич синф муаллимаси эди. Ўқувчиларини ўз боласидек кўрар эди. Уйда ҳам уларнинг ташвишини қиларди. Бир куни Акбар исмли ўқувчилари (ҳозир унинг яхшигина касби ва оиласи бор) мактабга келмагани сабабини отамга айтиб турганларини аниқ эслайман. Қиш-қировли кунлар бўлиб, Акбарнинг оёғига кийиши учун ҳеч нарсаси йўқ экан. Онам унинг учун янги этикча сотиб олиб, отамни ҳам ишдан чарчаб келган бўлишига қарамасдан кечқурун ўқувчисининг уйига бирга боришга кўндирган эди. Болалар ҳам онамни яхши кўришарди. Айниқса, касал бўлиб ётиб қолганида ҳаммалари келиб уй юмушларига кўмаклашганларини ҳам эслайман.

Ҳа, қаҳрамон йигит гўзал инсоний фазилатларни онасидан – фидойи кишлок муаллимасидан олган экан. Бу фазилатлар она меҳри-ла унинг уйғок қалбига сингиб кетган. Яна Шавкатни тинглаймиз:

– Онам мени кўп эркалатар эди. Оиламиз жамулжам бўлган лаҳзаларда меҳрини шундай ифода этарди: «Мен эркатойим Шавкатни кўўп севаман, аммо Муродим бошқача-да. Ундан умидларим катта, кўп яхши кунларни Муродимдан кўраман, хали». Ака-ука мутолаа қилишни севардик. Таниқли ёзувчи Худойберди Тўхтабоев асарлари болалик дунёмизнинг беагаи бўлган. Севимли адибимиз Ўткир Ҳошимов асарларини талашиб ўқир эдик... Жониворларни, айниқса, отларни, итларни яхши кўрарди. Сафдошларининг айтишича отга чаптастик билан ўтириб, уларга ўз маҳоратини намоиш қилар, отларга меҳр кўрсатиш лозимлигини, улар ҳам бу меҳрни инсонлардан кам тушунмаслигини таъкидлар экан. Мурод акамни отамга ўхшатардилар. Бундан у жуда ғурурланарди. «Отамни бутун жомбойликлар танийди. Яхши шифокор деб макташади. Мени унга ўхшатсалар қувониб кетаман, шундай инсонни ўғли эканлигимдан фахрланаман», – дерди.

Қаҳрамон йигитнинг отаси Исмоил ака Тожиев узоқ йиллар Жомбой тумани поликлиникасида терапевт, кейинчалик рентгенолог бўлиб ишлаганлар. У кишини Жомбой туманида танимайдиган инсон бўлмаса керак. Эл соғлиғи йўлида заҳмат чекиб меҳнат қилган бу инсонни эли ҳам ардоқлайди. Эл юкига елкадош бўлишни отаси Исмоил ака ўзининг фидокорона меҳнатлари билан фарзанди қалбига сингирди. Унга эл хизматида бўлиш инсонни шарафлашини ўзи мисолида намоиш этди. Бугун Исмоил ака табаррук саксон ёшни қаршиламоқда.

– Акам ҳарбий хизматга қадар Самарқанд молия-иқтисодиёт коллежида таҳсил олган, – дея суҳбатини давом эттиради Шавкат. – Муддатли ҳарбий хизматни чегара қўшинларида ўтади. Айнан шу давр унинг ҳаётида муҳим ўрин тутди. Аскарликда ёзган хатларини ҳаммасини сақлаб қўйганман. Отамга шундай ёзган эди: «Ота, мени кўрсангиз танимай қоласиз. Аввалги шўхликларимни ташлаганман. Бу ерда масъулиятли бўлиш керак... Чегарачи эканлигимдан фахрланаман...» Бу хатлар ҳаммамизга олам-олам қувонч бахш этган. Муддатли ҳарбий хизматдан сўнг у ҳеч қаерга сиғмай қолди. Армия аллақачон унинг ҳаёт мазмунига айланиб улгурганди. «Инсон ўзи истаган ишни қилганида кўнгли ором олади. Ҳарбий ҳаёт бошқача-да. Ўзимни бошқа касбда тасаввур ҳам қила олмаяпман. Мен ўз тақдиримни, орзу-мақсадларимни шарафли касбда кўряпман...» Ҳа-а, ака-ука шу тахлит орзуларимизни бўлишардик. Ниҳоят ўзи орзу қилганидек ҳаётини армия билан боғлади. Жуда серғайрат, жўшқин табиатли эди: «Ўзим орзу қилган касбда хизмат қилаётганимдан хурсандман. Аммо, биласанми, юрагимнинг туб-тубида ўзимни энг керакли ишни қилмаётгандек ҳис қиламан. Қаҳрамонлик кўрсатсам дейман... Ахир яшаш дегани бу дунёга шунчаки келиб-кетиш эмас-ку». Тақдирнинг эврилишини кўринг... Мана, ўзи орзу қилганидек қаҳрамон ҳам бўлди... Биз ака-ука яқин дўстлар каби улғайдик. Рост, баъзан талашиб-тортишган пайтларимиз ҳам бўлган. Ҳаётда йўқотишларимиз ҳам кўп бўлди: аввал онам, ўн саккиз ёшли Умида опамиз...

Бундай қайғуни енгиш учун ёнингда оғанг бўлгани яхши экан. Энди эса ўша ишонган тоғим оғам йўқ... Ўнинг ўрни қанчалар билинаётганлигини билсангиз эди... Бир нарса кўнглимга таскин беради: у ўзи истаганидек яшади, орзу қилганидек ҳаётда муносиб ном қолдирди. Қахрамонлиги билан оиламизни, ўзи жондан севган Элатан қишлоғини, юртини шарафлади.

Ҳа, сержант Мурод Тожиев садоқатли хизмати билан она Ўзбекистонни шарафлади. Довруқли аجدодларига муносиб ўғлон эканлигини кўрсатди. Унинг ёрқин хотирасини она юрт ҳам ҳамиша меҳр билан ардоқлайди.

**Инобат ИБРОҲИМОВА,
«Ватанпарвар» мухбири.**

НИМА БЕРДИ?

АСКАРЛИК МАҚОМИ – ЮКСАК ВА МАСЪУЛИЯТЛИ

Шундай воқеалар бўладики, улар бир умрга ёдда қолади. Яқинда уйимдан деярли юз метрча нарироқда бир болакай йўлимни тўсди. У бошини баланд тутганча турар, аммо офицерлар фуражкиси (афтидан отасиникини кийиб олган) бошидан сирғалиб тушиб, кўзларини тўсиб кўяр эди. Мен фуражкани бироз кўтариб, ундан сўрадим:

– Сен кимсан?

– Мен – аскарман! – деди болакай ўйланиб ҳам ўтирмасдан. Бу сўзлар шундай фахр, самимийлик билан айтилдики, беихтиёр хаёлимга бу болакай ақлли, оққўнгил ва мардонавор инсонлар тарбиясини олган бўлса керак, деган фикр келди. Ахир тўғри-да, аскарлик – фахрли ва юксак мақоми.

Бугун, Қуролли Кучларимизнинг 20 йиллиги арафасида миллий армиямиз ҳаётидан ҳикоя қилувчи кўплаб мақола, кўрсатув ва эшиттиришлар бериб борилмоқда. Биз телевизор экранида замонавий жанговар машиналар, қудратли танклар, артиллерия қуроллари, замонавий самолётлар ва

вертолётлар, ракета мажмуалари, алоқа аппаратларини кўрмоқдамиз. Буларнинг барчаси қалбимизда чинакам фахр ва ғурур ҳиссини уйғотади. Аммо кўпинча ушбу янги ва энг замонавий ҳарбий техника ва курол-яроғлар, уларни мохирона бошқариш ва жанговар вазиятларда самарали қўллашга қодир бўлган ҳарбий хизматчиларимиз – офицерлар, сержантлар ва аскарларимизнинг қўлида эканлигини кўпинча ўйламаймиз. Таъбир жоиз бўлса, айнан улар замонавий миллий армиямиз қиёфасини белгиловчи инсонлар.

«Ватанпарвар» саҳифаларида офицер ва сержантларимизга хос фазилатлар ва сифатлар борасида ўтган сонларда ҳикоя қилганди. Бугун эса суҳбатимиз аскарлар ҳақида боради.

Келинг, тасаввурга эрк берайлик. Муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган аскар шаҳар кўчалари бўйлаб бормоқда. Унинг қад-қомати келишган, ихчам, ҳаракатлари ўзига ярашган, гап-сўзлари аниқ ва лўнда. Ҳарбий либосига ҳавасингиз келади – тоза, саришта ва чиройли. Қиёфасидан эса ўз қадр-қимматини билиши намоён бўлиб турибди. Рўпарасидан келаётган одамлар унга табассум билан қиё бокмоқдалар ва нигоҳларидаги самимийлик билан ортидан кузатиб қўймоқдалар. Бу, айтайлик, аскарларимиз қиёфасининг ташқи томони. Ички томони-чи? Буни қисқача таърифлаш мумкин – **бизнинг бугунги аскарларимиз бурчига, қадрдон замини, ўз мустақил Ватани, халқи ва Президентига содиқ ҳарбий. Ушбу қисқача таъриф ортида нималар турибди? Ёш йигитдан ҳар томонлама ривожланган, маънан бой шахсни шакллантириш учун бор маҳоратини ишга солаётган офицер ва сержантларимизнинг фидокорона меҳнати ётибди бунинг замирада. Бунинг натижаси ўлароқ, бугунги муддатли хизмат ҳарбий хизматчи – профессионал жиҳатдан яхши тайёргарликка эга бўлган, интеллектуал ривожланган, тиришқоқ ва мақсад сари интилувчан ишончли шахс. Бундай хислатлар оилада, мактабда, лицей ёки коллеждаёқ унда шакллана бошлаган. Ўз бурчини бажараётган аскар ўзига энг масъулиятли вазифа – Ватан ҳимояси ишониб топширилганини, унга сафдош дўстлари, командирлари, Ватани ва халқи ишонч билдирганини чуқур англайди. Бу ишонч қаердан келган? Унинг жанговар маҳорати, интизомлилиги, сафдошлар билан ўзаро муносабатлардаги софдиллиги, ўз вақтида ёрдамга кела олиш ва мураккаб вазиятда ўзини йўқотиб қўймаслик қобилиятидан. Бунга уни командирлар ўргатдилар ва буни у ҳарбий хизматдаги дастлабки қадамлариданоқ англаб олган.**

Балки кимгадир бугунги аскаримизнинг юқорида тилга олинган асосий белги ва хусусиятлари бўрттириб юборилгандек кўриниши мумкин. Аммо бу ерда ҳеч қандай муболаға йўқ. Юртбошимиз ташаббуси билан муддатли ҳарбий хизмат муддатининг бир йилгача қисқартирилиши, сафарбарлик чақируви резервидаги хизматнинг жорий этилиши, муддатли хизмат ҳарбий хизматчилари учун турли имтиёзларнинг белгиланиши ва умуман ҳарбий хизмат нуфузи ва ижтимоий-сиёсий аҳамиятининг ошиши **ёшларнинг ҳарбий хизматга бўлган муносабатини тубдан ўзгартирди.** Бунинг натижасида армияда хизмат қилиш истагида бўлганлар сони ортди ва ҳарбий

хизматга чақирув танлов асосида амалга ошириладиган бўлди. Яъни, **Ватан химояси энг муносибларга ишониб топширилмоқда.** Демак, танловдан ўтиш учун унга билим жиҳатидан ва жисмонан пухта тайёрланиш лозим.

Танловдан муваффақиятли ўтган ёш йигит ишончли устозларнинг кўлларга тушади. Уларнинг ҳар бири ғамхўр ва эътиборли командирлар, тарбиявий ишлар органи офицерлари, самимий ва олийҳиммат офицер ва сержантларга дуч келишади. Улар **аскарнинг шаклланиш даврида унга хойрихоҳлик қилиш, оталар ва акаларча ғамхўрлик кўрсатиш,** хушмуомалалик ва самимийлик катта аҳамиятга эга эканлигини жуда яхши тушунадилар. Ва ўзларига ишониб топширилган ҳар бир аскарни танлаган соҳасининг мутахассисига, интеллектуал, маънавий-руҳий, ахлоқий ва жисмонан ривожланган шахсга айлантириш учун барча куч, билим ва тажрибаларини аямайдилар.

Қуролли Кучларни ислоҳ қилиш мобайнида яна бир ўзига хос хусусият намоён бўлди. Жамиятчилик онг-шуурида Қуролли Кучларга халқ билан чамбарчас боғланган, давлатчилигимизнинг энг муҳим таркибий қисмларидан бири ҳамда **армия ва халқ якдиллигига асосланган** умумий фахрланиш объекти сифатида қаралмоқда.

Ушбу ажойиб хусусият чуқур илдизларга эга. Улар, айтиш мумкинки, буюк Амир Темур давридан бошланган бўлиб, Соҳибқирон «Мен доимо ўз сипоҳийларимга ҳурмат билан муносабатда бўлганман» деган. Шунингдек, «Давлатнинг қудрати – қўшинлар ва халқнинг садоқати ва фидокорлигида», деб таъкидлаган. Бугунги кунда бу хусусият халқига хизмат қилувчи ва унга содиқ ҳарбий хизматчи шахси бўлган давлатимиз, ижтимоий тузумимиз мазмун-моҳиятини ифодалайди. Бундай армияни севмай ва бугунги аскарларимиз билан фахрланмай бўлмайди.

Бу Президентимиз ташаббуси билан бошланган туб ҳарбий ислохотларнинг изчил ва муваффақиятли амалга оширилаётгани ҳамда ҳарбий хизматчиларимизнинг ўз мустақил Ватанига бўлган чексиз муҳаббатлари, мустақиллик ғояларига содиқликларининг ёрқин намунаси ва исботидир.

Ҳарбий хизматчиларимизнинг жанговар ўқувда, айниқса Қуролли Кучларимизнинг 20 йиллигини муносиб кутиб олиш учун ўтказилаётган ўзаро мусобақалардаги муваффақиятлари ҳам айнан шу билан изоҳланади.

Мамлакатимиз Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош қўмондонининг кўрсатмалари, Мудофаа вазири ва Бирлашган штабнинг талаблари мусобақанинг бош негизини ташкил этади. Ушбу кўрсатмалар ва талаблар доирасида қабул қилинган мажбуриятлар аскарларимиз кундалик хизматининг асосий йўналишларини худди маёқдек ёритмоқда, уларнинг руҳий ва эмоционал кайфиятини оширмоқда ҳамда ўз ҳарбий бурчига нисбатан масъулиятни шакллантирмоқда. Олинган мажбуриятларни бажариш учун кураш – аскарнинг профессионал ўсиши ва ҳарбий жамоанинг жипслашиши, унда соғлом маънавий-ахлоқий муҳитни юзага келтиришнинг қудратли воситасидир. Юқорида айтилганларга хулоса қилиб, шуни таъкидлаймизки, бугунги аскар – бу ҳар томонлама ривожланган шахс.

Бу – замонавий жангда зарур бўлган юксак ахлоқий-жанговар ва рухий сифатларга эга бўлган, олий бурчи – ҳар қандай мураккабликдаги вазифаларни бажаришга доимо жанговар шай ҳолатда бўлиш, ўз жанговар маҳоратини, ижтимоий-сиёсий билимларини мунтазам ошириб бориш, маънавий-маърифий савиясини кенгайтириб бориш, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ҳарбий хизматчиси шарафи ва шаънини юксакларга кўтариш бўлган инсондир.

Бугунги аскар – халқимизнинг фахри ва ғурури. Ҳеч шубҳасиз, у ўз ота-онаси, қариндош-уруғлари ва таниш-билишларини қувонтиради ва, ишонаманки, миллионлаб кишиларда ўз мустақил Ватани, Қуролли Кучлар ва унинг машаққатли, аммо масъулиятли ва шарафли ҳарбий хизматни ўтаётган шавкатли ўғлонларига муҳаббат сингари юксак ва олижаноб ҳис-туйғуларни уйғотади.

Шавкатли юрт ўғлонларининг қалби ва онги, уларнинг билими ва малакалари, низомларга бўлган ҳурмати ва Ватан ҳимоячисидек юксак мақом билан фахрланиш ҳисси бир бутун бўлиб бирлашган.

Ёш, эндигина ривожланиб келаётган авлод вакили билан бўлиб ўтган тасодифий учрашув менда ана шундай ҳис-туйғуларни уйғотди. Мен бу болакай қиёфасида нафақат бугунги ва бўлажак Ватан ҳимоячиларининг улуғворлиги ва кўтаринкилигини, балки халқимиз руҳиятининг мустаҳкамлиги, келажакка ишончи, улкан маънавий ва ахлоқий салоҳияти ҳамда мустақиллик ютуқларини мардонавор ва ишончли ҳимоя қилишга қодирлигини кўрдим.

**Анфим ХЛИЗОВ, истеъфодаги полковник,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси.**

ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИ ТҶРТ ЯШАР БОЛАНИНГ ХАЛОСКОРИ

ёхуд чўкаётган Дилзодни қутқарган оддий аскар Шеров ҳақида

Мустақиллик йилларида миллий армиямиз амалда ёшларни маънавий, жисмоний жиҳатдан баркамол, эл корига камарбаста, эл-юрт манфаатларини ҳар нарсадан устун қўйишга тайёр инсон сифатида вояга етказадиган матонат ва ҳаёт мактабига айланди. Армия эртанимиз эгаларининг орзу-умидлари, онгу-шуурида катта ўзгаришлар ясамоқда, уларни Ватан эртаси учун қайғурадиган, мамлакат тараққиётига муносиб ҳисса қўшишга қодир инсонлар қилиб тарбияламоқда. Айни пайтда миллий армиямиз сафида йигитлик бурчини адо этаётган бухоролик оддий аскар Ринат Шеровнинг ҳаётида ҳам муддатли ҳарбий хизмат туб бурилиш даври бўлди.

... Сержант Зафар Валиев командирлик қилаётган гуруҳ дала шароитидаги ўқув машғулотларида иштирок этмоқда. Кичик командир қўл остидаги посбонларни машғулот режаси билан таништириб, уларнинг ҳар бирига алоҳида вазифа юклади. Муддатли ҳарбий хизматчилар соҳа бўйича билимларини намойиш қилиб, жанговар вазифани белгиланган вақт ичида муваффақиятли бажаришди. Шундан сўнг кичик командир гуруҳга қисқа танаффус эълон қилди. Ўзи эса машғулот натижаларини таҳлил қилишга киришди. Шу пайт оддий аскар Ринат Шеров кимнингдир ёрдам сўраб бақираётган овозини эшитиб қолди. Командирга дарҳол бу ҳақда ахборот берди. Командир нима рўй берганини билиб келиш учун оддий аскар Шеровни воқеа жойига юборди. Одамлар тўпланган жойга етиб борганда, кичкинагина боланинг сув оқиб турган қувур ичига тушиб кетгани маълум бўлди. Аскар йигит ҳеч иккиланиб ўтирмай, шу заҳоти ўзини сувга ташлади...

ТҮРТ ҲИЛНИНГ ТҮНГИЧИ

Бухоронинг Олот туманини билмайдиган киши бўлмаса керак юртимизда. Одамлари самимийлиги, дангаллиги, чўрткесарлиги билан ном чиқарган. Қадим одатлар, эзгу анъаналар бешиги бўлган нузли бир манзил. Ана шу туманнинг «Баҳористон» маҳалласидаги Шеровлар хонадонини ҳамма ҳурмат билан тилга олади. Оила бошлиғи Мирзо ака балиқчиликка ихтисослашган фермер хўжалиги раҳбари. Хонадон бекаси Дилбар опа эса мактабда бошланғич таълим ўқитувчиси. Англаганингиздек, улар суяги меҳнатда қотган, эл корига ярашни шараф деб биладиган инсонлар. Табиийки, бундай инсонлар тарбиясини олган фарзандлар ҳам эзгу фазилатлар эгаси бўлиб улғайиши аниқ.

Тўрт фарзанд – эл-юртга кўрғон паҳлавондек тўрт ғилни вояга етказётган бу оилага маҳалла аҳли ниҳоятда ҳавас қиладилар. Боиси, фарзандлар ота-она орзулагандек эзгу фазилатлар эгаси бўлиб улғайишмоқда. Уларнинг меҳнатсеварликларини, бирдамликларини айтмайсизми?! Маҳаллада бирор-бир хашар уюштириладиган бўлса, кўни-кўшнилardan кимникидадир тўй-маърака ўтказиладиган бўлса, тўртовлон ташкилотчилик, уюшқоқликда барчага ўрнат бўлади. Бир оғизгина илтимос қилсангиз бўлди, шу заҳоти ёрдамга ошиқадилар, оғирингизни енгил қиладилар. Албатта, ўғлонларнинг бундайин меҳнатдан бўйин товламайдиган, одамларга қайишадиган, камтарин инсонлар бўлиб етишишида ота-онанинг ўрни, хизматлари бекиёс. Чунки оилада фарзанд айнан ота-она ибрати, намунаси ва ўғитлари орқали муомала-муносабатни ўрганади. Бугун Шеровлар хонадони фарзандларини кўрган борки, ота-онасига ич-ичидан раҳмат айтади. Айниқса, кексалар «Ўғил бола деган мана бунақа бўпти-да!», дейишади ҳавас билан.

Ринат – ана шу тўрт ғилнинг тўнғичи. Биламизки, ўзбек хонадонидида бош фарзанднинг зиммасида катта масъулият бўлади. Оиланинг кичиклари катталар мисолида ўз ҳаётий қарашларини, қизиқишларини шакллантиришади. Ринат оилада ана шундай масъулият остида улғайди. У билан суҳбатлашаркансиз, оғир-вазмин, мулоҳазали йигитлардан эканига амин бўласиз. Сўзларидан билимли эканлигини англаш қийин эмас. Бу унинг мактабда яхши ўқиганидан. Тумандаги 19-умумтаълим мактабини аъло баҳоларга тамомлаган шунқор таҳсилни Бухоро олимпия захиралари коллежида давом эттирди.

СПОРТ – ҲАЁТИНИНГ МАЗМУНИ

Мақоламиз қахрамони тўққиз ёшидан буён спортнинг дзюдо тури билан мунтазам шуғулланиб келади. Дзюдога меҳр қўйишига отаси сабаб бўлган. Унинг биринчи мураббийи ҳам айнан у киши. Оддийгина фермер хўжалиги раисидан қандай мураббий чиқарди, демокчимисиз? Хулоса чиқаришга шошилманг. Мирзо ака ўз даврида бир неча бор республика ва собиқ иттифоқ чемпионлигини қўлга киритган. Шовинистик мафкура ҳукмронлик қилган, ўзбек халқи мудом камситилган, қайси жабҳада бўлмасин эл назарига тушган ватандошларимизнинг оёғига турли қинғир йўллар билан болта уриш «русум» бўлган пайтларда бундай натижага эришишнинг ўзи улкан жасорат бўлганини катта авлод вакиллари яхши билишади, чуқур ҳис қилишади. Англаганингиздек, спортда катта маҳорат ва тажрибага эга бўлган ота ўғлига дзюдонинг мумтоз усулларини қунт билан ўргатди. Қонида бор эмасми, Ринат ҳам сабоқларни тез ўзлаштириб олар, машғулотларда кечагина ўрганган усулларни маҳорат билан қўлларди. Ўғлидаги истеъдод учкунларини эрта пайқаган Мирзо ака уни юртимизнинг энг машҳур полвонларидан бири – дзюдо бўйича Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси мураббийи Фарҳод Тўраев олдига етаклаб боради. Бу даргоҳда Ринат янада тоблани, чиниқди, ўз кучига ишончи ортди. Ёшлар билан ишлаш, уларни юксак натижаларга руҳлантириш ҳадисини олган халқаро тоифадаги спорт устаси Ф. Тўраевнинг ҳар бир сабоғи унинг ёдида бир умрга муҳрланар, машғулотларда борини бериб шуғулланишга ундарди. Мазкур саъй-ҳаракатлар бесамар кетмади. Натижалар тез орада бўй кўрсата бошлади.

Даставвал, 2007 йилда ўсмирлар ўртасидаги вилоят биринчилигида иштирок этган Ринат 66 кг вазн тоифасида барча рақибларини мағлубиятга учратиб, олтин медални қўлга киритди. Кетма-кет яна икки йил вилоят биринчилигида ғолиб бўлди. Шунингдек, 2008

йилда вилоят ҳокими соврини учун ўтказилган турнирда бош соврин билан тақдирланди. Шундан сўнг ўғлон Ўзбекистон чемпионатида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди. 2009 йилда Тошкент шаҳри мезбонлик қилган республика биринчилигида 73 кг.гача вазн тоифасида фахрли 2-ўринни эгаллади. 2010 йилда қўшни Туркменистон Республикасида ўтказилган халқаро мусобақада кумуш медалга сазовор бўлди. Мазкур муваффақиятлари эвазига унга иккинчи даражали спорт устаси мақоми берилди.

ҲАРБИЙ ХИЗМАТГА ЧОРЛОВ

Машғулотлардан ажралмаган ҳолда коллеждаги ўқишини ҳам давом эттирган шижоатли йигит 2009 йилда уни муваффақиятли тамомлади. Шундан сўнг ўзи ўқиган 19-умумтаълим мактабида ёшларга спорт сирларини ўргата бошлади. Бир йилдан ортиқроқ вақт ичида элликдан зиёд шогирд тайёрлади, уларнинг аксарияти туман, вилоят, республика миқёсидаги турнирларда совриндор бўлди. Ана шундай кунларнинг бирида туман мудофаа ишлари бўлимидан унинг номига чақирув қоғози келди. Табиийки, у ҳеч иккиланмай зиммасидаги конституциявий бурчини ўташга отланди. Яхши таълим-тарбия олган, серғайрат, шижоатли ўғлонга белгиланган кўрик-танловлардан муваффақиятли ўтиш қийинчилик туғдирмаганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Чақирилувчилар ичида энг юқори кўрсаткичлардан бирини қайд этган шунқор муддатли ҳарбий хизматга муносиб деб топилди.

Бугунги кунда офицер Қудрат Раҳимов командирлик қилаётган ҳарбий қисмда ўқчи вазифасида бурчини ўтаётган оддий аскар Р. Шеровни кўпчилик интилувчан посбон, довюррак ва шижоатли ҳарбий хизматчи сифатида билишади, ҳурмат қилишади. Хизматнинг илк кунлариданоқ илғорлар сафидан жой олган шунқор юклатилган вазифаларни ўз вақтида бажариши, масъулиятни чуқур англаши, теран фикрлаши билан командирлари назарига тушди. Бундан ташқари, у соҳага оид назарий ва амалий машғулотларда ҳам юксак натижаларни қўлга киритиб келаётир. Полвон йигит бўш вақтларини ҳарбий қисмнинг спорт залида ўтказади, сафдошларига ҳам қўлидан келганча дзюдо, кураш сирларини ўргатиб келмоқда.

– Эр йигитнинг ҳар томонлама чиникиши, машаққатларга чидамли бўлиб камол топишида ҳарбий хизматнинг аҳамияти катта, – дейди қисм командирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари офицер Турсунмурод Холматов. – Бежизга армияни ҳаёт мактаби, деб аташмайди. Бу ерда фарзандларимиз ҳар томонлама тобланишади, билим олишади, қатор ижобий фазилатларга эга бўлишади. Оддий аскар Шеровни хизматга келган илк кунларданок яхши биламан. У қисмимиздаги энг илғор, дунёқарашли кенг, маънавияти бой посбонлардан бири. Жанговар, маънавий-маърифий тайёргарликлар бўйича доимо юқори натижаларни қўлга киритиб келмоқда. Мен айниқса, ундаги илмга ташналик, изланувчанлик, ҳар қандай вазиятда тўғри қарор қабул қилиш хислатларини юксак кадрлайман. Чунки бундай Ватан ҳимоячисидан келажакда кўп нарса умид қилса бўлади. Армиямиз сафларида ана шундай жисмонан баркамол ва маънан етук йигитларнинг хизмат қилаётгани тинчлигимиз ишончли қўлларда эканининг белгисидир.

ЖАСОРАТГА УНДАГАН КУЧ

«Армияда хизмат қилиш ҳар бир ёш ҳаётидаги жиддий синовдир. Бу ерда у чиниқади, ҳаётни тушунади, ўз кучига ишонч ҳосил қилади», деб таъкидлайди муҳтарам Юртбошимиз. Дарҳақиқат, ўғлонларнинг ҳар томонлама камолга етиши, яхши фазилатлар эгаси бўлиб шаклланишида муддатли ҳарбий хизматнинг ўрни, аҳамияти катта. Чунки фарзандларимиз Қуролли Кучларимиз сафларида зиммаларидаги конституциявий бурчларини ўташ баробарида ҳарб илмининг билимдонлари, она юртимизнинг ишонган қалқонлари, маънан ва жисмонан баркамол авлод, мард ва жасур Ватан ҳимоячилари бўлиб шаклланмоқдалар.

... Тўрт ёшли Дилзодбек сув бўйида ўйнаб ўтирар эди. Бир пайт қўлидаги ўйинчоғи сувга тушиб кетди. Нима қилишни билмай, чор-атрофга қаради. Ён-верида кўмакка келадиган ҳеч ким йўқ. Ҳаялласа, ўйинчоғи оқиб кетадигандек туюлди шекилли, ўзи уни олишга чоғланди. Қўлини узатиб, энди ушлай деган ҳам эди, бирдан «лоп» этиб сувга тушиб кетди. Кўчадан ўтаётган ўқувчилардан бири воқеани кўриб қолди ва бор овози

билан одамларни ёрдамга чақира бошлади. Бир зумда ўн беш-йигирма чоғли одам тўпланди. Аммо ҳеч кимнинг сувга тушиб, болани олиб чиқишга юраги бетламай турарди. Чунки оқиб турган сув Дилзодни қувур ичига тортиб киритиб кетган эди-да. Шу пайт воқеа жойига етиб келган оддий аскар Ринат Шеров дарҳол ўзини сувга отди ва бир уринишда қувурнинг ичига киришга ҳаракат қилди. Бироқ кираверишда қувурдан чиқиб турган металл сим уни жароҳатлаб, аксига олиб камаридан илиб ҳам қолди. Ана шундай қалтис вазиятда ҳам у ўзини йўқотиб қўймади. Камарини узиб ташлаб, яна олға интилди. Шу пайт гавдасининг орқа томонида оғриқ хиссини туйди. Бироқ ҳозир бу ҳақда ўйлашга вақт йўқ. Болақайни топиш керак. Ниҳоят сув остида ҳаво етишмай аллақачон ҳушини йўқотган болани топди. Шундан сўнг бир қўлида болани ушлаб, иккинчи қўли ёрдамида орқага тисарила бошлади. Бироқ қанча уринмасин, сув оқими уни олдинга суриб ташлайверди. Вақт тиғиз, ҳар бир дақиқа ғанимат, шароит тез ва аниқ ҳаракат қилишни талаб этарди. Йўқса, бир инсон ҳаёти бой берилиши мумкин. Ана шундай мураккаб шароитда аскар йигит фавқулодда топқирлик кўрсатиб, болақайни юқорига олиб чиқишга муваффақ бўлди. Бир қўллаб орқага ҳаракатланиш фойда бермагач, боланинг кийимидан тишлаб олди-да, икки қўли ёрдамида орқага тисарила бошлади. Режа иш берди. Қувур оғзига етиб келганларида сувнинг ўзи уларни юқорига чиқариб ташлади. Куз фасли эмасми, ҳар иккисига совуқ сув ўз таъсирини кўрсатиб улгурган эди. Уларга дарҳол биринчи ёрдам кўрсатилди. Айниқса, тўрт яшар мурғак болани ҳушига келтириш осон бўлмади. Узок уринишлардан сўнг унда тириклик аломатлари кўринганда, барча енгил тин олди. Бундан ҳаммадан кўпроқ Ринат қувонди. Демак, ҳаммаси жойида, ҳаракатлари бесамар кетмабди. Жабрдийда дарҳол шифохонага юборилди. Бир неча кунлик муолажадан сўнг Дилзод яна чопқиллаб юриб кетди...

– Она учун бу дунёда энг катта бойлик фарзандларининг камолини, ҳузурини кўришдир, – дейди Дилзоднинг онаси, Сардоба тумани А. Абдуллаев кўчаси 6-уйда яшовчи фуқаро Сора Холбўтаева. – Фарзандлар кўрар кўзимиз, улар билангина биз оналарнинг турмушимиз ширин, ҳаётимиз мазмунли. Менинг ҳам уч нафар фарзандим бор. Бир киз, икки ўғил. Уларнинг атрофимда чуғурлаб, кийкириб ўйнаб юрганини кўрганимда, барча ташвишларимни унутаман, уларнинг шўхликларидан роҳат оламан. Ахир она учун бундан ортиқ яна қандай бахт бўлиши мумкин? Яқинда ўртанча фарзандим Дилзодбек бир ўлимдан қолди. Рўзғор ишлари билан чалғиб, унинг кўчага чиқиб кетганини билмай қолибман. Эътиборсизлигимиз натижасида у зовур ёқасида ўйнаб ўтириб, сувга тушиб кетибди. Аскар йигит Ринат Шеровнинг жасорати, саъй-ҳаракатлари эвазига унинг ҳаёти сақлаб қолинди. Бунинг учун унга, мана шундай мард, жасур, фидойи ўғлонни тарбиялаган ота-онасига мингдан-миг раҳмат. Улардан бир умр миннатдорман. Фарзандларимнинг ҳам Ринатбек сингари эл ҳавас қиладиган баркамол инсонлар бўлиб улғайишини, халқига, юртига фойдаси тегишини ният қиламан.

– Маҳалламиз ҳудудида рўй берган воқеа барчамизни ҳаяжонга солди, – дейди «Бахмал» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Файзулла Шовруқов. – Ўз ҳаётини хавф остига қўйиб, бир инсон умрини асраб қолиш фақат айтишгагина осон. Бунга ҳар ким ҳам журъат қилавермайди. Қувонарлиси, оддий аскар Р. Шеров қатъият билан ана шу мураккаб вазифани муваффақиятли бажариб, барчага ўрнак, намуна бўлди. Ватан ҳимоячисига хос, мардлик, жўмардлик саҳиби эканини исботлади. Бунда бугунги кунда ёшларнинг миллий армиямиз сафларига ҳар томонлама саралаб олинаётганининг ҳам ўрни катта бўлган, деб ҳисоблайман. Шу боис ҳам ҳозирда муддатли ҳарбий хизматни ўтаб қайтган ўғлонлар ҳар ерда ўзининг фаоллиги, қатъияти, ҳар қандай шароитда тўғри қарор қабул қила олиши, Ватан манфаатларини, юрт қорига ярашни ҳар нарсадан устун қўйиши билан ажралиб туради. Ана шундай фарзандларимиз билан ҳар қанча фахрлансак, уларнинг мардлиги ва жасоратини бошқаларга ибрат қилиб кўрсатсак арзийди.

Ҳа, чиндан ҳам бугун Қуролли Кучларимиз сафларида ҳар томонлама баркамол, сара ўғлонлар хизмат қилмоқда. Ўз навбатида армия уларнинг дунёқароши, тафаккурида катта ўзгаришлар ясамоқда, эртанинг эгаларини эл-юртга фидойи, маънавияти юксак фарзандлар

қилиб тарбияламоқда. Ишончим комилки, оддий аскар Ринат Шеровнинг ўрнида бошқа бир посбон бўлганида ҳам ҳеч иккиланмай ана шундай жасоратга қўл урган бўларди.

Муддатли ҳарбий хизматчи, оддий аскар Р. Шеровнинг кўрсатган қаҳрамонлиги Сирдарё вилояти Сардоба тумани ҳокимлиги томонидан муносиб тақдирланди. Шижоатли йигит билан хайрлашиш олдидан, унинг келгусидаги орзу-ўйлари, режалари билан қизиқдим. «Шартнома бўйича хизматни давом эттирмоқчиман, ҳаётимни юрт кўришга бағишламоқчиман», деди у баралла. Бу орзунинг моҳиятида дахлдорлик ҳисси, мардликка, жасоратга ташналик ётибди. Табиийки, бундай кўрғонлари бор юртни маҳв этиб бўлмайди!

Жамшид НИЁЗОВ.

ЮРАГИМИЗДА, ТАФАККУРИМИЗДАГИ ИШОНЧ

Чақирув маҳали жияним Аброр Очилов кўнғироқ қилиб қолди. Сафарбарлик чақируви резервидаги ҳарбий хизматга олинганини қувонч билан сўзлади. Ўзи олий маълумотли. Коллежда болаларга дарс беради. Яқинда кўриб қолдим. «Ойлик маошимдан бадалларни тўлаяпман. Севимли ишимни ҳам бемалол давом эттиряпман», дейди. Ҳа, ҳар бир соҳада кечаётган ўзгаришлар одамларимизда эртанги кунга ишонч ҳиссини шакллантирмоқда.

Ўз танлаган тараққиёт йўлимиздан дадил одимлар эканмиз, ўз кучимиз, қудратимиз, бунёдкорона меҳнатимизга таяндик. Эришаётган ютуқларимизга назар ташлар эканмиз, улар замирида мана шу омиллар муҳим ўрин эгаллаб келаётганини англаймиз.

Яхши биламиз, мустақиллик йилларида эришган энг катта бойлигимиз – халқимизнинг тинч ва осуда ҳаётидир. Бу бежиз эмас, албатта. Биз тинчликсевар халқмиз. Тинч-осойишта кечган кунларимиз учун доимо шукроналар келтириб яшашга ўрганганмиз. Айнан тинчлик ва осойишталик туйғули ишимизда барака бор.

Яқинда Бухорога борганимда шахримизни танитай қолибман. Айниқса «Бухоро маданий маркази» мажмуи ёнидан ўтганда кишининг баҳри дили очилади. Ўзига хос меъморчилик анъаналари ва замонавий архитектура андозалари уйғунлигида барпо этилган 700 ўринли вилоят мусикали драма театри, икки минг томошабинга мўлжалланган амфитеатр, «Кўҳна ва боқий Бухоро» монументига қараб, «эртанги ҳақиқатга айлантираётган миллат кучни қаердан оляпти?», дейсан беихтиёр. Жавоби ҳам тайёр: тинчлик-осойишталик, эртанги кунга умид ва ишонч. Бундаин янгиланиш ва ўзгаришлар юртимизнинг ҳар бир гўшасида амалга ошмоқда.

Тинчлик ҳақида бежиз сўз очмадик. Халқимизнинг тинчлиги ва хавфсизлиги, сарҳадларимиз дахлсизлиги замирида табиийки ҳар жихатдан қудратли, қурол-яроғ ва ҳарбий маҳоратда ҳеч кимдан кам бўлмаган миллий армиямиз бор. Қуролли Кучларимиздаги ҳар бир янгиланиш, ўзгаришлар ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди. Чунки бугун жамиятда, фуқароларимиз онгу тафаккурида ҳарбий хизматга ишонч ва ҳурмат туйғуси юксалиб бормоқда.

Мақоламизни сафарбарлик чақируви резервидаги ҳарбий хизмат ҳақидаги мисол билан бошладик. Келинг, жамиятимизда ҳарбийликнинг

нуфузи ва обрўси ҳақидаги фикримизни мазкур хизмат тури борасидаги айрим мулоҳазалар билан давом эттирайлик.

Аввало даврнинг ўзи резервчилар тузилмасини шакллантириш принциплари, уларнинг мақоми, вазифалари, тинчлик даврида ҳам, уруш шароитида ҳам мамлакат мудофаа қудратини мустаҳкамлашда улардан самарали фойдаланиш, усул-услублар белгилаб беришни олдимизга қўйди. Бу хусусда Президентимиз Ислон Каримов 2002 йилда иккинчи чақирик Олий Мажлис тўққизинчи сессиясидаги маърузасида сўз юритиб, тузилажак махсус комиссияга мамлакатимизда Қуролли Кучлар захираси, яъни резервчилар институтини ташкил этиш концепциясини ишлаб чиқиш вазифасини ҳам юклаш, бунда резерв хизмати самарали фаолият кўрсатаётган тараққий топган мамлакатларнинг тажрибасини чуқур ўрганиш асосида резервчилар тузилмасини шакллантириш кераклигини таъкидладилар.

Хуллас, орадан бироз вақт ўтиб, аниқроғи 2002 йилнинг 12 декабрида «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида» қонун тасдиқланиб, унга кўра, сафарбарлик чақируви резервидаги хизмат жорий этилди.

2003 йилнинг баҳоридан, навбатдаги чақирувдан эътиборан фуқаролар янги хизмат турига олина бошландилар. Яъни муддатли ҳарбий хизматни ўташга яроқли ҳамда чақирилиш муддатини кечиктириш ва чақирилишдан озод этилиш ҳуқуқига эга бўлмаган, бироқ Қуролли Кучлар сафига навбатдаги муддатга чақирилмаган шахслар сафарбарлик чақируви резерви сафига олинди. Қонунга мувофиқ резервчилардан, хусусан сафарбарлик чақируви резервидаги ҳарбий хизмат сафига олинган фуқаролардан уруш даврида ҳам, тинчлик даврида ҳам мамлакатимизга қарши ҳарбий тажовуз таҳдиди ва хавфсизлигимизга таҳдид туғилганда, қолаверса табиий офатлар ҳамда фавқулодда вазиятлар оқибатларини бартараф этишда фойдаланилиши белгиланган.

Қосим ака деган кўшним бор. Сафарбарлик чақируви резерви сафига олинган жиянини ойлик йиғинга жўнатишларини сўраб, туман мудофаа ишлари бўлимига борибди. Режа асосида йиғинга албатта жўнатишларини айтиб, уни тинчлантиришибди. «Дўстларидан бири ойлик йиғинни ўташни бошлаган экан. Мен қолиб кетаман-ми, дея ҳовлиқиб, хаяжонланибди. Тезроқ мени ҳам жўнатишса, эгнимга ҳарбий либос кийсам, соҳанинг илк сабоқларини олсам, дея ота-онасининг ҳам ҳоли-жонига қўймабди» - воқеани қисқача шундай баён қилиб берди кўшним.

Буни эшитиб, очиғи қувондим. Негаки униб-ўсиб келаётган авлод туғилиб ўсган юртига, мустақил Ватанига қандай бўлса-да фойдаси тегишини ўйлаб, фикрляпти. Жаннатмакон Ўзбекистонимизга, унда кечаётган янгилашу ўзгаришларга ўзини-да дахлдор сезишга, жараёнда фаол иштирок этишга интилаётганини фақат ва фақат қутлаш керак.

Рустам Ўрунов Тошкент давлат темирйўл муҳандислари институтини тугаллаб, муҳандис сифатида фаолиятини бошлади. «Янги хизмат тури ҳақида менга мудофаа ишлари бўлимида атрофлича маълумот беришди.

Иккиланиб ўтирмасдан сафарбарлик чақирuvi резервидаги ҳарбий хизматни танладим. Албатта бунинг учун муддатли ҳарбий хизматга яроқлиманми, йўқми, шуни аниқлашди. Ҳа, ҳа айнан юрт хизматига яроқлилигим текширилди. Мана, йиғинни ўтаб келганимга ҳам уч ойча бўляпти. Бугун баралла айта оламан – мен ҳам конституциявий бурчимни ўтадим. Ватан учун керакли эканлигимни яна бир бор англадим». Юрагига сиғдира олмаган қувончини ана шундай баён этди, йигит.

- Ойлик йиғин турли маънавий-маърифий учрашувларга ҳам бой бўлди. Ҳарбий ҳисобда турадиган ихтисосликка эга бўлиб, бу борада зарур сабоқлар олдик. Бизга сафарбарлик чақирuvi резервидаги хизмат ёшлар учун улкан имкониятлар эшигини очаётганини мисоллар ёрдамида айтиб беришди. Шу қисқагина муддатда йиғин иштирокчилари маънавиятини, дунёқарашини бойитишга улкан эътибор қаратилаётгани олий маълумотли мутахассис сифатида мени қувонтирди, - дейди университетни тугаллаб, йиғинда фаол қатнашган Фирдавс Аҳмедов.

Дарҳақиқат, имкониятлар ҳақидаги фикр муболаға эмас. Бугун сафарбарлик чақирuvi резервидаги хизмат сафига олиниб, ойлик йиғинни ўтаб, олий ҳарбий билим юртларига, сержантлар тайёрлаш мактабларига ўқишга кирган, ҳуқуқ-тартибот органларида ишлаётган кўплаб ёшларни биламан. Бу янги хизмат тури уларда Ватан ҳимоячиси, мустақил Ўзбекистон манфаатларининг посбони бўлишдек орзуни, ҳавасни шакллантираётганидан.

Ислохотлар Қуролли Кучларимизнинг жанговар куч ва имкониятларини сезиларли даражада ошириб, бутун армиямизнинг қиёфасини тубдан ўзгартираётгани, ёшларимиз ўртасида ҳарбий хизматнинг обрў-эътиборини юксак даражага кўтараётганини кўриб, билиб кўнгилдан фахр, ифтихор туйғулари кечади. Бундаин лаҳзаларда мустақиллик берган улуғ неъматлардан бирига - оддий одамларимиз онгу шууригача Ватан, ватанпарварлик, шу муқаддас тупроққа дахлдорлик туйғуларининг сингиб бораётганига шукрона келтиришга чоғланасан.

ОЗОДЛИКНИНГ ҚАДР-ҚИММАТИНИ АНГЛАШ МАСЪУЛИЯТИ

БУГУНИМИЗ ҚАҲРАМОНЛАРИ

Фаолиятимни ҳарбий журналист сифатида 1996 йилда бошлаганман. Маиший мавзуларда қалам тебратиб юрганим учунми, янги мавзу - ҳарбийлар фаолияти мен учун очилмаган бир кўриқдек бўлди. Таниқли бир журналистнинг «ҳарбий-ватанпарварлик ҳақиқий эркакча мавзу», деганича бор экан. Қаҳрамонингиз бажараётган машқнинг мураккаблигию машаққатини ҳис қилиш учун унга тақлидан ҳаракат қилишга ҳам тайёр турасиз. Ҳамкасбларимдан бири хатто машқ жараёнига қизиқиб кетиб, аскар билан бирга эмаклаб кўргани эсимда. «Мақола ёзиш осонроқ экан», деган эди ўшанда у. Ўзи ҳарбий бўлмагани учун ҳам оддийгина машқ унга машаққатдек туюлган. Бироқ бу гапи билан юрт посбонига, унинг мураккаб ишига ҳам тан берган эди-да.

Йиллар ўтгани сайин миллий армиямиз аскарлари шаклланиб борди. Ҳар сафар уларнинг мураккаб машқларни юксак маҳорат билан бажараётганини, энг замонавий қурол-аслаҳаларни моҳирона бошқараётганини кўриб, кўнгилдан фахр, ғурур туйғулари кечади. Бундан чамаси олти йил муқаддам россиялик ҳарбийлар билан ҳамкорликда ўтказилган машғулотлардан бир олам таассурот олгандим. Айниқса, ҳамкорларимиз ҳарбийларимизнинг тоғ тайёргарлиги бўйича малакаси, маҳоратига, баланд чўққилардан арқон ёрдамида ерда юргандек эмин-эркин тушиб келишига қойил қолишгани, «кинодаги бэтменга ўхшашади-я» дейишгани кечагидек ёдимда.

Баъзан ўйлаб қоламан. Юрт сарҳадида турганда, уни ҳимоя қилаётганда аскарнинг кўнглидан нималар кечаркин? Айни ўша лаҳзалардаги туйғуларни қоғозга тушириб бўлармикин? Ҳаракат қилиб кўрганман. Кўнглим тўлмаган. Оналарнинг аллаларга қўшилган эзгу орзуларини, гўдакларнинг ширин уйқусини, оталарнинг умидларини, умуман Ватан, халқнинг бугуни, келажакни кўриқлаётган бедор қалбни ҳис қилганман. Бироқ бор ранги билан қоғозга тушира олмаганман. Ёзганларимга қарайман: «пост бошлиғи сокин оқаётган дарёга, шамолда тебранаётган қамишзорга қараб туриб ўй суради: «Шу ердан менинг юртим бошланади. Унда боболарим ҳоки бор. Униб-ўсган қишлоғим бор. Болалигим, орзу-ниятларим шу ерда. Шу заминга илдиз отганман. Замин меники, мен заминники. Мен ундан илдизимни суғуриб ололмайман». Бу «Жасорат» медали билан тақдирланган мард чегарачи офицер ҳақида қоралаганларим экан.

Фаолиятимда кўп фидойи ҳарбийлар билан учрашганман. Бугунимиз қаҳрамонларини ўзимча кашф этганман. Уларнинг қиёфаси менга аллақачон таниш бўлиб улгурган. Она юртимнинг посбони бўлишдан, муқаддас заминимизни, нузли истиқбол сари интилаётган Ўзбекистонимизни ҳимоялашдек, тинчлик-осойишталигини таъминлашдек масъулиятдан фахрланишаётган фидойилар улар.

Мардлар касбин танлаганлар ҳақида қоралаганларимни бир-бир кўздан кечирар эканман, ҳали энг яхши мақоламни ёзолмадим, дейман ўзимга-ўзим. Қониқмаслик ҳисси мени изланишга ундайди. Ватан ҳаловатини кўриқлаш эвазига ҳаловат топадиганлар ҳақида ёзишни касб қилганимдан ич-ичимдан ғурурланиб кетаман.

Шу ўринда миллий армиямиз ҳақида қалбимга сиғмаётган ҳаяжонни ўртоқлашгим, муҳим тарихий воқеалардан айримларини яна бир бор тилга олиб ўтгим келди.

ЯНГИЧА ТАФАККУР ШАКЛЛАНМОҚДА

Миллат қачон эркин яшайди? Ўзи танлаган тараққиёт йўлини ҳимоя қилолганида. Айнан шунинг учун ҳам миллий армиямизни барпо этиш масаласига давлат ва жамият қурилишининг ғоят муҳим, узвий бир қисми сифатида эътибор қаратилди.

«...Тарихнинг ўзи бизга мустақил Ўзбекистон армиясини оёққа турғизиш, унинг муҳим қисми бўлган малакали мутахассисларни тайёрлайдиган академияга асос солиш имкониятини берди». Бу фикрлар 16 йил муқаддам, аниқроғи 1995 йилнинг 2 сентябрида Қуролли Кучлар академиясининг тантанали очилиш маросимида Президентимиз томонидан

билдирилганди. Ўша тарихий кунда чинакам ватанпарварлар, ўз ишининг малакали мутахассисларидан иборат профессионал армияни барпо этиш йўлида яна бир муҳим одим ташланди.

Вазирлар Маҳкамасининг қарорига кўра, Қуролли Кучлар академиясига офицер кадрларни тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш, Мудофаа вазирлиги ҳарбий таълим муассасаларининг зарур илмий-методик ва ахборот-таҳлилий йўналишларини белгилашдек устувор вазифалар белгилаб берилди.

Мазкур таълим даргоҳида янгича тафаккурни шакллантириш, ўзимизда ва бошқа мамлакатларда тўпланган илғор тажрибаларни ўрганиш, таҳлил қилиш баробарида олиб борилган ишлар ўз самарасини берди. Олий кўмондонлик таркибидаги офицерларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашдек улкан мақсадлар йўлида фаолият юритаётган Қуролли Кучлар академияси бугун мудофаа қурилиши соҳасидаги илмий-амалий тадқиқот ва ишланмаларни мувофиқлаштириш, мамлакатимизда ҳарбий таълимни ривожлантириш каби устувор вазифаларни оғишмай амалга ошириб келмоқда.

Подполковник Ўктам Ўрунов истиқлолнинг 20 йиллик тўйи арафасида Қуролли Кучлар академиясини аъло баҳоларга битирди. Интеллектуал жиҳатдан юксак, аналитик ва стратегик фикрлаш қобилиятига эга бу офицернинг онгида, тафаккуридаги ўзгаришлар кишини қувонтиради. Бундан келиб чиқадиган мақсади - билими, кучи, салоҳиятини юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги йўлида сарфлаш йўлидаги интилиши эртанги кунга ишончидан.

2002 йилдан эътиборан замон талабларига жавоб берувчи сержантлар тайёрлаш мактаблари ташкил этила бошланди. Бундаин таълим муассасаларига армиямизни профессионал асосга ўтказишнинг муҳим бўғини ва шарти сифатида эътибор қаратилди. Шуни қувонч билан эътироф этиш лозимки, бугун сержантлар тайёрлаш мактабларимиз янгича мазмун, янгича қиёфа касб этган. Аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, бундаин ўқув масканлари замонавийлаштирилиб, энг илғор технологиялар, жиҳозлар билан таъминланди. Моддий-ўқув базалари шакллантирилди. Сержантлар тайёрлаш мактабларидаги йўриқчи, ўқитувчилар таркиби професссионаллашди. Демакки, ўқув-тарбиявий жараён ҳар томонлама сифатли ташкил этилмоқда. Яна бир муҳим жиҳати шундаки, сержантликка номзодларни танлашнинг муайян тизими вужудга келди. Яъни сержантлар тайёрлаш мактабларига ўқишга киришда номзодларнинг умумтаълим, интеллектуал даражасига улкан эътибор қаратиб келинмоқда. Бир сўз билан айтганда, бундаин саъй-ҳаракатларнинг бари миллий армиямизнинг суянчи ва таянчи бўладиган сержантларни тарбиялашга қаратилди. Хуллас, ҳарбий таълим тизимидаги ислохотлар Қуролли Кучларимиз таркибини сифат жиҳатидан бутунлай ўзгартирди. Натижа - миллий армиямиз сафлари бугунги кун талабларига жавоб берадиган, пухта тайёргарликка эга, интеллектуал жиҳатдан етук мутахассислар билан тўлаётгани.

ШАРАФЛИ ВА ФАХРЛИ ИШ

2002 йилнинг ёзи. Президентимиз Ислон Каримов иккинчи чақириқ Олий Мажлис тўққизинчи сессиясида маъруза қилиб, малакали экспертлардан иборат комиссия тузишни, унинг олдига Қуролли Кучлар захираси, яъни резервчилар институтини ташкил этиш концепциясини ишлаб чиқиш вазифасини қўйди. Бунда резервчилар тузилмасини шакллантириш тамойиллари, уларнинг мақоми, вазифалари, тинчлик даврида ҳам, уруш шароитида ҳам мамлакат мудофаа қудратини мустаҳкамлашда улардан самарали фойдаланиш усул-услуглари белгилаб бериш кўрсатилди. Орадан бироз вақт ўтиб, аниқроғи иккинчи чақириқ Олий Мажлис ўнинчи сессиясида «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида» янги қонун қабул қилинди. Қонунга кўра муҳим янгилик – сафарбарлик чақирув резервидаги хизмат жорий этилди. Бугун ёшларимиз нафақат муддатли ҳарбий хизматга, балки сафарбарлик чақирув резервидаги хизматга ҳам шарафли, фахрли иш деб қарашмоқда.

МАЪНАВИЙ ЖАСОРАТГА УНДОВЧИ КУЧ

2004 йилнинг феввали. Президентимизнинг Фармойишига кўра Қуролли Кучлар бўйича «Энг илғор мутахассис» танлови ташкил этилди. Танловдан кўзланган мақсад, унинг замиридаги моҳиятни англаб, дарҳол қўлга қалам олдик. Ахир, бу юксак маънавиятли, салоҳиятли ҳарбийни шакллантириш йўлидаги муҳим янгилик эди-да. Қўшинлардаги жанговар тайёргарлик тизимини янада такомиллаштириш, Қуролли Кучлар турлари, хиллари ўртасидаги ўзаро тезкор уйғунликни таъминлаш, шахсий таркибнинг жанговар ўқув тайёргарликларини сифатли ўзлаштиришини таъминлаш кўзда тутилганди.. Ҳарбий хизмат нуфузини янада ошириш, Ватанга, танланган мардлар касбига муҳаббатга йўғрилган анъаналарни шакллантириш каби олижаноб вазифалар мужассам эди, бу мақсаднинг замирида.

Ортада қолган ўқув йили якуни бўйича Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртидан бир йўла икки нафар офицер мазкур танлов ғолиби бўлганди. Яқинда билим юрти бошлиғининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари подполковник Улуғбек Дўсматов билан суҳбатлашиб туриб, гап орасида ғолиблар ҳақида сўрадим. «Бири Қуролли Кучлар академиясига ўқишга кирди. Иккинчисининг лавозими ошиб, масъулиятли вазифага тайинланди», деди у. Ана шунақа гаплар. Ҳарбийларимиз касбий ўсишларини рағбатлантиришга, уларнинг интеллектуал салоҳиятлари, етакчилик сифатларини шакллантиришга, қўшинларда юксак маънавий-жанговар рух, соғлом рақобат муҳитини яратишга замин яратаётган – мана шу танлов бўлади. Ўз ҳаётини армиясиз тасаввур этолмайдиган, ҳарбий хизматни шунчаки иш эмас, Ватан, халқ олдидаги муқаддас бурч, деб биладиган мардларни кашф этаётган, бугун анъанага айланиб улгурган танлов ҳақида ҳаяжонга тўла сатрлар ҳали кўп битилади.

Қалб бедорлиги, онг, шуур уйғоқлигида гап кўп. Талотўп дунё биздан шунини талаб этмоқда. Юқорида биргина соҳа – миллий армиямиздаги ўзгаришлардан айримларинигина тилга олдик. Қўлга киритилган бу

ютуқларни сақлаб қолиш, аждодлар олдидаги бурч, масъулиятни ҳис қилиш учун аввало мустақилликнинг кадр-қимматини англаш лозим. Шунда юрагимизда маънавий жасоратларга ундовчи куч пайдо бўлади.

Алижон САФАРОВ.

ЭЛГА, ЮРТГА ҚЎРҒОН БУНДАЙ МАРДЛАР (Ёхуд қидирувдаги жиноятчини ушлаган сержант ҳақида)

Қадимий Бухоро шаҳри ўзининг маданияти ва кўҳна меъморий обидалари ҳамда етук олиму фузалолари билан дунёга машҳур. Шаҳардаги Баҳовуддин Нақшбандий номли маҳалла эса табиатининг гўзаллиги, кишиларининг меҳмондўстлиги ва очиқкўнгиллиги билан донг таратган.

Бугун сизга ҳикоя қилмоқчи бўлган қаҳрамонимиз – сержант Руслан Раимов ҳам шу маҳаллада туғилиб, вояга етган. У яқинда жасорат кўрсатиб, инсонийлик ва хизмат бурчини намунали бажарганлиги учун Мудофаа вазирининг биринчи ўринбосари – Қуролли Кучлар Бирлашган штаби бошлиғининг «Эсдалик нишони» билан тақдирланди. Мақоламизда унинг кўрсатган жасорати ва касбига бўлган меҳри ҳамда инсонийлик фазилатлари хусусида сўз юритамиз. Албатта, инсоннинг оқил ва хушфеъл бўлиб камол топишида оила ва маҳалладаги муҳит муҳим ўрин тутаети. Русланнын болалиги, ҳарбийлик касбига бўлган қизиқиши ва қўлга киритган ютуқлари талайгина.

БОЛАЛИКДАН ЙИГИТЛИК САРИ

...Ўғил бола борки, ёшлигидан ўртоқлари билан аскар-аскар ўйнайди. Балки мана шу даврдан унинг қалбида юрт ҳимоячиси бўлишдек орзу шаклланса, ажабмас. Руслан ҳам болаликнинг ширин, беғубор онларини бошидан ўтказиб, вояга етди. У улғайди, мўйлаби» сабза» уриб, овози йўғонлашиб, йигит бўлди. Бу вақт оралиғида замонавий таълим масканларида ўқиб, дунёвий илмларни ўзлаштирди, илк ҳарбий билим ва кўникмани ҳам шу даврда олди. Олдида йигитлик бурчини ўташдек шарафли вазифа турибди. У ўз устида ишлайди, спорт билан шуғулланади, тафаккурини янада юксалтиради. Боиси, у аскарликнинг, юрт ҳимоячиси бўлишнинг қанчалик масъулиятли, шарафли эканлигини яхши билади. У мудофаа ишлари бўлимига йўл олди. Уни бу ерда кўп синовлар кутиб турибди. Улардан бирин-кетин ўтишни бошлади. Саралар ичра сараланиб, муддатли ҳарбий хизматни ўташга лойиқ топилди. Ота-онасининг дуосини олиб, йигитлик бурчини ўташга жўнади.

– Шу куни хурсандчилигимнинг чеки йўқ эди, – дейди у ҳаётидаги энг нутилмас лаҳзаларни эслаб. – Бироқ, келажакда ҳаётимни шу соҳа билан боғлашимни билмасдим, ўшанда. Энг қувончлиси мен аскар, юрт ҳимоячиси бўлгандим. Бунга қизиқишимга оиладаги муҳит ҳам сабабчи бўлган. Онам Людмила Раимова Қуролли Кучлар хизматчиси сифатида мудофаа ишлари бўлимида фаолият юритар эди. У домо ҳарбий соҳа билан боғлиқ маълумотларни, воқеаларни айтиб берар, кимнинг фарзанди армияга бориб, ютуқларга эришаётганини, ота-онасига раҳмат олиб келаетганини фахр билан

гапирарди. Булар менинг қалбимда аскарликка, ҳарбий бўлишга кун сайин ҳавас уйғотарди. Бу ҳавас бора-бора орзуга айланиб, ўша кун келишини интиқлик билан кутардим ва ўзимни ҳар томонлама тайёрлаб борардим. Ниҳоят ўша кун келди. Мен армия сафига – муддатли ҳарбий хизматни ўташга жўнадим.

ҲАЁТ МАКТАБИ САБОҚЛАРИ

Руслан ҳаёт мактабида чиниқиб, тоблана бошлади. Офицер ва сержантлардан ҳарбий соҳа билимларини пухта ўзлаштиришга интилди. Шунингдек, турли маданий-маърифий ва спорт тадбирларида, жанговар тайёргарлик машғулотларида қатор ютуқларни қўлга киритди. Буларнинг барчаси унинг қалбида шарафли касбга бўлган қизиқишини янада орттирди. Муддатли ҳарбий хизматни намунали тугатган ўғлон ҳеч иккиланмасдан ҳаётини ҳарбийлик билан боғлаб, хизматини шартнома бўйича давом эттиришга қарор қилди. Мана шунга ҳам ўн бир йил бўлибди. Бу вақт оралиғида у ўз соҳасининг етук мутахассисига айланди. Айни кунда Мудофаа вазирлигида хизмат қилаётган сержант Р.Раимов жанговар шайликни сақлашга кўшган муносиб ҳиссаси учун «Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучларига 15 йил» кўкрак нишони билан тақдирланган. Хизматдаги ютуқлари учун ота-онаси номига ташаккурнома йўлланди. Ота-онаси улғайтирган фарзандларининг камолидан, ютуғидан фахрландилар.

ЖАСОРАТГА УНДАГАН КУЧ

Юқорида таъкидлаганимиздек, яқинда у яна бир жасорат кўрсатиб, билдирилган ишонччи оқлаб, хизмат ва фуқаролик бурчини намойиш этди.

...Кўчада кетаётган Руслан аёл кишининг ёрдам сўраб чақирган овозини эшитди. Англадики, бир ожиза унинг ёрдамига муҳтож. Ўша томонга югурди. Етиб келиб, билдики икки жиноятчи аёл кишининг бўйнидан қимматбаҳо тақинчиғони юлиб олиб, қочиб кетишган. Жабрланувчи Екатерина Сергова жиноятчилар қочган тарафни кўрсатди. Юртнинг, халқнинг тинчлигини, ҳаловатини асрашни касб қилган, шунга шасамёд қилган ўғлонга бурчи куч берди. Йўлтўсарлик қилиб, бир ожизага таҳдид қилиб, жиноятга қўл урганлардан нафратланди. Бурч масъулияти, жасорат уни мисоли шерга айлантди. Чаққон, эпчил ҳаракатлари билан Руслан бир зумда, бир неча вақтдан буён қидирувда бўлган жиноятчи қувиб етиб, ушлади ва Учтепа туман ички ишлар бошқармаси ходимлари ихтиёрига топширди.

– Оилавий шифохона олдидан кетаётгандим, – дейди жабрланувчи Е.Сергова. – Бундаин воқеа содир бўлишини хаёлимга ҳам келтирмагандим. Кўчада одамлар кўп эди. Бироқ уларнинг кўпчилиги ёрдам сўраб, ёлворишимга бепарво қарашди. Бир зумда олдимда эпчил, истарали бир йигит пайдо бўлди ва ёрдам беришга тайёр эканлигини, ўзимни қўлга олиб, унга вазиятни тушунтиришимни айтди. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай у жиноятчини тутиб келди. Бу йигитдаги жасорат ва инсонийликка тан бердим.

Билсам, у ҳарбий хизматчи экан. Ана шундай мард, жасур, бурчига содик ҳарбийлар тинчлигимиз посбони эканлигидан ғурурландим.

– Бу жинойтни содир қилганлар анча вақтдан буён қидирувда эди, – дейди Учтепа тумани Ички ишлар бошқармаси бошлиғи вазифасини вақтинча бажарувчи подполковник А.Қодиров. – Ҳарбий хизматчи, сержант Р.Раимов кўрсатган жасорат ҳар томонлама таҳсинга лойиқдир. У бу ҳаракати билан нафақат жинойтчиларни тутишга ёрдам берди, балки яна содир бўлиши мумкин бўлган жинойтларнинг ҳам олдини олишга муносиб ҳиссасини қўшди. Унинг фаол фуқаролик, ҳаётий позицияси, хизматига бўлган садоқати, инсонийлик туйғуси барчага ўрнак бўлди.

– Бундайин ҳолатга бефарқ қараб кета олмасдим, – дейди қаҳрамонимиз. – Ўйлайманки, менинг ўрнимда бўлган ҳар қандай киши ҳам ёрдамга муҳтож бўлиб турган одамга кўмак қўлини чўзган бўларди. Мен ўз фуқаролик бурчимни бажардим. Ҳарбийликда камол топаётганим, ҳаёт мактабида чиниқиб, тобланганим ҳам менга анча ёрдам берди. Мен ҳамиша, ҳар он ўз фуқаролик бурчимни бажаришга тайёрман.

ЁШЛАРГА ЎРНАКДИР ШИЖОАТИ

Яқинда сержант Р.Раимов иштирокида ҳарбий телекоммуникация йўналишидаги Тошкент академик лицейида давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда лицей ўқитувчи ва ўқувчилари, ички ишлар бошқармаси ходимлари қатнашди. Руслан бўлиб ўтган воқеа мисолида ҳар ким ҳар қандай вазиятда ўз фуқаролик бурчини фидойиларча бажариши лозимлигини ёшларга – бўлғуси Ватан ҳимоячиларига тушунтирди. Унинг сўзларини катта ҳаяжон билан тинглаган ёшлар қалбида ҳам акалари каби жасорат кўрсатишга иштиёқ пайдо бўлган бўлса, ажабмас.

– Бугунги суҳбат ўта қизиқарли ва ҳаяжонли бўлди, – дейди лицей ўқувчиси Жуманазар Сафаров. – Сержант Раимов воқеани айтиб берар экан, уни ҳаяжон билан эшитиб, шундай жасорат кўрсатган акамизнинг мардлигига, юксак инсоний хислатига қойил қолдик. Унинг инсоний фазилатларидан ўрнак олиб, биз ҳам у каби мард ва жасур бўлишга интиламиз.

Ҳа, сержант Руслан Раимов инсонийлик ва фуқаролик бурчини шараф билан бажарди. Бу билан жамиятимиздаги нопок кимсаларнинг қилмишларига яраша жазо олишларига ҳамда содир бўлиши мумкин бўлган яна бир қанча жинойтнинг олдини олишга сабаб бўлди. Ишончимиз комилки, у кўрсатган жасорат кўпчиликка ўрнак бўлиб, кишиларни, айниқса ҳарбий хизматчиларни доимо фаол ҳаётий позицияга эга бўлишига ундаб туради.

**Лейтенант Ахрор ОЧИЛОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.**

ҲАРБИЙ ЛИБОС БАХШ ЭТГАН КУЧ

Ҳар гал қишлоққа борсам, одамларимизнинг ҳаёт тарзи, ширин ташвишларини кузатиб, тинчлигимизга шукрона айтаман. Қаердадир тўй, яна бир жойда маърака, бир оилада чақалоқ йиғиси, яна аллақерлардан

болаларнинг шодон кулгиси эшитилади. Буларнинг барчаси тинчлик ва осойишталик туфайлидир.

Ватанга хизмат қилиш бизга боболардан мерос. Шу боис бўлса керак, ўзбек ўғлонлари аскар-аскар ўйнаб улғаяди, эсини танигач, эгнига ҳарбий либос кийиш, юрт кўриш орзуси билан улғаяди. Айниқса, истиқлолга эришганимиздан сўнг ҳарбийлик юртимизда орзуга сазовор касбга айланди, халқимизнинг армияга муносабати тубдан ўзгарди. Буларнинг барчаси Қуролли Кучларимизда амалга оширилган кенг кўламли ислохотлар самараси албатта.

Сафарбарлик чақируви резервидаги ҳарбий хизмат миллий армиямизда амалга оширилган ислохотлар мевасидир. Қонунга кўра ҳарбий хизматни ўташга яроқли, аммо навбатдаги чақирув давомида Қуролли Кучларимизга чақирилмаган фуқаролар сафарбарлик резервидаги хизматга жалб этилишади. Таъкидлаш жоизки, хизматнинг бундай янгича тури олий ўқув юртида таҳсил олаётган, ишлаётган ёки илмий фаолиятини давом эттираётган, аммо Ватан олдидаги бурчини ўташга орзуманд ёшларга улкан имкониятлар эшигини очмоқда. Мен ҳам бундай имкониятдан унумли фойдаланиб, жорий йилда сафарбарлик чақируви резервида ҳарбий хизматни ўтаб қайтдим.

Ўқувчилик пайтимда ўртоғимникига боргандим. Мақтанганича яқиндагина ҳарбий хизматдан қайтган акасининг аскар кийимини кийиб келди. Унга жуда ҳам ҳавасим келди. Эсимда, ўшанда мен ҳам уларни кийиб кўргандим. Ўшанда вужудимда қандайдир ғайритабиий кучни, алланечук ҳиссиётни туйган эдим. Бир пайт нимадир бўлиб, ўртоғим билан олиша кетдик. Бошқа маҳал унинг курагини ерга текказиш тугул, бел олишишга ҳам ҳаддим сиғмасди. Аммо ҳарбий кийим кийганимдаги кайфият ва ботиний қувват билан ўшанда ўртоғимни даст кўтариб йиқитганим кечагидек ёдимда. Ана шу ҳисни сафарбарлик чақируви резервидаги хизмат мобайнида росмана туйдим.

Ойлик ўқув-йиғин мобайнида биз махсус дастур асосида соҳага оид энг муҳим назарий ва амалий билимларни ўзлаштирдик, ўрганганларимизни дала-ўқув машғулотларида синовдан ўтказишга ҳам муваффақ бўлдик. Бир гал ҳамма аскарлар саф тортганча батальон командирининг сўзларини тинглаяпмиз. Қоматлар тик тутилган, бутун диққат-эътибор барча гапларни уқиб олишга қаратилган. Шу маҳал ҳарбий қисм девори оша мўралаётган бола пайдо бўлди, кўп ўтмай иккинчиси кўринди. Тўғри, ҳарбий қисм масъулларининг ҳушёрликлари боис улар дарҳол жойларини тарк этишди. Бироқ бу мурғак қалблардаги болаларча қизиқиш, хаёлий тасаввур уларни бу масканга мўралашга ундаган бўлса не ажаб. Балки орадан йиллар ўтиб ўша кичкинтойлардан бири айнан мана шу ҳарбий қисмга командир бўлиб ишга келар.

Лицейда ўқиб юрган кезларимда чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик фани ўқитувчиси билан биргаликда Ватан ҳимоячилари куни олдидан катта дастур тайёрлаган эдик. Ўқитувчимиз туман мудрофаа ишлари бўлими масъуллари ёрдамида ҳаммамизга ҳарбий либос топиб келганди. Ўша пайтдаги қалбимизда кечган ҳаяжонни ҳечам унутолмайман. Ўзимизни гўёки

хақиқатдан ҳам ҳарбий хизматдамузу командирларнинг олдида ҳисобот берадигандек тасаввур қилгандик. Бир томондан узок вақт давомида кўрган тайёргарлигимиз бошқаларга манзур келармикан, деган хавотир ҳам йўқ эмасди кўнгилларда. Аммо биз бу ишни уддаладик. Ўшанда айтган саф кўшиқларимиз, сахналаштирган дастуримизни ўқитувчиларимиз, тенгқурларимиз хали-ҳануз мароқ билан эшлашади. Ростини, вазифамизни муваффақиятли бажарган бўлсак-да, кўпчилигимиз байрамга муносиб тайёргарлик кўришимиз учун бизни жуда «қийнаган» ўқитувчимиздан узок вақт давомида ранжиб юргандик.

Орадан йиллар ўтиб, сафарбарлик чақирув резервида ҳарбий хизматга жалб этилганимда ҳарбий интизом ва қоидаларга мослашишга деярли қийналмадим. Ўқувчилик вақтимдаги кўникмалар хотирамда қайта тикланди. Айрим сафдошларимнинг қатъий ҳарбийча турмуш тарзи ва машғулотлардан бироз қийналаётганда мен ич-ичимдан ўша мураббийимизга раҳмат айтардим.

Азиз НОРҚУЛОВ.

АСКАР АЙТАР....

(Мазкур ижод намунаси мактабгача таълим муассасаларида, хусусан Мудофаа вазирлигига қарашли шундайин муассасаларда сахналаштирилиб, намойиш этиш учун тавсия қилинади)

Бирдан бир хушхабар келди: “Аскар келди, аскар келди!” қий-чувлаб бир тўп болалар, кўча тўла шалоладай, аскар томон югурдилар, қуршаб “асир” туширдилар. Аскар кулиб турар фақат. Бир-бирига бермай навбат, болакайлар сўйлай кетди, аскардан сўз сўрай кетди:

- Аскар бўлиш қандай, ака?
- Куролингиз қани, қайда?
- Зўрми бизнинг армиямиз?
- Кимлар билан жанг қиламиз?...

Аскар кулиб айтар: Шошманг! Сўйлаб берай сизга бошдан. Мен ҳам сиздай бола эдим, “Зўр аскар бўламан!” дердим. Шуғулландим спорт билан, илм олдим сабот билан. Ботир, кўркмас бўлиб ўсдим. Эл меҳрига тўлиб кўксим, шу ватанни севдим жондай. Ўзни сезиб паҳлавондай, улғайиб зўр кучга тўлдим, ўзим хоҳлаб, аскар бўлдим. Ҳарбий хизмат — йигит бурчи! Сарф этиб бор илм-кучни, астойдил ўтадим уни, сергак бўлиб туну куни, ҳам чиникдим, тобландим боз, бу чин аскар йигитга хос. Фахр, бахтдир, агар билсанг, шундай юртга хизмат қилсанг!

Энди айтсам, армиямиз — бизнинг метин ҳимоямиз. Куч-қудратда қиёси йўқ, лек ҳеч элга қасоси йўқ. Жанг қилишмас бизнинг мақсад, юртни кўриқлашдир фақат, баъзи бир қора кучлардан, нияти бузуқ-пучлардан. Гарчи қурол-яроғ бисёр, лек қушга ҳам бермай озор, сарҳадларда огоҳ, шаймиз, эл тинчлигин асрагаймиз. Шундай ҳимоя бор учун, ҳар дам зийрак, хушёр учун, юксалмоқда она ватан. Халқимиз бўлиб бир жон-тан, яратмоқда меҳнат қилиб, шу тинчликнинг қадрин билиб. Яна яшнар топар камол, озод-обод бизнинг диёр! Сиз ҳам, азиз болажонлар, ҳозирча ёш полапонлар,

шундай элда яйрагайсиз, эркин қушдай сайрагайсиз. Униб-ўсиб кучга тўлинг, бир кун албат аскар бўлинг! Ботир, қўрқмас юрак бўлинг, юрт корига керак бўлинг!

Дилшод РАЖАБ, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.

**МИЛЛИЙ АРМИЯМИЗ
ТАРИХИДАГИ МУҲИМ
ВОҚЕАЛАР**

СОЛНОМА

1991 йил 6 сентябрь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Мудофаа ишлари вазирлигини ташкил этиш тўғрисидаги Фармони эълон қилинди.

1992 йил 14 январь

Республика Олий Кенгашининг «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган ҳарбий қисмлар ва ҳарбий ўқув муассасалари тўғрисида» тарихий қарори қабул қилинди. Бунга кўра, мамлакатимиз ҳудудидаги ҳарбий тузилмалар республика тасарруфига олинди.

1992 йил 24 март

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган чегара кўшинлари бўлинмалари ҳақида» ги Фармонига мувофиқ республика Миллий хавфсизлик хизмати қошида Чегара кўшинлари бошқармаси ташкил этилди.

1992 йил 3 июль

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн иккинчи чақириқ ўнинчи сессиясида «Мудофаа тўғрисида», «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида», «Муқобил хизмат тўғрисида» ги Қонунлари қабул қилинди, Ҳарбий қасамёднинг янги матни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Мудофаа ишлари вазирлигини Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигига айлантириш тўғрисидаги Фармони тасдиқланди.

1992 йил 12 июль

Мудофаа вазирининг буйруғига мувофиқ илк бор муддатли ҳарбий хизматчилар янги қабул қилинган Ҳарбий Қасамёд матни асосида садоқат онтини ичишди.

1993 йил 15 январь

Ўзбекистон Республикаси Президенти билан Қуролли Кучлар раҳбарияти ўртасида учрашув бўлиб ўтди. Мудофаа вазирлиги раҳбарияти ходимлари таркиби билан бўлиб ўтган учрашувда ҳарбий қурилиш, Ўзбекистоннинг ҳарбий сиёсати, шунингдек Қуролли Кучларни қайта қуриш ва ислоҳ этиш билан боғлиқ долзарб масалалар муҳокама қилинди.

1993 йил 1 апрель

Тошкент олий умумқўшин кўмондонлик билим юрти, Чирчиқ олий танк кўмондонлик-муҳандислик билим юрти, Самарқанд олий ҳарбий автомобиль кўмондонлик-муҳандислик билим юрти янгича номланди.

1993 йил 22 ноябрь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбий қисмининг Жанговар байроғи тўғрисида» ги Фармони билан Қуролли Кучлар Жанговар байроғининг ягона намунаси белгиланди ва Жанговар байроқ тўғрисидаги қоида тасдиқланди.

1993 йил 29 декабрь

Ўзбекистон Республикасининг Қонунига биноан 14 январь – Ватан химоячилари куни сифатида белгиланди.

1994 йил 18 март

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташаббуси, Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан Жиззах авиация олий ҳарбий билим юрти ташкил этилди.

1994 йил 15 июль

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари академиясини ташкил этиш тўғрисида» ги қарори эълон қилинди.

1994 йил 3 октябрь

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Муддатли ҳарбий хизматчиларига ва уларнинг оила аъзоларига қўшимча имтиёзлар бериш тўғрисида» ги қарори эълон қилинди.

1994 йил 5 ноябрь

Марказий Ҳарбий спорт клубининг бир гуруҳ спортчилари Японияда бўлиб ўтган Осиё ўйинларида муваффақиятли иштирок этгани учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонида мувофиқ юксак давлат мукофотлари билан тақдирланди.

1995 йил 11 январь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонида мувофиқ Қуролли Кучлар ташкил топганлигининг 3 йиллиги ва Ватан химоячилари куни муносабати билан бир гуруҳ ҳарбий хизматчилар юксак давлат мукофотлари билан тақдирланишди.

1995 йил 16 январь

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг Жанговар байроғи биринчилар каторида Термиз ва Нукусдаги ҳарбий қисмларга ва Миллий гвардияга топширилди.

1995 йил 5 март

Тошкент олий ҳарбий умумқўшин кўмондонлик билим юртига Жанговар Байроқ Ўзбекистон Республикаси Президенти ёрлиғи билан топширилди.

1995 йил 26 апрель

Ўзбекистон Республикаси Президенти Қарори билан Чирчиқ олий танк кўмондонлик-муҳандислик билим юртига Жанговар Байроқ топширилди.

1995 йил август

Ўзбекистон ҳарбийлари илк бор «Тинчлик йўлидаги ҳамкорлик» дастури доирасида халқаро машқларда иштирок этишди.

1995 йил 30 август

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг биринчи чақириқ учинчи сессиясида Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий Доктринаси қабул қилинди.

1995 йил 2 сентябрь

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Ислон Каримов Марказий Осиё минтақасида биринчи бўлган Қуролли Кучлар академиясининг очилиш маросимида иштирок этди ва нутқ сўзлади.

1995 йил ноябрь

Мудофаа вазирлиги Марказий Ҳарбий спорт клубининг футбол жамоаси илк бор Ўзбекистон чемпионатида кумуш медалларни қўлга киритди.

1996 йил 9 октябрь

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Ислон Каримов Фармонига биноан Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг Ички хизмат низоми, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг Интизом низоми, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг гарнизон ва қоровуллик хизмати низоми тасдиқланди.

1996 йил 14 октябрь

Мудофаа вазирининг буйруғига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг Саф низоми амалга киритилди.

1996 йил 12 август - 31 август

Ўзбекистонлик ҳарбийлар «Кооператив оспрей -96» халқаро тинчликни сақлаш машғулотида иштирок этишди.

1997 йил апрель

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига мувофиқ муддатли ҳарбий хизматчиларнинг пул таъминоти моқдори оширилди.

1997 йил май

Олий ҳарбий билим юртлари курсантлари Норвегияда «Кооператив баннерс-97» ўқув машқларида иштирок этишди.

1997 йил май

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, республика «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва бир қатор давлат, жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда илк бор ташкил этилган «Шунқорлар» ҳарбий-спорт ўйинларининг финал босқичи Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юртида бўлиб ўтди. Мусобақада биринчи ўринни Наманган вилоятининг «Кушон» ва Навоий вилоятининг «Лочин» жамоалари ўқувчилари эгаллашди.

1997 йил июль

Тошкент, Чирчиқ ва Самарқанддаги олий ҳарбий билим юртларидан илк бор Қуролли Кучларимизга тўпчи, зенитчи, десантчи, таъминот хизмати каби мутахасисликлар бўйича офицерлар учирма бўлди.

1997 йил 26 июль

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлар академиясининг биринчи битируви бўлиб ўтди.

1997 йил 29 август

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан Ўзбекистон Республикаси миллий хавфсизлик концепцияси қабул қилинди.

1997 йил 14 октябрь

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Ислон Каримов ташаббуси билан ташкил этилган Жиззах олий ҳарбий авиация билим юрти курсантларининг илк битирув тантаси бўлиб ўтди.

1997 йил ноябрь

Мудофаа вазирлиги Марказий Ҳарбий спорт клубининг футбол жамоаси илк бор Ўзбекистон чемпионатида олтин медалларни қўлга киритиб, мамлакат чемпиони бўлди.

1998 йил 23 февраль

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ўзбекистон Республикаси ҳарбий қисмларида интизомни мустаҳкамлаш чора-тадбирларига доир фармонига имзо чекди.

1998 йил 23 апрель

Мудофаа вазирлиги марказий матбуот органи «Ватанпарвар» газетасининг 1000-сони чоп этилди.

1998 йил май

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги миллий хавфсизлик кенгашининг навбатдаги йиғилишида Мудофаа вазирлиги Бош штаби Қуролли Кучлар Бош штабига айлантирилди.

1998 йил июнь

Ўзбекистонлик ҳарбийлар «Кооператив оспрей -98» халқаро тинчликни сақлаш машғулотларида иштирок этишди.

1998 йил 8 июль

Шоҳимардонда сув тошқинидан азият чеккан қишлоқ аҳлига ҳарбий хизматчилар ёрдамга етиб келишди.

1999 йил январь

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида ҳарбий ислохотлар, аниқроғи Мудофаа вазирлиги, чегара ва ички қўшинларни ягона давлат сиёсати негизида босқичма-босқич ислох қилиш ишлари бошланди.

1999 йил 13 январь

Ўзбекистон Республикаси Президенти «Ўзбекистон Республикаси давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитани ташкил қилиш тўғрисида» ги Фармонга имзо чекди.

1999 йил 3 март

Ўзбекистон Республикаси Президенти «Ўзбекистон Республикасининг Ҳарбий прокуратурасини ташкил қилиш тўғрисида» ги Фармонга имзо чекди.

1999 йил 20 август

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг давлат чегараси тўғрисида» ги Қонуни қабул қилинди.

1999 йил 23 сентябрь

Ўзбекистон Республикаси Президенти «Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судини ташкил қилиш тўғрисида» ги Фармонга имзо чекди.

1999 йил ноябрь

Тошкент вилояти Янгиобод туманида пайдо бўлган бир гуруҳ куролланган террорчиларни ҳарбий хизматчиларимиз бартараф этишиб, жанговар топшириқни аъло даражада бажаришди.

2000 йил 3 февраль

Миллий хавфсизлик кенгаши йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Мудофаа Доктринаси муҳокама қилинди ва маъқулланди.

2000 йил 26 май

Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаро муҳофазаси тўғрисида» ги Қонуни қабул қилинди.

2000 йил июнь

Мудофаа вазирлиги олий ҳарбий билим юртлари курсантларидан бир гуруҳи Норвегияда «Кооператив баннерс-2000» деб номланувчи тинчликни сақлашга қаратилган ўқув машғулотларида фаол иштирок этишди.

2000 йил август

Сурхондарё вилоятининг Сариосиё, Узун туманларида бир сарҳадларимизга суқилиб кирган бир гуруҳ жангариларга қарши ҳарбий хизматчиларимиз мардонавор кураш олиб боришди. Катта лейтенант Алишер Салимов, лейтенант Бобуржон Ғаниев, катта сержантлар Маъруфжон Ражабов, Эломон Отажонов, сержант Дониёрбек Тожибоев каби марду майдонларимиз Ватанни ҳимоя қилишдек шарафли бурчини бажариш йўлида қаҳрамонларча ҳалок бўлишди.

2001 йил январь

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қуролли Кучлар сержантлари таркибини тайёрлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида қарори қабул қилинди. Мазкур қарорга асосан Тошкент, Марказий, Жануби-ғарбий ва Шарқий ҳарбий округларида Сержантлар тайёрлаш мактаблари ташкил этилди.

2001 йил февраль

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори билан Мудофаа вазирлиги махсус операцияларни амалга оширувчи кучлар батальонлари таркиби ва тузилишини такомиллаштириш бўйича ташкилий ишлар олиб борилди.

2001 йил 11 май

Олий Мажлиснинг иккинчи чақириқ бешинчи сессиясида «Мудофаа тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни янги таҳрирда қабул қилинди.

2001 йил 11 май

«Махсус юклар ва ҳарбий таркибларнинг транзити тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинди.

2001 йил июнь

Ўзбекистон ва Америка ҳарбийларининг «Баланс-Эмпайр-2001» ҳамкорликдаги ўқув машқлари ўтказилди.

2001 йил июль

Тошкент ва Марказий ҳарбий округларида Сержантлар тайёрлаш мактабларининг тантанали равишда очилишига бағишланган тадбирлар бўлиб ўтди.

2001 йил ноябрь

Тошкент ва Марказий ҳарбий округларидаги Сержантлар тайёрлаш мактабларида биринчи битирув тантанаси бўлиб ўтди.

2002 йил февраль

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг 10 йиллигига бағишлаб Мудофаа вазирлиги ва мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг республика журналистлари ўртасида ўтказилган «Ватан химоясида» деб номланган ижодий танлови якунланди, ғолиб ва совриндорлар тақдирланди.

2002 йил 15 февраль

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбий хизматчиларининг шахсий гувоҳномасини ва ҳарбий хизматга мажбурларнинг гувоҳномасини амалга киритиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори қабул қилинди.

2002 йил август

Ўзбекистон Республикаси иккинчи чақириқ Олий Мажлис тўққизинчи сессиясида Президентимиз Ислом Каримов «Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари» мавзусидаги маърузасида профессионал асосдаги армияни шакллантириш борасида вазифаларни белгилаб берди.

2002 йил 26 сентябрь

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Мудофаа вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликларининг ҳарбий хизматга чақиришни ташкил этиш ва ўтказиш юзасидан масъулиятини ошириш тўғрисидаги қарори қабул қилинди.

2002 йил 12 декабрь

Ўзбекистон Республикасининг «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида» ги Қонуни янги таҳрирда қабул қилинди. Мазкур Қонунга мувофиқ муддатли ҳарбий хизмат муддати ўн икки ой (олий маълумотли шахслар учун – тўққиз ой) этиб белгиланди. Шунингдек, Қонун асосида янги хизмат тури – сафарбарлик чақируви резервидаги хизмат жорий этилди. Қолаверса, контракт бўйича ҳарбий хизмат тушунчаси мазкур Қонунда белгилаб берилди.

2003 йил январь

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Миллий армиямиз – мустақиллигимизнинг, тинч ва осойишта ҳаётимизнинг

мустаҳкам кафолатидир» китоби «Ўзбекистон» нашриётида чоп этилди. Жойларда, хусусан Ватан ҳимоячилари ўртасида мазкур китобни ўрганишга бағишланган тадбирлар бўлиб ўтди.

2003 йил 12 февраль

Тошкент ахборот технологиялари университети махсус факультети ташкил топганлигининг 10 йиллиги нишонланди.

2003 йил 22 февраль

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг сафарбарлик чақируви резервидаги хизматини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Қарори қабул қилинди.

2003 йил 26 февраль

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг сафарбарлик чақируви резервидаги хизматини ташкил этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги Қарори эълон қилинди.

2003 йил 4 март

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси фуқароларини ҳарбий рўйхатга олиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» ги Қарори қабул қилинди.

2003 йил 22 май

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг оддий аскарлар ва сержантлар таркибида муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга қўшимча имтиёзлар бериш тўғрисида» ги Қарори эълон қилинди.

2003 йил 23 май

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Наманган вилоятига сафари чоғида Шарқий ҳарбий округ Сержантлар тайёрлаш мактабига ташриф буюрди.

2004 йил январь

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги тасарруфидаги олий ҳарбий-таълим муассасаларининг ўқув моддий-техник базасини ривожлантириш дастурига мувофиқ курсантлар казармаларини кубрик туридаги умумий ётоқхоналар сифатида қайта қурила бошланди.

2004 йил 12 апрель

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қуролли Кучлар сержантлари мақоми тўғрисидаги Қарори қабул қилинди.

2005 йил январь

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбий хизматчиларининг озиқ-овқат таъминотини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида» ги Қарорига мувофиқ 2005 йилдан бошлаб ҳарбий хизматчилар учун янги, янада такомиллашган ва каллорияли овқатланиш рационни киритилди.

2005 йил 15 март

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Фуқароларни муддатли ҳарбий хизматга йиғиш ва жўнатиш, уларни ҳарбий қисмларда қабул қилиш, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари резервига бўшатишган ҳарбий хизматчиларни яшаш жойларига қайтариш тартиби тўғрисида» ги 84-сонли қарори эълон қилинди.

2005 йил 30 июнь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ҳарбий хизматчиларини ижтимоий муҳофаза қилишни таъминлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги Қарори эълон қилинди.

2005 йил 19 август

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбий хизматчиларини ижтимоий муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Қарори эълон қилинди.

2005 йил 25 август

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ҳарбий хизматчиларига турар жойни ижарага олганлик (ижарада турганлик) учун ҳар ойлик пул компенсацияси тўлаш тартиби тўғрисида» ги Қарори қабул қилинди.

2005 йил 25 октябрь

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сержантларининг мақоми тўғрисида» 2004 йил 12 апрелдаги Қарорига ўзгартиришлар киритиш ҳақидаги Қарори қабул қилинди.

2005 йил 31 октябрь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга бериладиган имтиёзлар тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Қарори эълон қилинди.

Мазкур Қарорга асосан Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб, ҳарбий қисм кўмондонлиги Тавсияномасига эга бўлган фуқаролар учун республика олий ўқув юртларига ўқишга киришда тест синовларида тўпланадиган энг кўп баллнинг 25 фоизи миқдорида имтиёз, қолаверса муддатли ҳарбий хизматчиларга бир қатор имтиёзлар белгиланди.

2006 йил 14 январь

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг Қарори билан «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳарбий хизматни ўташ тартиби тўғрисида» ги Низом тасдиқланди.

2006 йил 26 июнь

«Мудофаа тўғрисида»ги, «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари резервидаги хизмат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига ўзгартиш ва

қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг Қонуни қабул қилинди.

2007 йил

Мудофаа вазирлигининг ўқитувчилар таркибининг малакасини ошириш бўйича услубий маркази яратилди. Услубий марказда вазирлик тасарруфидаги олий ҳарбий таълим муассасаларида фаолият юритаётган профессор-ўқитувчилар таркиби учун таълим жараёни жорий этилди

2007 йил 14 сентябрь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбий хизматчиларини уй-жой билан таъминлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида» ги 694-сонли Қарори эълон қилинди. Мазкур низом орқали ҳарбий хизматчиларни уй-жой билан таъминлаш тартиби белгиланди.

2007 йил 29 июнь

Ўзбекистон Республикасининг Қонуни билан «Содик хизматлари учун» медали таъсис қилинди.

2007 йил 23 октябрь

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ҳарбий академик лицейлар фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Қарори қабул қилинди.

2008 йил 18 январь

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов Тошкентда ҳарбий хизматчиларнинг тураржой таъминотига бағишланган кўرғазма билан танишди. Мудофаа вазирлиги томонидан ташкил этилган ҳарбий хизматнинг замонавий шарт-шароити ҳамда мамлакатимиз Қуролли Кучлари ҳарбий хизматчиларининг тураржой таъминотига бағишланган мазкур кўрғазма хусусида тўхталар экан, давлатимиз раҳбари «...кўрғазмани ташкил этишдан асосий мақсад, авваламбор, ҳарбий хизматчиларимиз учун ҳеч кимдан кам бўлмаган яшаш шарт-шароитларини яратишдан иборат», деди.

2008 йил 18 январь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ҳарбий шаҳарчалар инфратузилмасини тубдан яхшилаш, уларда яшовчи ва хизмат қилувчи ҳарбий хизматчиларга зарурий ва қулай шарт-шароитлар яратиш тўғрисида» ги Қарори қабул қилинди.

2008 йил 31 июль

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 163-сонли Қарори асосида «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ҳарбий хизматчиларига узоқ муддатли ипотека кредитларидан фойдаланган ҳолда квартиралар сотиб олиш ва яққа тартибдаги уй-жойлар еуриш учун ер участкалари ажратиш тартиби тўғрисида» Низом тасдиқланди.

2008 йил 10 сентябрь

Ўзбекистон Республикасининг қонуни билан «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида» ги Қонуннинг 29-моддасига ўзгартиришлар киритилди.

2008 йил 20 ноябрь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида муддатли ҳарбий хизматни ўташ шарт-шароитларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Фармони эълон қилинди. Мазкур Фармонга мувофиқ фуқароларни Қуролли Кучларда муддатли ҳарбий хизматга йилига бир марта – февраль-март ойларида чақириш, белгиланган муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган фуқароларни Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари захирасига март-апрель ойларида бўшатиш белгиланди.

2008 йил 11 декабрь

Ўзбекистон Республикасининг Қонуни билан «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида» ги Қонуннинг 18 ва 19-моддаларига ўзгартиришлар киритилди.

2009 йил

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида муддатли ҳарбий хизматни ўташ шарт-шароитларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Фармонига мувофиқ 2009 йилдан эътиборан фуқароларни Қуролли Кучларда муддатли ҳарбий хизматга йилига бир марта – февраль-март ойларида чақириш жорий этилди.

2009 йил 14 январь

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Фуқароларни муддатли ҳарбий хизматга йиғиш ва жўнатиш, уларни ҳарбий қисмларда қабул қилиш, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари резервига бўшатишган ҳарбий хизматчиларни яшаш жойларига қайтаришни ташкил этиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги 10-сонли Қарори эълон қилинди.

2009 йил 1 октябрь

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Фуқароларни муддатли ҳарбий ва муқобил хизматларга чақириш, сафарбарлик чақируви резервидаги хизматга қабул қилиш бўйича чақирув комиссиялари тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида» ги Қарори эълон қилинди.

2010 йил 12 январь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташаббуси билан Тошкент шаҳрида «Ватанга қасамёд» ҳайкали бунёд этилди. Мазкур монументнинг очилишига бағишланган тантанали маросимда Президентимиз Ислон Каримов иштирок этиб, нутқ сўзлади.

2010 йил 17 февраль

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ҳарбий академик лицейлар фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Қарори эълон қилинди.

2010 йил 25 март

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлар музейи фаолиятини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги Қарори

эълон қилинди. Мазкур Қарорга биноан Қуролли Кучлар музейи Қуролли Кучлар давлат музейи деб атала бошланди.

2011 йил 1 февраль

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида тиббиёт ва санатория-курорт таъминоти тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш тўғрисида» ги Қарори қабул қилинди.

2011 йил 28 февраль

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ташкил этилганлигининг 15 йиллиги муносабати билан бир гуруҳходимларни мукофотлаш тўғрисида» ги Фармони эълон қилинди.

2011 йил 28 октябрь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг йигирма йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида» ги Фармойиши имзоланди. Мазкур ҳужжатга асосан республикамизда миллий армиямизнинг шонли 20 йиллик тўйи ҳамда Ватан ҳимоячилари кунига бағишланган маънавий-маърифий тадбирлар, тантаналар ўтказилди.

2011 йил 31 октябрь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига 20 йил» эсдалик нишонини таъсис этиш тўғрисидаги Фармони эълон қилинди.

2012 йил 10 январь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг йигирма йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида» ги Фармойиши асосида журналистлар ўртасида ташкил этилган «Ватан азиз, жасорат мангу» биринчи республика танлови ғолиб ва совриндорлари эълон қилинди. «Ватанпарвар» газетаси таҳририяти мазкур танлов ғолиби бўлди.

2012 йил 31 май

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган фуқароларга имтиёзлар тизимини янада такомиллаштиришга оид кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида» ги Қарори эълон қилинди.

Мазкур Қарорга асосан Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб, ҳарбий қисм кўмондонлиги Тавсияномасига эга бўлган фуқаролар учун республика олий ўқув юртларига ўқишга киришда тест синовларида тўпланадиган энг кўп баллнинг 27 фоизи миқдорида кўшимча имтиёз бериладиган бўлди.

2012 йил июль

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорига мувофиқ Тошкент тиббиёт академияси қошида ҳарбий-тиббий факультетга асос солинди.

2012 йил 11 сентябрь

Ўзбекистон Республикаси "Мардлик" орденини таъсис этиш тўғрисида”
ги қонуни қабул қилинди.

МУНДАРИЖА

Кириш	3
ЎЗБЕКИСТОН ВАТАНИМ МАНИМ	
«Ватандин яхши ёр ўлмас...»	
Ватан – борлиғимсан, бахту иқболим	
Ватан ҳақида кўшиқ	
Саждагоҳимсан, Ватан!	
Ватанни унга бўлган муҳаббат обод этади, асрайди.....	
Отам изи қолган тупроқлар	
«Мен нечун севаман Ўзбекистонни?»	
«Ўзбекнинг ўз ниҳолин экканлиги рост бўлсин!»	
БУЮК АЖДОДЛАРИМИЗ АНЪАНАЛАРИНИ ДАВОМ ЭТТИРАМИЗ.....	
Истиклолга қалқон эрур ватан мардлари.....	
Буюк тождор – сўз мулкининг шаҳаншоҳи.....	
Кўшинни бошқариш – ҳарбий санъат негизи	
Шарқ алломалари – ҳарбийларнинг фазилатлари тўғрисида	
Тасвирий санъатда ватан ҳимоячилари мавзуси талқини.....	
Ватан ҳимоячиларини тарбиялашда музей экспозицияларининг аҳамияти.....	
ВАТАНПАРВАРЛИКНИ МЕН ҚАНДАЙ ТУШУНАМАН?.....	
Ватаним ардоғида яшайман эркин	
Юрагимга Ватан номи битилган	
«Ватанпарварликни дадам қиёфасида кўраман».....	
Садоқат баётидан куч олиб	
Нурдан яралган сўз.....	
АРМИЯ – ЖАСОРАТ МАКТАБИ.....	
Мардлик улуғланар, мардлар кадрланар.....	
Армиямиз қудратини оширишдаги муҳим омил.....	
Ватан ҳимояси – муқаддас бурч.....	

Қуролли Кучлар тизимини ислоҳ қилишнинг ҳуқуқий асослари.....

Миллий армия: мамлакат мустақиллигининг мустаҳкам асоси.....

Муборак йўлнинг мангу барҳаёт йўлчиси.....

АРМИЯ МЕНГА НИМА БЕРДИ?.....

Аскарлик мақоми – юксак ва масъулиятли

Озодликнинг кадр-қимматини.....

англаш масъулияти.....

Юрагимизда, тафаккуримиздаги ишонч.....

Ҳарбий хизматчи тўрт яшар боланинг халоскори.....

Элга, юртга қўрғон бундай мардлар.....

Аскар айтар... ..

МИЛЛИЙ АРМИЯМИЗ ТАРИХИДАГИ

МУҲИМ ВОҚЕАЛАР.....